

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳайдаров Фазлиддин Икромович**  
**Жўраев Нурбек Саъдуллаевич**

**ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ**

*(ўқув қўлланма)*

**Тошкент – 2010**

### Аннотация:

Психология тарихи узоқ ўтмишга эга бўлиб асрлар давомида ривожланиб келмоқда. Ушбу қўлланмада психологиянинг тарихий илдизларига эътибор қаратилган бўлиб, унда антик давр психологиясига қадимги Шарқ мамлакатларидаги психологик ғояларга, Европада уйғониш даври психологиясига, Марказий Осиёдаги психологик таълимотларга, Ўрта асрлар психологиясига, Психология оқимлари ва мактабларига, психологиянинг ҳозирги кундаги ҳолати каби масалаларга муносабат қилинган. Ушбу қўлланма амалий психологлар, педагогика психология мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга ва таълим тизимида психолог бўлиб ишлаётган мутахассисларга мўлжалланган.

The history of psychology has been developed for centuries. In given book is presented the roots of historical psychology that is ancient psychology's ideas of Eastern countries to the psychology of renaissance in Europe to the psychological education of Central Asia to the middle ages psychology to the stream and schools of it and to the condition of nowadays. This book is devoted to practical psychologists to the students who study pedagogical psychology and specialists who work as psychologists.

Психологическая наука имеет давнюю историю. В данном пособии рассматриваются исторические корни психологии и дается обзор психологии античной эпохи, психологических учений в странах Центральной Азии, психологии Средних веков, научных школ психологии. Данное пособие рассчитано для практических психологов для студентов педагогических вузов и для психологов, работающих в системе образования.

Тақризчилар:                    п.ф.н., доц. С.Х.Жалилова  
    п.ф.н., доц. Х.М.Алимов  
Масъул муҳаррир:            Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
    психология фанлари доктори, профессор  
    М.Г.Давлетшин.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2008 йил \_\_\_\_ сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети

## ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ ФАНИГА КИРИШ

Психология тарихи бошқа фанлар сингари қизиқарли ва мазмундор билимлар соҳасидан иборат. Ушбу фан инсоният томонидан ҳайвонларга ва инсонларга хос бўлган психик ҳаёт ҳодисалар ҳақидаги билимларнинг аста-секин тўпланиб бориш тарихидир. Шунингдек, инсоннинг ўзи ҳақидаги билимлари йиғилиб, ҳамда чуқурлаштириб боришидир. Биз психология тарихи билан танишар эканмиз, инсон ва ҳайвонлар психик ҳаётини ўрганишга бўлган интилиш кишилиқ ҳаётини турли хил тарихий босқичларда уларнинг қандай назарий ва амалий эҳтиёжлари билан боғланганлиги, психик ривожланишининг баъзи қонуниятларини қандай очилганлигини билиш имкониятига эга бўламиз. Психология тарихи фан сифатида ҳаётнинг турли босқичларида, фан ва маданиятнинг умумий тараққиёти муносабати билан психологик билимлар соҳаси қандай кенгайиб борганлиги ҳамда дастлабки ягона бўлган психология соҳаси қай тарзда тараққий этиб, бутун бир психология фанлар тизими даражасига кўтарилганлигига доир маълумотларни беради. Шунингдек, психология тарихи психикани янада чуқур ва аниқ билиш имкониятини беради. Психология фани тараққиётга кўмаклашадиган фойдали илмий текшириш методларини излаш ва яратишда катта ўрин тутади.

Психологиянинг бутун ривожланиш тарихи давомида идеализм ва материализм ўртасида кураш рўй берганлигини билан изоҳланади. Бу кураш психология фанининг моҳиятини, инсондаги психик ва физиологик ҳодисаларни ўзаро муносабатларини ҳамда психологиянинг предметини турлича талқин қилишда ифодаланган. Албатта, психология тарихида турлича қарашлар ва йўналишлар бўлишига қарамасдан бу фаннинг предмети, яъни инсон ва ҳайвонга хос бўлган психика, психик ҳаёт қонуниятлари шундайлигича қолаверади.

Ҳозирги кунимизни ўтмиш билан боғлашимиз керак, чунки ўтмишсиз келажакни ўзи бўлмайди. Умумий психология фанининг предмети ва методларидан фарқли равишда, психология тарихи психик воқеликни эмас, унинг ривожланиш тарихи ҳақидаги фикрлар турли даврларда ким томонидан

қандай ғоялар илгари сурилганини ўрганади. Психологик фикрлар ўз тарихига эга. Бу фаннинг вазифаси психика ҳақидаги илмий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ҳамда психологик фикрлар тараққиёти давомида фанининг предмети бўлган, аввал рух, кейин онг, кейин хулқ-атвор сифатида ўрганишдир. Ҳозирги босқичда психология тарихининг, аввалги даврларда киритилмаган психика ва хулқ-атвор (фаолият) бирлиги тамойили яна қайтадан тикланди. Умуман психологияда фикрлар тараққиёти ҳеч қачон бир текисда кечмаган. Баъзи даврларда у зигзаглар билан тавсифланган бўлса, баъзида ортга қайтган ёки бир жойда туриб қолган. Ҳар бир босқич ўз ютуқ ва камчиликларига эга бўлган. Г.Эббингауз айтганидек: “Психология узок ўтмишга ва қисқа тарихга эга”.

Психологияга оид билимларнинг ривожланишини ҳар хил даврлаштириш мумкин. Даврлаштириш жараёнига хронологик жиҳатдан ёндошилса, XVII аср психологиясига, худудий жиҳатдан, Мексика психологиясининг тарихи, Америка психологиясининг тарихи кабиларга ажратиш мумкин. Демак, ҳар қандай даврлаштириш нисбийдир. Шунини ҳисобга олиб қуйидаги даврлаштириш схемасини ҳам навбатдаги вариантлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Психология тарихи 2 та даврга ажратилади. Улар ўз навбатида кичикрок даврларга бўлиниш тамойилига асосан тузилган.

**I-давр.** Психология фанининг фалсафа фани таркибида ривожланган даври. Бу даврда эр.ав. VI асрдан XIX аср ўртасигача 2,5 минг йил давом этган даврдир.

**II-давр.** Психология фанининг мустақил фан сифатида ривожланган даври. Бу давр XIX аср ўртасидан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган даврдир.

***I-давр Психологиянинг фалсафа фани таркибида ривожланиши***

Хронология	Босқичнинг мазмуни	Натижа
эр.ав. V-VI асрлар	Психика ҳақидаги дастлабки илмий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	Рух ҳақидаги фаннинг пайдо бўлиши ва унда икки йўналиш материалистик ва идеалистик йўналишларнинг пайдо бўлиши. Психик жараёнлар сезги

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. А.В.Петровский Умумий психология Тошкент, Ўқитувчи, 1992 й
2. П.И.Иванов Умумий психология, Тошкент, Ўқитувчи, 1967й
3. Р.С.Немов Психология, Москва, 1974 й.
4. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари асари Тошкент – 1992 й.
5. Давлетшин М.Г. Психологическая наука в Узбекистане Психологический журнал. Тошкент. №7. 1986 й.
6. Давлетшин М.Г. Психология тарихи дастур. Т.-1996й.
7. Ждан Г. История психологии 1976й.
8. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар Тошкент. Ўзбекистон – 1993 й.
9. Нишонова З.Т. Психология тарихи маърузалар матни Т-2002й.
10. Петровский Умумий психология Тошкент Ўқитувчи 1992й.
11. Хайруллаев М.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар Тошкент -1995й.
12. Э.Ф.Ғозиев Тафаккур психологияси Тошкент – Ўқитувчи – 1990й.
13. В.М.Каримова. Психология А.Қодирий нашриёти Тошкент 2002 9-20 бетлар.
14. С.Жўраева Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф Тошкент Янги аср авлоди 2002 йил 7-368 бетлар.

## СОДЕРЖАНИЕ

1. Введение в предмет история психологии.....
2. Распространения психологических мыслей в странах Востока.....
3. Психология античного периода.....
4. Психология эпохи возрождения в Европе.....
5. Развитие психологических учений в Центральной Азии.....
6. Понятие сознания.....
7. Предпосылки формирования психологии как самостоятельной науки.....
8. Развитие психологии как самостоятельной науки.....
9. Психологические школы или основные направления мировой психологии.....
10. Развитие психологии в Узбекистане и её нынешнее состояние.....
11. Краткие сведения о Великих психологах и их воззрениях.....

		идрок, хотира, тафаккур, аффект, ирода хакидаги дастлабки эмпирик билимларнинг пайдо бўлиши. Тана ва рух муносабатига ҳар хил ёндошиш.
V-VIII аср	Рух хакидаги фаннинг фалсафий таълимотлар доирасида тиббий билимлар асосида ривожланиши	Атомистик психологиянинг пайдо бўлиши.
XV-XVI аср	Рух хакида фаннинг анатома-физиологик билимлар асосида ривожланишини давом эттириш.	Тадқиқот объекти сифатида руҳни инкор этиш “Психология” терминини киритилиши.

### *II- давр Психологиянинг мустақил фан бўлиб ривожланиши*

Хронология	Босқичнинг мазмуни	Натижа
XIX аср бошидан XIX асрнинг 60-йилларигача	Психология мустақил фан эканлигини таъкидловчи илк психологик билимларнинг пайдо бўлиши.	Нерв тизими ва сезги органи фаолиятини экспериментал методлар билан ўрганила бошланиши психофизика ва психогометриянинг пайдо бўлиши, сезиш ва идрок қилиш назарияларининг кашф этилиши
XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг охиригача	Психологиянинг бевосита мустақил фан сифатида ривожланиши	Экспериментал методлар психологиядан мустақил ўрин эгаллаши психологияда амалий тадқиқотларни пайдо бўлиши фанда янги тармоқларни вужудга келиши
XX асрнинг 10-30-йиллари	Психологияда очиқ кризис (инкироз)	Чет эл психология мактаблари
XX асрнинг 30-50-йиллари	Инкирознинг тугалланиши	Янги тармоқлар: генетик психология, шахс психологиясининг пайдо бўлиши, янги мактаблар необихевиоризм, неофрейдизмнинг вужудга келиши
XX асрнинг 60-йиллари	Янги назарий ва амалий йўналишларни юзга келиши	Янги йўналиш гуманистик психология, логопедия, когнитив психологиянинг

		пайдо бўлиши, психология предметини таҳлил қилиниши, онгсизлик масаласига катта эътибор берилиши, ижтимоий психология масалаларини чуқурлаштириш
--	--	--

Психология тарихининг манбалари бўлиб тўпланган барча психологик билимларни акс эттирувчи манба энг аввало ўтмиш файласуфлари, психологларининг асарлари, тиббиётга айниқса, психиатрия соҳасига оид билимлар саналади. Шунингдек, бошқа фанлар табиатшунослик, жумладан, физика, химия, астрономия, тилшунослик, этнография, антропология каби фанларнинг маълумотлари ҳам психология тарихининг манбаи ҳисобланади.

### **ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ИЛК ПСИХОЛОГИК ФИКРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ**

Психология термини XVI асрда пайдо бўлиб, XVIII аср ўрталаридан кенг доирада қўлланила бошланди. XIX асрдан психология фани мустақил фан сифатида шаклланди. Бироқ инсоният психикасини (рухиятини) ўрганишга жуда қадим даврларданок қизиқиш келишган.

Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Миср каби мамлакатларда рухий ҳолат ҳақидаги илк фикрлар илгари сурилган, лекин психика ҳақидаги таълимот фалсафа фани доирасида унинг бир қисми сифатида ўрганилган.

Психология тарихида ҳам фалсафа тарихида бўлгани каби асосан икки оқим ўртасида кураш кечган. Улар:

**1. Идеализм** (фр. idealisme– идеализм) фалсафанинг бош масаласида – онгнинг борлиққа муносабати масаласида материализмга қарама-қарши ўларок онг, рух, бирламчи, моддий дунё, борлиқ эса иккиламчи, онг, сезги, тасаввур ва тушунчаларнинг маҳсулидир деб даъво қилувчи ғайри илмий фалсафий оқим.

Идеалистлар материалистларга қарама-қарши ўларок, психика тана билан яширин йўсинда бирлашган, инсон ўлгач, танани ташлаб “нариги дунёга”,

### **CONTENT**

1.	Introduction of historical psychology.....	.....
2.	The first psychological opinions in Eastern countries.....	.....
3.	Ancient psychology.....	.....
4.	Renaissance of psychology in Europe.....	.....
5.	Developing of psychological education in Central Asia.....	.....
6.	Conception of consciousness.....	.....
7.	To make a basis for developing of psychology as an independent subject..	.....
8.	Developing of psychology as an independent subject.....	.....
9.	The main directions of psychological schools or the world psychology....	.....
10.	Developing of psychology and it`s nowadays condition in Uzbekistan.....	.....
11.	Short information about great psychologists and their forward ideas.....	.....

## МУНДАРИЖА

1. Психология тарихи фанига кириш.....	4
2. Шарқ мамлакатларида илк психологик фикрларнинг пайдо бўлиши.....	7
3. Антик давр психологияси.....	24
4. Европада уйғониш даври психологияси.....	46
5. Марказий осиеда психологик таълимларнинг ривожланиши.....	53
6. Онг ҳақида тушунча.....	63
7. Психологияни мустақил фан сифатида шаклланишига замин ҳозирланиши.....	66
8. Психологияни мустақил фан сифатида шаклланиши.....	77
9. Психологик мактаблари ёки жаҳон психологиясидаги йирик йўналишлар.....	87
10. Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиши ва ҳозирги ахволи.....	103
11. Буюк психологлар ва улар илгари сурган ғоялар ҳақида қисқача маълумот.....	
12. Атамаларнинг изоҳли луғати	

ғоялар дунёсига кетиб, у ерда абадий яшайдиган моддий бўлмаган қандайдир илоҳий субстанция ёки моҳиятнинг намоён бўлишидир деб тушунадилар.

Идеалистик оқим намоёндалари психика тана ҳаётига боғлиқ бўлмаган қандайдир рухий субстанция жондан иборат дейдилар. Бундай қараш фалсафанинг антик тараққиётида Платон идеализмида ёрқин намоён бўлди.

**2. Материализм** (лот. materialis – моддий) материализм фалсафасидаги икки асосий оқимдан бири, яъни идеализмга қарама-қарши ўлароқ, бирдан бир илмий, тарихан ривожланган дунёқарашдир. Фалсафа тафаккурнинг борлиққа муносабати ҳақидаги бош масаласини ҳал қилишда материализм, дунё ўз табиатига кўра моддийдир, материя, табиат, борлиқ, инсон онгидан ташқари унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, материал бирламчи ҳамда сезгиларнинг манбаидир, онг эса иккиламчи, ҳосила нарсадир, дунёни ва унинг қонуниятларини тўлиқ билиш мумкин, деб таълим беради.

Материализм фалсафий оқим сифатида эрампиздан бир қанча асрлар аввал қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Грецияда пайдо бўлган.

Эрампиздан аввалги бир неча минг йиллар илгари Шарқда қадим цивилизациялар – Миср, Ҳиндистон Хитой цивилизацияси таркиб топган. Улардаги ғоялар асосида замонавий фанлар ривожланади.

Материалистик оқим тарафдорлари психикани табиий материалистик нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Хусусан қадимги Юнон мутафаккир материалистлари барча мавжуд нарсаларни жумладан, психикани ягона моддий асослардан:

- Сув (Фалес)
- Ҳаво (Анаксимен)
- Олов (Гераклит)
- Атомлар йиғиндиси (Демокрит, Эпикур) келиб чиққан деб асослашга

уриндилар.

Милоддан аввалги бир неча минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистон ва Хитойда II-минг йилликда пайдо бўлган. Ведалар энг қадимги арийлик дунёқарашини ифодаларди. Грек, скандинавия ва славян афсоналарида бўлгани

сингари унда ҳам худолар кўпинча табиий кучларга қиёс қилинарди. Бундай дунёқараш Коинот билан Тартибсизлик (Хаос) ўртасидаги азалий кураш билан тавсифланарди. Бу жангда худоларнинг узил-кесил ва абадий ғалаба қилиши кафолатланмайди. Тартибсизликка қарши курашда худолар одамларнинг ёрдамига мухтож бўлган. Қурбонликлар ва тўғри бажариладиган маросимлар коинотдаги тартибни тутиб туришга катта ҳисса қўшиб туради. Ведалар билан танишишда муайян афсонавий оламга ғарқ бўламиз. Агар биз ҳинд маънавий ҳаётида **афсонадан логосга** ўтиш ҳақида гапирсак эди, унда уни матнларнинг янги ва анча тушунарли гуруҳлари (милоддан илгарги 800-300 йиллар) бўлган **Упанишадларга** тегишли дейиш мумкин бўларди. Упанишадлар веда дунёқарашининг танқидий жиҳатдан идрок этилишидир. Эҳтимол, улар арий маданиятининг айрим жиҳатларига нисбатан норозиликни ифодалар. Энг янги тадқиқотлар уларда **ноарий** тенденцияларнинг таъсирини топмоқда. Бироқ, бу мураккаб масала дин тарихчилари ихтиёрида қолдирилиши керак. Лекин, барибир Упанишадларга далил асослар мувофиқ келади. Бу нарса мазлумларнинг ўз овозини чиқариш усулини топганлигини англатадими? Биз буни билмаймиз ва фақат тахминлар билан чекланишимизга тўғри келади.

**“Упанишادا”** атамаси донишманднинг ўз шоғирдларига таълим бериши жараёнини англатади. Вақт ўтиши билан бу атама шу жараёнда бериладиган мазмунни ифодалайдиган фалсафий матнни ҳам ифодалайдиган бўлди. Шундай қилиб, муайян маънода Упанишадларни Платоннинг диалоглари билан ўхшатиш мумкин.

Упанишадларнинг марказий мавзуларидан бири туғилиш ва ўлимнинг абадий “алмашинуви” ғоясидир. Бундай ғоя тирик мавжудотларнинг ўлимдан кейин яна қайта тирилишини назарда тутадиган улар руҳларнинг кўчиб юриши (реинкарнация) ҳақидаги таълимотга асос қилиб олинган. Туғилиш билан ўлим ўртасидаги абадий қайта тикланиб турадиган цикл сансара дейилади. Айнан ана шундай циклда инсоннинг энг теран “моҳияти” (атман) такрор ва такрор қайта тикланаверади.

**Фидеизм**-илм-фандан кўра эътиқодни афзал кўра эътиқодни афзал кўрувчи реңкион назария.

**Фалсафа** –табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунлари ҳақидаги фан.

**Фобия**-маълум бир шароитларда асоссиз равишда кўрқиб ва ташвишланишдан иборат, энгиш мумкин бўлмаган муттасил психопатологик ҳолат.

**Фрейдизм**-инсон хулқининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи онгсиз майл (айниқса, жинсий майл) деб ҳисоблаб, онгли фаолиятнинг аҳамиятини, ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи ролини камситмайдиган реңкион идеалистик назария.

**Функционал психология**-XIX аср охири XX аср бошлари психологиясидаги психологиянинг предмети психик элементлар ва уларнинг тузилишлари муносабатлари эмас, балки психик функциялардан иборатдир.

**Эмпиризм**-тажрибани, ҳиссий идрокни билишнинг бирдан-бир воситаси деб ҳисоблаб, мантикий таҳлил ва назарий умумлаштиришларнинг аҳамиятини камситувчи фалсафий таълимот.

**Эмпирик психология**-мавҳум, рационал психологияга қарама-қарши бўлган, тажрибага асосланган психология.

**Эпифеноменализм**- психика одам ҳаёти ва фаолиятида ҳеч қандай роль ўйнамасдан “йўловчининг кўланкаси сингари” фақат моддий жараёнларга жўр бўлади деб ҳисобловчи таълимот.

**Этика**-аҳлоқ ҳақидаги фалсафий таълимот

**Этногенез**-турли халқларнинг келиб чиқиши.

**Субъектив идеализм**-фан ва ижтимоий амалиётнинг далилларига қарама-қарши ўларок, моддий дунёнинг объектив равишда мавжудлигини инкор қилиб, реаллик деб фақат индивидуал онг, субъектив сезги образларини тан олувчи идеалистик оқим.

**Схоластика**- ўрта аср феодал жамиятидаги диний идеалистик фалсафанинг умумий номи бўлиб, черков ақидаларига асосланган бўлиб, мавхум мулоҳазалар, мантикий найранглар билан иш кўришлари билан характерланади.

**Теизм**-худонинг мавжудлигини тан олувчи, уни ақл ва иродали, дунёни яратган ҳамда бошқариб турган шахс киёфасида тасаввур қилувчи, фанга илмий дунёқарашга ёт бўлган диний ақида.

**Теология**-барча диний ақидалар ва хурофотларни илмий жиҳатдан асослашга интилувчи диний таълимот.

**Утилитаризм**-ахлоқда фақат фойда манфаатни тан олувчи индивидуалистик оқим, ҳар бир нарсдан фойда олишга доимий интилишдан иборат салбий характер хислати.

**Фанатизм**-ўз субъектив қарашларига ҳаддан ташқари берилиб, бошқаларнинг эътиқодларига чидаб тура олмасликдан иборат салбий хислат, ўз эътиқодига ортиқча ҳирс кўйиш.

**Феномен**-идеалистик фалсафадаги объектив воқеликни акс эттирмайдиган, фақат инсон онгида мавжуд бўлган субъектив ҳодиса.

**Феноменализм**-фалсафадаги объектив дунёнинг мавжудлигини инкор қилиб, фақат онг ҳодисасини бирдан-бир реаллик деб ҳисобловчи ғайри илмий субъектив идеалистик таълимот.

**Фенотип**- организмнинг индивидуал тараққиёти жараёнида таркиб топган барча белги ва хусусиятлар йиғиндиси.

**Фетиш**-такводор кишиларнинг тасаввурига кўра, унга сиғинган кишиларнинг мушқулини осон қилувчи ғайри табиий сеҳрли кучга эга бўлган буюм.

**Фетишизм**-нажот кидириб турли нарсаларга чўқиниш.

Шарқшунослик адабиётларида нимани **атман** деб тушуниш масаласи хусусида мунозара кўпдан бери давом этиб келади. Упанишадларнинг айримларида, афтидан, атман ўзгармас ва субстанциал нарса ҳисобланади ва идрок этувчи “мен” ёки “эго”дан фарқ қилади.

Упанишадларнинг бошқа бир муҳим қондаси **атман** билан **брахман**нинг бир-бирига тенглаштирилишидир. “Брахман” сўзининг адекват таржимасини топиш қийин. Бу ҳолда **атман** билан **брахман**нинг бир-бирига тенглаштирилиши атман абсалют ёки илоҳиёт билан тенг дейиш мумкин. Бунга ўхшаш қарашлар одам (ёки унинг руҳи) Худо билан айни бир нарса бўла оладиган ғарб мистицизмида ҳам мавжуд. Бундай бирлик ҳинд фалсафаси ва Ғарб мистицизми тарғиб қиладиган зоҳидона турмуш тарзини назарда туттади.

Упанишада файласуфлари, шу тариқа оламдан тескари ўгирилиб олишди. Уларнинг мақсади зоҳидларча **дунёдан қочиш** эди. Уларнинг эътиқодича, матндами ёки табиатдами бўлишидан қатъий назар “ташқари”да эмас, у сенинг ичингда. Сен “ўз-ўзингни топиш”ни ўрганишинг керак. Мистицизм ҳақида кўп нарсани ўқиб олиш мумкин, лекин бу мистик билишни англамайди. У фақат сен томонингдан ва ўзингнинг шахсий саъй-ҳаракатларинг ёрдамида ишлаб чиқилади. Ҳиндистонда бунга ўхшаш мистик донишмандлик коҳинлар табақасига, ҳақиқий “брахман”ларга хос деб ҳисобланарди.

**Атман** билан **брахман** тўғрисидаги тезис атман абсолютга тенгдир, деб талқин этилиши мумкин. Фақат ана шундай шароитда индивид ўлимдан кейинги янги қайта тирилишларга қодир бўлади. Ҳинд фалсафасига биноан одам *сансарадан*, ҳаётлар ва ўлимлар “хороводи”дан халос бўлиши лозим. Бутун ҳинд фалсафаси мужассамлашишларнинг абадий циклидан халос бўлиш (мокша) йўлини излайди. Бундай қоида нафақат Упанишадларда, шу билан бирга буддизм фалсафасида ҳам етакчи ўрин туттади.

Ҳинд фалсафасининг бу циклдан халос бўлишга нима учун бунчалик алоҳида эътибор қаратганлигини қисқача кўриб, чиқамиз. Шубҳасиз, бу унга хос бўлган, карма ҳақидаги таълимотда ифодаланган фаолият тушунчаси билан боғлиқ эди. Унга кўра, бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз навбатдаги ҳаётда

“брахман” ёки калтакесак бўлиб қайта туғилишимизни белгилаб беради – бу миллион-миллион имконият ичидан бизнинг пешонамизга битиши мумкин бўлган атиги иккитагина тақдирдир.

Карма кўпинча бутун ҳинд фалсафасининг ўзаги бўлган асосий тушунча сифатида кўриб чиқилади. Карма **ҳатти-ҳаракат**, амални англатади. Кармача фикрлаш услуби деб аталадиган услуб айна бир вақтда фалсафанинг ахлоқий ва метафизик мезонларини очиб беради, улар ҳозирги Ғарб фалсафасида одатда бир-биридан ажратиб кўйилган. Бу карманинг реинкарнацияга, қайта туғилишга ишонч ва ахлоқий сабаблилик ғояси билан чамбарчас боғлангандир. Ахлоқий сабаблилик деганда коинотнинг адолат билан суғорилганлиги тушунилади. Биз ҳар бир киши ўзи хизмат қилган нарсасини оладиган оламда яшаймиз, лекин бу ерда яна кейинги ҳаётда яхшироқ ҳолатга эришиш имконияти ҳам мавжуд. Бошқача айтганда, саховатпеша киши учун яхшиликка, гуноҳкор одамга эса – ёмонликка томон истиқболлар очилади. Дунёдаги барча номукамалликлар ва азоб-уқубатлар одамнинг ўз ҳатти-ҳаракатларининг оқибатидир. Бироқ муайян табақага мансублик одам учун яхши ва ёмон бўлиб ҳисобланадиган нарсани жиддий даражада тақдим этади. Шундай қилиб, Упанишадлар табақали тизимни легитимлаштиради. Одамлар муайян табақага мансуб бўлиш ҳуқуқини ўзларининг бундан олдинги ҳаётида “ишлаб топган”.

Карма ҳақидаги тасаввур европача тафаккурга бутунлай ёт эмас. У жумладан, “ҳар бир киши ўз бахтининг яратувчисидир” ва “нима эксанг, шуни ўрасан” каби мақолларда ифодаланган. Бироқ европача тафаккурда, ҳиндларникидан фаркли равишда, ахлоқий сабаблилик реинкарнация билан боғланмайди. Реинкарнация ғояси – бу специфик ҳиндча феномендир.

Шундай қилиб, ҳинд фалсафасида ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар “айланиш”га киритилган. Реинкарнация тўғрисидаги таълимотнинг Ғарбдаги кўпгина талқинлари, айниқса, янги даврга оидлари уни индивиднинг кўплаб ҳаётлари ёки ҳатто унинг абадий ҳаёти ҳақидаги ғоянинг ифодаси сифатида кўриб чиқилган. Масалан, Ницшеннинг ҳинд фалсафаси кайфиятлари билан суғорилган ҳамма нарсаларнинг “абадий такрорланиши” тўғрисидаги назарияси борлиқни

**Реактология**-1922-30 йилларда рус психологиясидаги инсон психикасини ташқи кўзғовчиларга нисбатан қайтариладиган реакциялардагина иборатдир деб ҳисобловчи механистик оқим.

**Рефлексология** –XX аср бошларида рус психологиясидаги табиий илмий оқим бўлиб, унга рус психиатри В.М.Бехтеров асос солган. Рефлексологиянинг предмети бош мия иштирокида содир бўладиган барча турдаги рефлекслардан иборат эди.

**Скептицизм**-ҳар қандай билишнинг аниқ эмаслигини таъкидловчи объектив ҳақиқатнинг мавжудлигига шубҳаланувчи фалсафий оқим, ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ҳеч кимга ишонмасликдан иборат салбий характер хислати.

**Солипсизм**-бирдан-бир реаллик деб фақат ўзининг “Мен”ини яъни ўзини ўзи англашни ёки индивидуал онгни тан олиб, ташқи дунёнинг мавжудлигини инкор қилувчи субъектив идеалистик фалсафий оқим.

**Софизм**-тафаккур жараёнида икки маъноли тушунчаларга асосланган ходисаларнинг алоҳида томонларини ажратиб олиб, атайлаб хато қурилган, ҳақиқат деб айтиладиган мулоҳазалар.

**Спиритизм**-ўлган одамлар “арвоҳлар”, руҳларнинг нариги дунёда яшашини ва улар билан медиумлар воситачилиги орқали алоқа қилиш мумкинлиги ҳақидаги бемаъни хурофот.

**Спиритуализм**-объектив реалликни, материянинг бирламчилигини инкор этиб, дунёнинг фақат “илоҳий моҳияти” ни тан олувчи ғайри илмий реакцион фалсафий оқим.

**Субъект**-объектив дунёни билувчи, уни ўзининг эҳтиёж ва қизиқишларига мослаб ўзгартирувчи одам, онгли мавжудот.

**Субъективизм**-бирдан-бир реаллик деб фақат индивидуал онгни, сезгиларни тан олиб, моддий дунёнинг мавжудлигини инкор қилувчи идеалистик оқим, нарса ва ходисаларни айниқса, шахсни баҳолашга шахсий ғаразлик нуқтаи назаридан ёндашишдан иборат салбий характер хислати.

**Прагматизм-субъектив** идеализмнинг дунёни илмий равишда тушунишдан бош тортувчи, дунёни объектив илмий билишга тор амалиётчиликни қарама-қарши қўйувчи тури.

**Психика-юксак** даражада ташкил топган тирик материя –миянинг объектив олами алоҳида йўсинда (сезги, идрок, тасаввур, фикр, хиссиёт, иродавий ҳаракатлар каби шаклларда) акс эттириш қобилиятига эга бўлган алоҳида хусусиятидир.

**Психоанализ-бу** атама веналик психиатр Зигмунд Фрейд томонидан яратилган. Психиатрия ва психологиядаги одам ҳулқининг асосини лаззат олишга (либидо) бўлган, айниқса, илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил қилади, деб тарғиб қилувчи, одам ҳулқидаги ижтимоийлик, онглиликни инкор қилувчи ғайри илмий оқим.

**Психологизм-субъектив** идеалистик фалсафанинг объектив дунё сезгилар йиғиндисидан иборат демак, фалсафанинг асосини психология, логика ва билиш назариясининг асосини эса ички тажриба ташкил қилади, деб даъво қилувчи бир тури.

**Психология-миянинг** объектив воқеликни акс эттирувчи функцияси бўлган психика ҳақидаги фан.

**Психофизика-** сезги органлари психофизиологиясидаги оқим. Унинг вакиллари қўзғовчи кучи билан сезги миқдори ўртасида математик нисбат қонунларини белгилашга интиланлар.

**Психофизик қонун-қўзғовчи** кучи билан ҳосил бўлган сезги миқдори ўртасидаги боғланишни ифодаловчи қонун.

**Ривожланиш-оддийдан** мураккабга пастдан юқорига ўтишдан иборат ўзгариш, миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтадиган янгилликнинг туғилиши, эскиликнинг ўлишдан иборат жараён.

**Рационализм-билиш** назариясидаги билимларнинг манбаи ва уларнинг тўғрилигининг мезони ақлдор, деб даъво қилувчи, тафаккурни ҳиссий идрокдан ажратиб қўйувчи идеалистик, метафизик оқим.

христианча тушунишга позитив муқобиллик сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Эҳтимол, реинкарнация ғоясини у ўлим олдидаги кўрқувни бартараф этиши ва бизга такрор ва такрор янгича яшаш, яъни амалда чексиз сонли умрларни яшаш имкониятини бериши учун ҳам ижобий баҳолаша керак. Бироқ бундай мулоҳазалар шахсни қармага оид шакл ўзгаришлар занжирига сингдириб юборадиган ҳиндча дунёқарашга унчалик мувофиқ келмайди.

Дарҳақиқат, ҳатти - ҳаракатлар (шу жумладан, нутқ ва тафаккур), хоҳиш – истаклар ва эҳтирослар муаммоси ҳинд фалсафаси учун асосий муаммолар бўлиб ҳисобланади. Реинкарнация ҳақидаги таълимотнинг таъкидлашича, бизнинг навбатдаги ҳаётдаги мавжуд бўлиш шаклимиз бу ҳаётдаги орзуларимиз ва эҳтиросларимизни акс эттиради.

Буни ўз йўлида учрайдиган ҳамма нарсани еб, ҳазм қилиб юборадиган капалак қурти билан қиёслаш ўринли бўлиши мумкин.

Капалак қуртиники каби хоҳиш истакларга эга бўлган киши навбатдаги ҳаётида унга айланади. Капалак қурти Ғарб менталитетининг тобора кўпроқ ва бетўхтов истеъмолга нисбатан тўйим билмас эҳтирос билан ифодаланадиган хусусиятининг образи бўлади. Шу сабабли капалак қуртига айланмаслик учун унга хос бўлган ҳатти-ҳаракатлар ва хоҳиш-истаклардан йироқ бўлиш керак.

Хоҳиш-истаклардан қандай қилиб халос бўлиш ва қармани назорат қилиш мумкин? Ҳинд фалсафасининг ғоят муҳим манбаи ҳисобланадиган **Бхагавадгитанинг** кичик парчасида **олов** таянч рамзига айланади. Бизнинг ишларимиз билим олови билан қамраб олинishi керак. Бунга зоҳидлик ва йога орқали эришиш мумкин. Фақат шу тарздагина қармадан халос бўлишга интилувчи киши пировард нажотга эга бўлади. Бироқ бундай мақсад бизнинг кўпчилигимиз учун эришилмайдиган мақсаддир. Биз ҳаётлар ва ўлимлар циклидан қутулиб кета олмаимиз. Бизнинг “моҳиятимиз” миллионлаб турли киёфаларда қайта туғилишдек таваккалчиликка боғланиб қолган. Шунга қарамасдан, гарчи ҳаммамизнинг бирданига тақводор бўлиб, қолишимиз мумкин бўлмасада, лекин бу ҳаётда энг яхши тарзда иш тутиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Карма фалсафасига биноан, яхшилик қиладиган ва яхшилик

истайдиган киши навбатдаги ҳаётда яхши мавжудот бўлиб қайта туғилади ёки бир мунча юкорироқ табақага ўтади. Шундай қилиб, карма ҳақидаги таълимот, реинкарнация ғояси ва табақачилик тизими ҳинд фалсафасининг улкан қисми учун яхлит негизни яратди. Унинг доирасида ахлоқ ва ижтимоий тизим бир-бирини ўзаро қўллаб-қуватлаб туради.

Уларда руҳ муаммоси кўпроқ этник муаммо сифатида шахсни етукликка эришиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва қабул қилинган умумий ғоялар, яъни руҳнинг учиб юриши, абадийлиги ушбу манбаларда ўз аксини топди.

Шу асосда эр.ав. III асрда жаддизм ва буддизм диний таълимотининг мазмуни шаклланди, йўналиши ҳам руҳий ҳодисаларнинг тана билан бўлган муносабатига доир ўз қарашларини ифода этди. Жаддизмда тана руҳ эркинлигини сабабчиси деб таърифланган бўлса, Буддизмда умуман руҳни алоҳида сифатда инкор этди.

Грецияда Сукротгача бўлган фалсафа шаклланган давр билан тахминан бир вақтларда буддизм, янги дин ва фалсафа шакллана бошлади. Ушбу контекстда “Будда фалсафаси” ибораси у ёки бу даражада Будда динининг ҳинд асосчиси Сиддхорта Гаутама (тахминан милоддан аввалги 563-483 йиллар) дахлдор бўлган диний эътиқодлар ва фалсафий қарашларни кўрсатади. Биз кейинчалик бошқа маданиятларда ривож топган буддизмнинг бошқа шакллари кўриб чиқиш имкониятига эга эмасмиз. (Буддизмнинг Ҳиндистонда етакчи позицияларни бой берганидан кейин Тибетда ва Шарқий Осиёда муҳим роль ўйнаганлиги билан қиёсланг).

Бошқа кўплаб ҳинд авлиёлари сингари Сиддхорта Гаутама ҳам уй-рўзгорини ва хотинини қолдириб, зоҳид ва донишманд сифатида зиёратга чиқиб кетган. Кўп йиллик зоҳидлик ва ўз-ўзини азоблашдан кейин у инсон ҳаётининг фундаментал масалалари юзасидан ҳали ҳам илгаригидек барибир тўла гафлатда (*avidya*) эканлигини сезган. Шунинг учун у ўз-ўзини азоблаш амалиётидан воз кечиш ва анъанавий мушоҳадага қайтишга қарор қилади. Бироз вақтдан кейин Гаутаманинг онги тиниклашиб кетади ва у бундай

**Мистика**-табиатдан ташқари кучларга, илоҳиятга, ғайри ҳисси нарсаларга ишониш, кишининг “ғайри табиий кучлар” билан бевосита алоқа қилишига ишониш.

**Монизм**-дуализмга қарама-қарши ўлароқ, дунёдаги барча ҳодисаларнинг асосини битта нарса ё материя руҳ ташкил қилади деб таълим берувчи фалсафий таълимот.

**Табиат**-шахснинг кимлигини белгилаб берувчи темперамент, характер, эътиқод ва одат каби индивидуал хусусиятларнинг йиғиндиси.

**Миллат**-одамларнинг тил, ҳудуд, иктисодий турмуш ва маданият бирлигида кўринадиган психик тузилишининг бирлиги негизида тарихан таркиб топган барқарор бирлигидир.

**Миллатчилик**-юқори табақа вакилларининг манфаатларини кўзлаб, бир миллатни иккинчисига қарши ғиж-ғижлаш, улар ўртасига миллий низо солишга қаратилган мафкура ва сиёсат.

**Онтогенез**-шахснинг она қорнидалиги эмбрионал даврдан бошлаб, то умрининг охиригача ёки индивидуал ҳаёт тугагунча бўлган жисмоний ҳамда психик ривожланиш даври.

**Панпсихизм** –дунёда бор бўлган ҳамма нарса жонлидир деб ҳисобловчи ғайри илмий идеалистик таълимот.

**Педология**-ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, у бола тараққийотининг психологик, анатомик, физиологик, биологик ҳамда ижтимоий концепцияларнинг механик йиғиндисидан иборатдир.

**Персонализм**-фалсафадаги бутун дунё энг юксак илоҳий шахс томонидан бошқариладиган руҳий мавжудот (шахс)лар йиғиндисидан иборатдир, деб тарғиб қилувчи ғайри илмий оқим.

**Платонизм**-қадимги юнон файласуфи Платоннинг (э.а 427-347й) сезгилардан ташқарги “идеалар”нинг мистик дунёсини реал нарсалар дунёсига қарама-қарши қўйишдан иборат бўлган идеалистик таълимоти.

**Тарихий психология**-психологиянинг психика ва онгнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганадиган махсус соҳаси.

**Психология тарихи**-психологияга оид билимлар, оқимлар, назариялар ва қонуниятларнинг турли даврларда пайдо бўлиши ҳамда тарихан ривожланиб боришини ўрганувчи фан.

**Категория**- воқеликдаги нарса ҳамда ҳодисаларни, уларнинг умумий муҳим боғланиш ва муносабатларини акс эттирувчи асосий мантиқий тушунча.

**Маданий-тарихий назария**-ижтимоий тарихий тараққиёт жараёнида яратилиб, ўзгариб борадиган моддий ва маънавий маданиятнинг инсоннинг психик тараққиётига муҳим таъсир кўрсатишини тан олувчи назария.

**Материализм**-фалсафадаги икки асосий оқимдан бири, яъни идеализмга қарама-қарши ўлароқ бирдан-бир илмий, тарихан ривожланган дунёқарашдир.

**Психикани материалистик тушуниш**-диалектик материализм психика табиатини тушунтиришда идеализмга ҳамда унинг турли шаклдаги кўринишларига қарама-қарши ўлароқ психика қандайдир моддий бўлмаган илоҳий субстанциянинг намоён бўлиши эмас, балки юксак даражада ташкил топган материянинг яъни миянинг объектив воқеликни алоҳида йўсинда акс эттириш қобилиятига эга бўлган хусусиятидир, деб таълим беради.

**Материя**-инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, у орқали акс эттириладиган объектив борлиқ.

**Медиумизм**-ўлганлар билан тириклар ўртасида спиритик алоқа боғлаш “мумкинлиги ҳақидаги хурофот.

**Механистик материализм**-дунёнинг барча хилма-хил ҳодисаларни физик, кимёвий, биологик, шу жумладан, психик ҳодисаларни ҳам материя заррачаларининг фазодаги механик ўрин алмаштирилишидан, ҳаракатидан иборат деб даъво қилиб, ҳар қандай ҳодиса, жумладан, психик ҳодиса қонуниятларини ҳам механик қонуниятлари билан тушунтиришга интилувчи антидиалектик таълимот.

саволларга жавоб берадиган билимни эгаллайди. Кейинчалик у **Будда (Ойдинлашган)** номи билан машҳур бўлади.

Милоддан илгариги V асрда Ҳиндистонда Упанишадлар фалсафий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган бир пайтда унинг диний ҳаётида веда анъаналари устунлик қиларди. Янги будда таълимоти қадимги веда адабиётларига кескин қарши чиқди ва маросимлар ҳамда урф-одатларнинг ҳамма шакллари инкор этди. Айни бир пайтда у Упанишадлар муайян бир қисмининг танқидий идрок этишган.

Мантиққа зид-ку, лекин Будда спекулятив ва диний тафаккурлар нисбатан гоёт салбий муносабатда эди. Ҳозирги шарҳчилар маълум даражадаги анахронизм билан уни “эмпирицист” ва “скептик” сифатида тавсифлашади. Эҳтимол, Буддага тегишли бўлган матнлар унинг кейинчалик илоҳийлаштириши учун асос бермайди. Упанишадларнинг кўплаб парчалари сингари янги таълимот ҳам инсоннинг озод этилиши ёки халос бўлишига қаратилган. Озодлик ҳолатини Будда нирвана дейди. Бу атама кўп жиҳатдан бошқа анъаналардаги **мокша** атамасига мувофиқ келади. Будданинг ўзи эришгани каби нирванага эришишни хоҳлайдиган киши ўзини бу дунё билан боғлаб турган ҳамма нарсдан, шу жумладан, фалсафий ва диний таълимотлардан ҳам халос қилишга ўрганиши керак. Будда сол билан аналогиядан фойдаланиб, бундай талабнинг нариги қирғоғига сузиб ўтишга мажбур. У дарахт пояларини йиғади ва уларни новдалар билан боғлаб мустаҳкам сол ясайди, шу сол ёрдамида дарёнинг нариги қирғоғига эсон етиб олади. У мақсадга эришгач, ўзига ўзи бу солнинг ҳақиқатдан ҳам яхши ва фойдали бўлганлигини таъкидлайди. У солни ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилади ва миясига жойлаб, йўлга тушади. Шундай қилиб, у эндиликда унга ортиқ керак бўлмаган солни қирғоқда қолдириб кетади. Бундай аналогия маъноси шундаки, янги таълимот ҳам солга ўхшайди. Сол уни ўзи билан бирга олиб кетиши учун эмас, балки у ёрдамида дарёни кесиб ўтиш ва **нирванага** эришиш учун мўлжалланган. Фалсафанинг мақсади ҳақидаги бунга ўхшаш тасаввурлар унинг тарихида бир неча марта пайдо бўлган. Уларга биноан,

фалсафа шунчаки эгаллаб қўйилса ёмон бўлмайдиган нарса эмас, балки воситадир.

**Будда Шакья Муни** (милоддан аввалги 556 – 476 йиллар)

Будда дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири – буддизмнинг асосчисидир. У Ҳиндистондаги Шакья қабиласи ҳукмдорининг ўғли бўлган. Будда Ҳимолай тоғининг этагида дунёга келган. Унинг асл исми – Гаутама бўлган. Шакья Муни унинг лақаби бўлиб, “шакья қабиласининг зоҳиди” деган маънони билдиради.

Гаутама мухташам саройда, гуллар ва дур жавоҳирлар ичида яшаган. Шунинг учун у ҳаёт ҳамма ерда гўзал ва завқли деган хулосага келган.

Бироқ бир куни оғзида битта ҳам тиши йўқ, қартайиб қолган қарияни учратгач, кексалик муқаррар эканини тушунади. Бемор одамни учратиб, саломатлик омонатлигини англади ва ўлим тўғрисида ўйлай бошлади. Шу тариқа зоҳидликни ихтиёр қилади. Етти йил тарки дунёчиликда, очлик ва саргардонликда яшайди. Кунлардан бир куни у катта дарахт остида чордона куриб чуқур ўйга толганча ўтирганда мўъжиза юз бериб, онги тиниклашади ва донишмандлик сари юз тутаяди. Шу пайтдан бошлаб уни Будда деб аташади. Будда Ганг дарёси бўйидаги Банорас шаҳрида ўз таълимоти асослари бўйича дарс берган.

Будда Шакья Муни шундай деганди: “Инсон ҳаёти азоб укубатлардан иборатдир. Бироқ доимо тўғри сўзлаб, эзгуликка интилиш ўзгаларнинг ҳақиқа хийнат қилмаслик, ғазаб ва ҳасадни енгиш орқали уни енгиллатиш мумкин. Шунингдек, инсон беҳуда югур – югурлардан, мол дунё орттириш ҳаваси ва ҳаддан зиёда ҳузур - ҳаловат истагидан озод бўлмоғи лозим. Ана шунда ҳар бир бой ва камбағал, шоҳ ва қул, руҳоний ва оддий кимсалар дунёга қайта - қайта келиш азобидан ҳалос бўладилар”.

Будда таълимоти айни бир вақтнинг ўзида ҳам қийин, ҳам теран. Биз бу ўринда фақат унинг “тўртта яхши ҳақиқат” деган ном билан танилган асосий қоидаларини схематик тарзда тавсифлаб беришимиз мумкин.

ўрганади; хусусан психик жараёнларнинг ўзгаришини, турнинг биологик ва эволюцион тараққиёти, одамнинг пайдо бўлиши тарихи, инсониятнинг тарихий тараққиёти, ҳар бир организмнинг ёшга қараб ёки индивидуал тараққиёти жараёни асосида ўрганади.

**Гештальтпсихология**-психиканинг билиш жараёнларининг яхлит тузилиши ва динамиклиги тамойилига асосланувчи, бу хусусиятлар азалдан психикага хосдир, улар психика тараққиётининг асосини ташкил қилади, деган фикрни илгари сурувчи оқимлардан бири.

**Дуализм**- борлиқ ҳам моддий ҳам руҳий бўлган икки асосдан ташкил топган деб ҳисобловчи фалсафий таълимот.

**Жон**-идеалистик фалсафа ва психологияда моддий бўлмаган, илоҳий моҳият, “инсон психик ҳаётининг эгаси ва сабабчиси”.

**Идеализм**-фалсафанинг бош масаласида онгнинг борлиққа муносабати масаласида материализмга қарама-қарши ўлароқ онг, руҳ бирламчи, моддий дунё, борлиқ эса иккиламчи, онг, сезги, тасаввур ва тушунчаларнинг маҳсулидир деб даъво қилувчи ғайри илмий фалсафий оқим.

**Психикани идеалистик тушуниш**-идеалистлар, материалистларга қарама-қарши тарзда психика тана билан яширин йўсинда бирлашган, инсон ўлгач, танани ташлаб, “нариги дунё” га, ғоялар дунёсига кетиб, у ерда абадий яшайдиган моддий бўлмаган қандайдир илоҳий субстанция ёки моҳиятнинг намоён бўлишидир деб тушунтирадилар.

**Идеология**-ижтимоий онгнинг турли шаклларида ифодаланган тасаввур, тушунча ва ғоялар тизимидан иборат онг мазмуни, мафкура.

**Ғоя**-нарса ёки ҳодисалар ҳақидаги муайян тасаввур ва тушунчалар йиғиндиси, моддий оламни акс эттирувчи инсон тафаккурининг муайян тушунчалар шаклидаги маҳсули.

**Иррационализм**-идеалистик фалсафа ва психологиядаги дунёнинг асосини иррационал-ақлдан ташқари нарса, ақл кучи билан билиб бўлмайдиган қонуниятга зид бўлган субстанция ташкил қилади деб илмий-мантқиқий билишни инкор қилувчи реакция оқим.

бошқа омилларни, айниқса, ижтимоий муҳит ҳамда таълим-тарбиянинг ролини инкор қилувчи ирқий реакцион назария.

**Биографик метод**-психологиянинг илмий текшириш методларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида шахснинг ижодий ҳаёли, тафаккури, матонати, қобилият ва истеъдодлари, таланти ҳамда генийлиги каби юксак ақлий, ахлоқий, иродавий сифатлари, индивидуал хусусиятлари ўрганилади ва илмий таҳлил қилинади, муайян шахснинг таржимаи ҳоли, тутган кундаликлари, тавсифномалари, ёзишмалари, бошқа кишиларнинг унинг ҳақидаги биографик маълумотлари эсдаликлари ва хатлари биографик методнинг ўрганиш материаллари бўлиб хизмат қилади.

**Бихевиоризм**-психологиянинг предмети психика эмас, балки инсон ҳайвонлар хулқини ўрганишдан иборатдир, деган фикрни илгари сурувчи ва ҳимоя қилувчи оқим.

**Вебер-Фехнер қонуни**-кўзғовчи кучининг ўзгариши билан ҳосил бўлган муайян сезги кучининг ўзгариши билан ҳосил бўлган муайян сезги кучининг ўзгариши ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайдиган, XIX асрда немис олимлари Э.Вебер ва Г.Фехнерлар томонидан кашф этилган қонун.

**Волонтаризм**- психологиядаги ирода барча психик ҳодисаларнинг манбаи ва асосини ташкил қилган, шахснинг ўзигагина боғлиқ бўлган бирламчи илоҳий қобилиятдир, деб даъво қилувчи реакцион оқим.

**Вульгар материализм**- XIX асрнинг 50-60 йилларида майдонга келган. Жигар ўзидан ўт ажратиб чиқаргани сингари материя ҳам хусусан, мия ўзидан фикр айириб чиқаради деб, психика табиатини ҳаддан ташқари соддалаштирувчи механистик фалсафий оқим.

**Вюрцбург мактаби**- XX асрнинг бошларида Германияда пайдо бўлиб, тафаккурни фақат ўз-ўзини кузатиш ёки интереспекция методи ёрдамида ўрганувчи, тафаккурни идрок ва тасаввур образларига, нутқ ва тилга боғлиқ эмас деб, “соф” тафаккур ҳақидаги фикрни илгари сурувчи психологик оқим.

**Генетик психология** –психологиянинг махсус соҳаси бўлиб, умуман, ҳайвонлар хулқи ва инсон психикасининг ривожланиш қонуниятларини

1) Дунё азоб укубатларга тўлиб кетган. Туғилиш азоб, қарилик азоб, касаллик азоб ва ўлим азоб. Ўзинг ёмон кўрадиган одам билан учрашиш азоб, сеvimли кишидан жудо бўлиш азоб, хоҳлаган нарсани қондириш учун беҳуда кураш азоб. Аслида хоҳиш истаклар ва эҳтирослардан бўлмаган ҳаёт ҳар доим азоб келтиради. Бу азоб ҳақидаги ҳақиқат дейилади.

2) Инсон азобларининг сабаби шубҳасиз жисмоний мавжуд бўлиш иштиёқида ва дунёвий эҳтиросларнинг хомхаёллигидадир. Агар бундай эҳтирослар ва хомхаёлларнинг келиб чиқишини кузатилса, шу нарса маълум бўладики, улар ҳамма нарсани ютиб юборадиган, инстинктли тарзда келиб чиқадиган хоҳиш истакларга асосланади. Масалан: яшашга нисбатан кучли иродага асосланадиган хоҳиш, агар ҳатто унинг излайдиган нарсаси баъзан ўлим бўлиб чиқсада, ўзи хоҳлаган нарсани излайди. Бу азобларнинг сабаби тўғрисидаги ҳақиқат деб аталади.

3) Агар инсоннинг барча эҳтирослари негизида ётган хоҳиш бартараф этилиши мумкин бўлса, унда эҳтирос ўлади ва одамнинг азоблари ниҳоясига етади. Бу азобларнинг тўхтатилиши ҳақидаги ҳақиқат, деб аталади.

4) Хоҳиш истаклар ва азоблар бўлмайдиган ҳолатга эришиш учун муайян йўлга амал қилиш лозим. Бундай саховатли эски йўлнинг босқичлари қуйидагилардир: тўғри тушуниш, тўғри нутқ, тўғри тафаккур, тўғри феъл-атвор, тўғри турмуш тарзи, тўғри куч-ғайрат, фикрнинг тўғри йўналиши ва диққат-этиборни тўғри қаратиш. Бу азобларнинг сабабидан халос бўлишнинг саховатли йўли ҳақидаги ҳақиқатдир.

Кейинчалик пайдо бўлган **Санья Веданта, Йога, Миланса** фалсафа мактаблари ҳам руҳни ўрганишга метофизик этник томондан ёндошдилар. Ведантада Упанишадаги идеалистик ғоялар илгари сурилди. Уларда Атаман ва Брахман ҳақида фикр юритилди. Бу фикрга кўра руҳ доим тананинг интилишлари ва ҳиссий кечинмалари ортида яширинган бўлади. Қаътий интизом орқали руҳ улардан халос бўлиб, абадий Брахман даражасига етади. Йога таълимотида эса ҳақиқий юксакликка эришиш учун психик фаолиятга тўсқинлик қилаётган томонларни бартараф қилиш керак бўлади дейилади.

Бунинг учун йогалар махсус 8 олами: аввал тана ҳаракатларини (нафас олиш гавда ҳаракатлари (кейин психик актлар) диққат, тафаккурни бошқариш услубларини ишлаб чиққан. Йогалар томонидан ишлаб чиқилган сезги чегараларида нарсаларни идрок этиш, кўриш галлюцинация, идрок иллюзияси ҳиндларнинг психологик таълимотида катта ўрин эгаллади.

Ҳинд адабиётида қадимдан идрокнинг 2 хил: **ноаниқ** (*нирвикалка*) ва **аниқ** (*сарвикалка*) шакли фарқланган. Ноаниқ идрок сенсор, нарса ва ҳодисанинг сезги аъзоси билан алоқага кириши орқали идрок қилиниши. Веданта мактабининг намоёнлари ноаниқ ҳеч қандай индивидуаллиги ҳам, умумийлиги ҳам бўлмаган ҳиссий кечинмалар йиғиндиси, деб таъкидлайдилар. Аниқ идрок бўлинган нутқ тузилишида намоён бўлувчи идрок бўлиб, буддистларнинг таъкидлашича, у идрок эмас, чунки унга ақл таъсир этади. Нутқ ҳар хил белгилардан ташкил топганлиги учун идрок этилаётган образни хиралаштиради. Миманса мактабининг тарафдорлари ведантистларни ҳам буддистларни ҳам, танқид қилган ҳолда ноаниқ идрок икки белгига - умумий ва специфик белгиларга эга эканлигини таъкидлайди. Умумий белги кўпчилик индивидуал объектларга тааллуқли бўлса, специфик идрок фақат берилган объектларга тегишлидир. Ноаниқ идрок қилиниши мумкин эмас, чунки бунинг учун унинг бошқаларидан ажратишга тўғри келади. Лекин бу объект умумий белги сифатида ҳам идрок қилинмайди, чунки бунинг учун у бошқалар билан бирлаштирилиши керак. Бунга эса фақат нутқ ҳисобидан эришиш мумкин. Чунки нутқ нарсаларга хос белгиларни ажратиши ҳам бирлаштириши ҳам мумкин деган хулосага келдилар. Буни мактаб намоёндалари “Реаллик” ва “Иллюзия” деб атарди. “Реаллик” ва “Иллюзия”ни Миманса мактабининг файласуфи Бхата орган ва ташқи объект ўртасидаги муносабат билан белгилайди. Агар бу муносабат қандайдир сабаб билан бузилса, идрок иллюзиор бўлиб қолади. Бунинг сабаби сифатида Бхата: периферик (сезги аъзосидаги) ва марказий (манас) қисмдаги бузилишни кўрсатади. Галлюцинация ҳам худди шундай пайдо бўлади. Туш кўриш ҳам галлюцинациянинг бир туридир.

## АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**Анкета усули** – текширилувчига олдиндан тайёрланган саволлар тарқатилиб, уларга тегишли ёзма жавоблар олишдан иборат психологик илмий текшириш методи.

**Антик психология**- психология тарихининг эраиздан аввалги 7-5 асрлардаги қадимги Греция, Рим, қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги психика ҳақидаги таълимотларни ўрганувчи бўлим. Антик даврда психология мустақил фан сифатида бўлмасдан, фалсафанинг бир қисми ҳисобланарди, шунинг учун ҳам рух ҳақидаги таълимотлар маълум бир фалсафий фикрлар муносабати билан баён қилинган.

**Антропология**- одамнинг биологик табиатини атрофлича ўрганувчи фан. Антропологиянинг вазифаси одамнинг органик мавжудотлар тизимидаги мавқеини, келиб чиқишини, қадимги ва ҳозирги морфологик типларини, морфологик, физиологик, жинсий ҳамда ёш хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

**Ассоциатив психология**- ассоциациялар тушунчасининг асоси бош тамойили деб ҳисобловчи, илмий-ғоявий моҳияти жиҳатдан турлича бўлган психологик оқимлар йиғиндиси.

**Ассоциализм**- психик фаолиятнинг барча қонуниятлари фақат ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши ва юзага чиқишидан иборатдир, деган қонидани илгари сурувчи оқим.

**Атеизм**- худонинг ғайри табиий кучлари ва нариги дунёнинг “борлиги”ни илмий далиллар асосида инкор қилувчи таълимот, диний эътиқодлардан воз кечиш, бинобарин, диний тасаввур ва тушунчаларни инкор қилиш, худосизлик демакдир.

**Атомизм**- табиат ҳодисалари ҳақидаги материалистик таълимот бўлиб, материя абадий, ўзгармас ҳамда бўлинмас, ҳаракатланувчи заррачалардан, яъни атомлардан иборатдир.

**Биогенетик қонун**- болани психик тараққиётни, ақлий қобилиятларини фақат унинг наслий хусусиятлари билан белгилаб, онг тараққиётини белгиловчи

**99.Хитой тиббиёт манбаларида инсон темпераменти 3 та элементдан иборатлигин аниқлаганлар. Мазкур жавоб берилган қаторни аниқланг?**

- a) Қон, лимфа, балғам.
- b) Қон, балғам, сафро.
- c) Ци, қон, балғам.\*
- d) Ци, қон, сафро.

**100.Ирсий ҳамда ортттирилган нарсалар масаласини илгари сурган олим?**

- a) Лао-Цзы
- b) Конфуций\*
- c) Фань Чжен
- d) Спиноза

Психик ҳаёт давомида ўтиш даври муаммоси ғарбий европа файласуфларини кўпроқ қизиқтирди. Ҳеч кимни ҳиндлар каби “мен” муаммоси бунчалик кўп ўйлантирмаган. Масалан, лаката маълумотида умуман “мен” муаммоси инкор қилинади. Улар шунга асосланадики, сезги аъзоларимиз бизга “мен” ҳақида ҳеч нарсани маълум қилмайди. Хулоса чиқариш йўли билан олинган маълумотлар эса нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Қадимги Хитой тиббий манбалари (эр. ав. VIII асрга оид “Ички олам ҳақидаги китоблар”)дан маълум бўлишича, бош орган “тана князи” бу юксак бўлиб, ҳаётий жараёнлар асосан ҳавосимон Ци элементи билан боғлиқ. Танадаги бошқа элементлар билан аралашиб, Ци физиологик жараёнларни ва психик феълни бажаради деб ҳисобланган. “Юрак фикрни ҳаракатлантиргани учун у фикримиз асоси, жигар эса ҳиссиётларимиз асосидир” деб таъкидлайди, қадимги Хитой табиблари. Табиблар ўша даврдаёқ темперамент ҳақидаги дастлабки ғояни илгари сурадилар. Бу маълумотга қўра темперамент 3 та элемент: Ҳавосимон Ци элементи, қон ва балғамнинг миқдорига боғлиқ бўлади.

1. Агар қон кўп бўлса: одам кучли йўлбарсдек жасур бўлади.

2. Агар Ци элементи кўп бўлса: одам маймун каби беқарор, ҳаракатчан бўлади.

3. Агар шилимшиқ модда кўп бўлса, одам камҳаракат сушт бўлади.

Худди Ҳиндистонда бўлгани каби эр. ав. I-минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган Хитой фалсафаси мактаблари ўзининг этник йўналиши билан ажралиб туради. Шундай мактабнинг энг йириги Лао-Цзи асос солган мактаб ҳисобланган.

#### **Лао – Ци (милоддан аввалги 579-499 йиллар)**

Хитойлик файласуф Лао цзи Чу подшоҳлигининг фуқароси бўлиб, асли исми Ли Эр эди. Лао цзи “устоз Лао” деган маънони англатади. Лао эса лақаб бўлиб, “қария” деганидир.

Лао цзи Чжоу саройида архив ходими бўлиб хизмат қилган. Конфуций билан учрашган. Лао цзи Чжоу салтанатининг инкирозга юз тутганини кўриб, “истеъфога” чиқади ва тарки дунё қилиб, ғарбга қараб йўл олади.

Чегарага етиб келганда чегара бошлиғи ундан ўз ватанига нимадир қолдириб кетишни сўрайди. Ли Эр чегара бошлиғига 5000 белгидан иборат кўлёмани топширади. Бу тарихда “Даодэцин” (“Эзгулик йўли ёки куч ва ҳаракат ҳақидаги китоб”) номи билан машхур китоб эди. Бу китобда Дао таълимотининг моҳияти ҳақида сўз боради. Бу “одамлар юрадиган йўл”, деган маънони билдиради. Ҳозирга келиб “Дао” қонуният, қонун деган кўчма маънони англатади.

Буюк ишлар, албатта майда ишлардан бошланади.

Билгувчи сўзламайди, сўзлагувчи билмайди.

Фикрларингизга эҳтиёт бўлинг – улар қилмишларингиз ибтидосидир.

Буюк тўғрилиқ эгриликка, буюк заковат аҳмоқликка ўхшайди.

Лао - Цзининг ҳақида маълумотлар кўп эмас. Фақат шу нарса маълумки, у Конфуцийнинг замондоши бўлган. У ёлғиз яшаган ва машхурликдан ўзини йироқ тутган, деб ҳисобланади. Лао-Цзининг номи *Дао дэ цзин (Йўл ва унинг саховати ҳақидаги китоб ёки Дао ва дэ ҳақидаги китоб)* деган асар билан боғлиқдир, лекин бу асарни унинг ёзганлиги аниқ эмас. Бу асар унинг мухлислари томонидан битилган бўлиши ҳам мумкин.

Дао дэ цзин даосизм фалсафасига доир классик матндан иборат. Уни тушуниш қийин, талқин қилишда эса катта муаммолар кўндаланг бўлади. Гераклит сингари Лао-Цзини ҳам кўпинча “сирли” ва “ўқиб бўлмайдиган” деб аташади. *Дао де цзин* асари табиат ёки борлиққа оид хитой фалсафасига кўшилган катта ҳисса бўлди. Бу уни амалий йўналишдаги конфуцийчилик анъаналарига ўхшаган айрим марказий фалсафий қоидаларидан ҳам яққол ажралиб туради.

Лао-Цзи учун “дао” тушунчаси фундаментал тушунча ҳисобланади. Даони у “ноаниқ”, “чексиз”, “ўзгармас”, “макон ва замонда чексиз”, “тартибсизлик ва шакл” деб ҳисобланган дейилади адабиётларда. Бунга ўхшаш сўзлар воситасидаги ифодалашлар фақат ўзлари ифодалайдиган нарсаларнинг аломати бўлиши мумкин. Қатъийроқ қилиб айтганда, тил бундай ҳолда адекват бўла олмайди, чунки уни ҳатто салбий таърифлар орқали ифодалашда ҳам даонинг

- b) Шахснинг билиш жараёнларининг ривожланиши унинг тафаккур тараққиёти билан белгиланади.
- c) Бирламчи ва асосий элемент тасаввурлардир.
- d) Психик ҳаётнинг асоси сифатида шахснинг иродасини фаоллигини илгари суради.

**92.Идрок – бу сезгиларнинг йиғиндиси эмас, балки яхлит образдир деб таъкидлаган оқим қайси қаторда берилган?**

- a) Эмпирик
- b) Гештальт\*
- c) Психоанализ
- d) Волонтаристик

**93.Биринчи экспериментал лаборатория қачон ташкил қилинган?**

- a) 1879 йилда\*
- b) 1779 йилда
- c) 1869 йилда
- d) 1989 йилда

**94. Қачон экспериментал психология институти очилди?**

- a) 1881 йил Англия
- b) 1889 йил Германия
- c) 1881 йил Берлин\*
- d) 1889 йил АҚШ

**95.Қайси олим сезгиларнинг ортиб бориши билан уларни қўзғатувчи таъсиротлар ўртасидаги ҳиссий муносабатни аниқлаб сезги қўзғатувчисига логарифмасига пропорционалдир деган психофизик қонунни яратди?**

- a) Вебер\*
- b) Фехнер
- c) Вебер ва Фехнер
- d) И.Гербарт

**96.Психология фанида эксперимент мавжуд бўлишини илгари сурган олим?**

- a) И.Герберт\*
- b) Вундт
- c) Фехнер
- d) Вебер

**97.Ҳинд адабиётида идрокни икки хил шаклга ажратадилар, улар қайси қаторда тўғри берилган?**

- a) Объектив ва субъектив
- b) Кузатиш, анланганлик
- c) Анланганлиги, предметлилиги
- d) Ноаниқ ва аниқ\*

**98.Мимансо мактаби тарафдорлари фикрига кўра идрок қандай таърифланади?**

- a) Аниқ ва ноаниқ
- b) Реал ва нореал\*
- c) Ақл ва тасаввур
- d) Хаёлот ва таассурот

84. Унинг фикрича инсон боши «қалбини кўрсатадиган ойна бўлиб саналади ва унинг тузилиши бош суягининг конфигурациясини имо-ишорасини ўрганиш киши характерининг ўрганишнинг асосий йўли деб ҳисоблайди».

- a) Афлотун
- b) Арасту
- c) Лафатер\*
- d) Лестгафт

85. Френология таълимотининг асосчи си қайси қаторда кўрсатилган

- a) Афлотун
- b) Арасту
- c) Галл\*
- d) Лафатер

86. Материализм фалсафий оқим сифатида қаерда юзага келди?

- a) Миср, Ҳиндистон, Хитой.
- b) Ҳиндистон, Хитой ва Греция\*.
- c) Миср, Ҳиндистон, Греция.
- d) Ҳиндистон, Мексика, Греция.

87. «Билиш жараёнларининг тарихий тараққиёти ҳақида» асарининг муаллифи.

- a) А.Г.Лурия\*
- b) М.Вохидов
- c) П.Иванов
- d) В.Токарева

88. «Техник қобилиятларни» ўрганган олим қайси қаторда берилган?

- a) А.И.Аржонова
- b) Э.Ғозиев
- c) Б.Қодиров
- d) Г.Давлетшин\*

89. Ўзбекистонда меҳнат психологияси йўналиши бўйича тадқиқот олиб борган олимларни белгиланг.

- a) Турсунов, Сотиболдиев, Холматов\*
- b) Гафуров, Сайдуллаев, Шоқоволов
- c) Ибрагимова, Закрягаев
- d) Гаппаров, А.Гайнутдинов

90. Қайси оқим намобдалари «психик ҳаёт»нинг асоси сифатида шахснинг природасини активлигини фаоллигини илгари суради?

- a) Эмпирик психология
- b) Интеллектуал психология
- c) Волонтаристик психология\*
- d) Психоанализ

91. Интеллектуал психология йўналишининг мазмуни қайси қаторда тўғри берилган?

- a) Психиканинг асосий элементи ва психологик фаолиятнинг асосий функцияси ақл – интеллектдир\*.

нима бўлишини дарҳол фараз қилади. Ғарб тафаккурида бунга ўхшаш ёндашув *салбий (апофатик) теологияга* ўхшайди, унга кўра биз Худо тўғрисида ижобий фикр билдиришга ожизмиз. Биз фақат унинг нима бўла олмаслигини таъкидлашимиз мумкин. Шу билан бирга Лао-Цзининг Дао ҳақидаги фикрлари грек натурфалсафаси кўлаган саволлар ва жавоблар типлари билан кўплаб умумийликка эга фикрларга ўхшаб туюлади.

### Конфуций (милоддан аввалги 551 – 479 йиллар)

Конфуций Хитойнинг шарқидаги Лу князлигида туғилди. У аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, отаси Шулян Хэ Лу князлигидаги Цзоу музофотини бошқарган. Конфуций туғилганда отаси 70 ёшга тўлган эди. Уч ёшга тўлганда отасидан, 17 ёшида онасидан айрилди. Оилада Конфуцийдан ташқари 9 қиз ва бир ногирон ўғил бўлган.

Конфуцийликда унинг асосчиси Конфуций биринчи бўлиб инсон психологиясида ирсий ва ҳаётда орттирилган жиҳатлар мутаносиблиги масаласини кўтариб чиқди. Унинг фикрича, инсонга хос психик жиҳатлар туғма ҳисобланади, шунингдек, одам ўз табиатига кўра меҳрибон мавжудот, уни ташқи муҳит бузади. Унинг зарарли таъсирини енгиш учун инсон етукликка эришиш керак.

Конфуций (милоддан аввалги 551-479 йилгача) тахминан Будда, Фалес ва Пифагор яшаган даврда яшаб ўтган. У ёзган матнлар сақланиб қолмаган, лекин унинг таълимотининг асосий қоидалари Конфуцийнинг шогирдлари билан суҳбатлари (саволлар ва жавоблар) ҳақидаги қисқача қайдлар тўплами **фикрлар ва суҳбатлар**да ёзиб қўйилган.

Улар асосан тўғри феъл-атворнинг ижтимоий этник муаммоларига бағишланган. Улардан Конфуций сиймоси анъаналарга қаттиқ риоя қилган мутафаккир сифатида гавдаланади. Масалан: у одам фақат анъанани астойдил ўрганиш ёрдамида ўз вазифаларини тўғри тушуниб етиши мумкин деб ҳисоблайди. Анъана, шунингдек, мавжуд бетартиб ижтимоий шарт-шароитларни ислоҳ қилиш борасидаги уринишларга асос бўладиган меъёр тусини касб этади. Ана шундай ёндашув туфайли Конфуций таълимотида

қадимги ёзма манбаларни ўрганиш марказий ўрин тутади. Хинд фалсафасида бўлгани каби оламдан қочиш эмас, балки дунёга мослашиш Конфуцийнинг асосий фикри бўлган. Конфуцийнинг бундай қарашларини унинг издоши Мэн-Цзи давом эттирган.

#### **Мэн-Цзи (милоддан аввалги 372 (тахминан)-289 йиллар)**

“Мэн Коинот фуқаролариданман”, деган экан Мэн-цзи. У Хитойнинг ҳозирги Шандун вилояти ҳудудида жойлашган Лу хонлигида туғилиб ўсди. Мэн-цзи Конфуцийнинг невараси Цзи Си қўлида таҳсил олган. Бу файласуф мамлакатни муваффақиятли идора этишнинг 12 қондасини ишлаб чиққан.

Ўзининг ана шу ғояларини амалга татбиқ этиш ниятида у ҳукумат тизимига ишга кириш учун Хитойнинг турли хонликларини кезиб, қисқа муддат Ци хонлигида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Инсонпарварликка таянган ҳолда давлатни бошқариш ғояларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги беҳуда уринишлардан сўнг Мэн-цзи ватани Луга қайтади ва ғоявий қарашларини ўзи ташкил этган мактаб, шогирдлари, китоблари орқали тарғиб ва ташвиқ қилади.

Мэн-цзининг асосий асари “**Мэн-цзи**” деб аталади. Людвиг Фейербах: “Мэн-цзи Хитойнинг Конфуйцийдан кейинги энг буюк файласуфидир”, - деб ёзганди.

Конфуций каби у ҳам инсон туғма равишда яхши бўлади ва бундай яхшилик тарбия йўли билан ривожлантирилиши мумкин, деб ҳисоблаган. У ҳам ўз давридаги кўплаб хитойлик файласуфларга ўхшаб ўз умрини турли императорлик саройларида ўтказган ва шахзодаларга иккита энг муҳим саховат инсонпарварлик ва адолатдан таълим берган. Лекин Конфуцийда яна бир оқим Сюн-цзи асос солган оқим пайдо бўлди.

#### **Сюн – Цзи (тахминан милоддан аввалги 313-235 йиллар)**

Қадимий Хитой файласуфи Сюн цзи Чжао ҳоконлигида дунёга келди. Милоддан аввалги 266 йилда Чжаони тарк этиб, Цинн салтанатига жўнади ва бу ерда ҳокон Чжао-ван ҳамда унинг бош вазири Суй билан ҳамсуҳбат бўлди.

#### **77.Характернинг физиологик асосини тушунишда қайси олимнинг назарияси муҳим аҳамиятга эга**

- a) И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти борасидаги назарияси
- b) И.М.Сеченовнинг шартли рефлекслар борасидаги назарияси
- c) И.П.Павловнинг иккинчи сигналлар системаси ҳақидаги назарияси\*
- d) Б.Тепловнинг олий нерв фаолияти функциялари борасидаги назарияси

#### **78.Характер типологияси биринчи марта қайси олим томонидан ишлаб чиқилган.**

- a) Э.Кречмер\*
- b) Э.Фромм
- c) К.Леонгард
- d) У.Шелдон

#### **79.Э.Кречмер инсон тана тузилишига кўра қандай типларга ажратади.**

- a) гипертим, дистим, циклоид
- b) астеник, атлетик, кўзгалувчан
- c) хавотирли,эмотив, пикник
- d) астеник,атлетик,пикник\*

#### **80.Характер акцентуацияси тушунчасини қайси олимлар томонидан ўрганилган.**

- a) К.Леонгард,Е.Личко\*
- b) К.Леонгард, Экречмер
- c) Е.Личко, У.Шелдон
- d) Э.Фромм, У.Шелдон

#### **81.Келтирилган олимлардан қайси бирлари характерни инсон башарасига қараб аниқлашни таклиф этганлар.**

- a) Арасту ва Сукрот
- b) Арасту ва Афлотун\*
- c) Гальтон ва Сукрот
- d) Сукрот ва Афлотун

#### **82.Буқаники сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдиради, чучқаникига ўхшаш тешиклари катта-катта кенг бурун аҳмоқлиликни арслон каби бурун мағрурликни эчкилар қўйлар ва қуённики сингар жуннинг майинлиги чучқаларники каби жуннинг дағаллиги ботирликни англатади. Мазкур тасниф қайси олим томонидан илгари сурилган.**

- a) Афлотун
- b) Арасту\*
- c) Декарт
- d) Галл

#### **83. XVIII қайси олимни характер борасидаги назарияси машҳур бўлди.**

- a) П.П.Блонский шахсда характерни таркиб топиши
- b) Иоганн Каспар Лафатернинг физиологик системаси\*
- c) Франц Галлнинг френологик харитаси
- d) Иоганн Каспар Лафатернинг характернинг индивидуал хусусиятлилиги

**70. Психодинамика назариясининг намоёндаси қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Кречмер.
- b) Эриксон. \*
- c) Холл.
- d) Штерн.

**71. «Фазовий зарурат майдони» назариясининг асосчиси қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Кречмер.
- b) Эриксон.
- c) Холл.
- d) Левин.\*

**72. Қайси қаторда психогенетик назарияга тўғри таъриф берилган**

- a) Психиканинг пропорционал таркибий қисми бўлмиш эмоция ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария.
- b) Ижтимоий хулқни муҳит билан боғлиқлигини ўрганувчи назария.
- c) Инсон ҳаётини ижтимоий тарихий вазифалари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмайди.
- d) Психик жараёнларнинг тарққиёти билан белгиланади.\*

**73. Қайси қаторда психодинамика назариясига тўғри таъриф берилган**

- a) Психиканинг пропорционал таркибий қисми бўлмиш эмоция, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария. \*
- b) Ижтимоий хулқни муҳит билан боғлиқликни ўрганувчи назария.
- c) Инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазифалари ва объектив шарт-шароитлари эътиборга олинади.
- d) Психик жараёнларнинг тарққиёти билан белгиланади.

**74. Қайси қаторда социогенетик йўналишнинг нуфузли назарияси тўғри кўрсатилган**

- a) Индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш.
- b) Роллар назарияси. \*
- c) Фазовий зарурат майдони.
- d) Конституцион назария.

**75. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш, билимларни ўзлаштиришининг самараси кўзгатувчини узлуксиз равишда мустаҳкамланиб боришининг махсулидир. Ушбу назария қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш. \*
- b) Роллар назарияси.
- c) Фазовий зарурат майдони.
- d) Конституцион назария.

**76. Қайси қаторда когнитивистик йўналиши асосчилари кўрсатилган**

- a) Пиаже, Келли.\*
- b) Валлон, Гримле
- c) Колберг, Бромлей.
- d) Заззо, Гримле.

Милоддан аввалги 264 йили файласуф Ци хоқонлигига келиб, “Цзися” академиясида дарс бера бошлайди ва тез орада салтанатдаги энг кўзга кўринган аъёнлар қаторидан жой олиб, олимларга бошчилик қилади.

Ўта мустақиллик ва фикрларини очиқ ойдин айтишга одатлангани боис Сюн-ци 255 йилда тухматга учрайди. Натижада Ци хоқонлигидан Чу салтанатига қараб йўл олади ва бу ерда Ланлин туманига ҳоким қилиб тайинланади.

Милоддан аввалги 250 йилда Сюн-ци вазифасидан озод этилади ва Чжао хонлигига қайтиб боради. Орадан кўп ўтмай у Чу хоқонлиги Ланлин вилояти ҳокимлиги вазифасига қайта тикланади.

Милоддан аввалги 238 йили файласуфнинг ҳомийси бўлмиш Чун-шэн вилоятининг ҳукмдорига суиқасд қилинади. Сюн-ци ноилож давлат хизматидан кетади. У Ланлин вилоятида муқим қолиб, шогирдлари билан биргаликда “Сюн-ци” деб номланган асарини ёзишга киришади.

Ҳукмдорлар-у вазирлар билан дадил мулоқатда бўлиб, ўз фикрини тап тортмай айта олган Сюн-ци ҳаётини қашшоқлик ва фақирликда ўтказди. Замондошлари унинг фалсафий салоҳиятини муносиб қадрлай олмадилар. У ҳаётдан шу тариқа кўз юмади.

Унинг фикрича, инсон ўз табиатига кўра баджаҳл бўлиб, меҳрибонлик бу тарбиянинг натижасидир. Ахир бундай бўлмаганда инсонни тарбиялашга ҳожат қолмас эди-ку! Ахир ўзингда бор нарсага, интилиб нима қиласан. Сюн-ци томонидан, “Инсон характери кулол лойдан ясаган кўзага ўхшайди” деб таъкидланади,

Сюн-цининг ғояларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган шогирдларидан бири Хан Фэйдир.

**Хан Фэй (милоддан аввалги 288-233 йиллар)**

Қадимги Хитой файласуфи Хан Фэй Хан салтанатининг аслзода хонадонларидан бирида дунёга келди. У болалик чоғиданоқ дудуқланиб гапирарди. Кейинчалик Сюн-цининг қўлида таҳсил олиб, Шан Ян, Шэн Бухай, шунингдек, даосизм (хитойча “дао” - қонун демак) таълимоти билан қизиққан.

Хан Фэй ўзига қадар яшаб ўтган кўплаб йирик донишмандлар каби легистик (“легист” - лотинча “қонун” деган маънони англатади) дунёқараш тарафдори бўлиб, давлатни бошқариш муаммолари билан шуғулланган. “Қонунлар халқнинг отаси ва онасидир. Хукмдор ва амалдорлар, олий нервлилар-у паст табақадагилар - ҳамма қонунга бирдек амал қилмоғи лозим. Бу- буюк бошқариш санъати деб аталади” деган ғояни ёқлаган.

Хан Фэй қонунни биринчи ўринга қўйган Шан Ян (“қонунлар ва фармойишлар - халқнинг ҳаёти ва бошқарувнинг асосидир”), хукмдорлик санъатини биринчи ўринга қўйган Шэн Бухай (“Хукмдор қўл остидаги амалдорларни ишлата билади ва ҳаракатларининг натижаси билан ўзгаларни лол қолдиради”), иерархия (қуйи мансабдагиларнинг юқори мансабдагиларга бўйсунуш тартиби) кучини биринчи ўринга қўйган Шэн Дао (“Ахлоқсизларни итоатга келтириш учун донишмандликнинг ўзи етарли эмас, аммо донишмандларни эгиб олиш учун эътиборли мавқенинг ўзи етарли”) қарашларига таяниб, бошқарувнинг “уч қуроли” ва “икки таянчи” ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди.

Хитойдаги материалистик оқимнинг йирик намоёндаларидан бири Ван Чун эди. У ўзининг машхур “**Танқидий мулоҳазалар**” номли асарига табиатшунослик ва тиббиётнинг ўша даврдаги - ютуқлари асосида диний теологик ғояларни танқид қилади. Табиат қонунлари инсон руҳиятини билишда бирдан бир хитойлик мутафаккир Фань Чжен ҳам ўз даврида илгари сурди. У руҳнинг абадий эмаслиги аксинча моддий тананинг функцияси бўлгани учун ажралмаслиги ва у билан бирга йўқолиши ўз трактида ёзган “Тана, – деб ёзади у, – руҳнинг материяси, руҳ тананинг функциясидир. Материя учун руҳ пичоқдек ўткирдир, ўткирлик бу пичоқ эмас. Пичоқ мавжуд бўлмай ўткирлик бўлиши мумкин эмас. Худди шундай равишда тана ўлиб руҳ қолиши мумкин эмас” – деб таъкидлайди Фань Чжен. Шу билан бирга у руҳ фақат маълум тарзда тузилган материяга хос эканлигини айтиб ўтди.

Маълумки, эр.ав. IV-V асрда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жамиятнинг табақаланиши ва қулдорлик давлатларининг пайдо бўлишига олиб

с) Тараққиётнинг бош мақсади биологик детерминантларга қаратилади ва уларнинг меҳнатидан ижтимоий психологик хусусиятлар келтириб чиқаради.\*

d) барча жавоблар тўғри .

**63. Биогенетик қонун қайси олимлар томонидан кашф қилинган**

- a) Кречмер. Мюллер.
- b) Мюллер ва Геккел.\*
- c) Холл ва Штерн.
- d) Мюллер ва Холл.

**64. Мазкур қонунга кўра шахс психологиянинг индивидуал тараққиёти бутун инсоният тараққиётининг асосий босқичларини қисқача такрорлайди деган ғоя ётади...**

- a) Соцогенетик.
- b) Психогенетик.
- c) Психодинамик.
- d) Биогенетик.\*

**65. Қайси қаторда биогенетик назария намоёндалари кўрсатилган**

- a) Штерн ва Эриксон.
- b) Левин ва Кречмер.
- c) Штерн ва Кречмер.\*
- d) Холл ва Торндайк.

**66. Психологик тараққиётнинг бош қонуни деб номланган рекаптуляция қонуни яъни филогенезни қисқача такрорлаши қонунини кашф қилган олим**

- a) Кречмер.
- b) Штерн.
- c) Холл.\*
- d) Мюллер.

**67. Конституцион психология яъни инсоннинг тана тузилишига асосланган назария намоёндаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Кречмер.\*
- b) Штерн.
- c) Холл.
- d) Мюллер.

**68. Кречмер инсонларнинг тана тузилишига қараб уларни неча гуруҳга ажратади.**

- a) Иккита\*.
- b) Учта.
- c) Туртта.
- d) Бешта.

**69. Кўрсатма бериш қайси олим томонидан фанга киритилган**

- a) Выготский.
- b) Рубинштейн.
- c) Эльконин.
- d) Узнадзе\*

- b) В.И.Иванникова
- c) С.Л.Рубинштейн
- d) М.Г.Давлетшин

**56. Ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари ўқув фаолиятини режалаштириш ўз-ўзини назорат қилиш ўз-ўзини баҳолаш ҳақида тадиқот олиб борган олим қайси қаторда кўрсатилган.**

- a) А.А.Файзуллаев
- b) В.И.Иванникова
- c) Э.Ғозиев\*
- d) М.Г.Давлетшин

**57. Янги пайдо бўладиган мотивларни ҳамиша асосий туғма ҳода берилган биологик инстинктнинг хатолари деб ҳисоблашади. Мазкур назария қайси йўналиш намўндалари томонидан ишлаб чиқилган.**

- a) Фрейдизм
- b) Бихевиорал
- c) когнитив
- d) нофрейдистлар\*

**58. XX асрнинг 20-йилларида инстинктлар назариясини ўрнига қандай концепция юзага келди.**

- a) эволюцион ривожланиш
- b) инстинкт ва эҳтиёжлар ўртасидаги иррационал фарқлар
- c) экологик ўзгаришлар
- d) биологик эҳтиёжларга таянган ҳолда инсон табиатини тушунтирувчи \*

**59. «Мотивациянинг манбаи инстинкт, у, тур ва индивиднинг сақланиш шартидир». Мазкур ғоя муаллиф қайси қаторда келтирилган.**

- a) А.Адлер
- b) К.Холл
- c) Э.Торндайк
- d) З.Фрейд\*

**60. Шахснинг муносабати позицияга асосланган ҳолда мотивлар муаммоси билан шуғулланган олим қайси қаторда кўрсатилган.**

- a) П.М.Якобсон
- b) С.Л.Рубинштейн
- c) А.Н.Леонтьев
- d) В.Н.Мясищев\*

**61. Мотивга шахснинг эҳтиёжи билан уйғунлашуви нуқтаи назаридан ёндашади ва уларнинг ўзаро таъсири ўрин алмашуви тенглашуви мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳаза қайси олим томонидан илгари сурилган.**

- a) П.М.Якобсон
- b) С.Л.Рубинштейн
- c) А.Н.Леонтьев
- d) А.Г.Ковалёв\*

**62. Биогенетик назариянинг мазмуни қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Биологик қариш.
- b) Билиш жараёнлари ва биологик янгилик.

келди. Бу давлатларда рухнинг абадийлигини, у танани тарк этиб бемалол ҳаракатланиб юриши мумкинлигини таъкидловчи диний идеология ҳукмрон эди. Шу билан бирга бизгача етиб келган манбаларда нафақат диний балки, табиий билимларнинг асослари ҳам таърифланган. Нарса ва ҳодисаларни теологик, мифологик жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилувчи тасаввурлар аста-секин рационализацияга учраб янги тушунчалар билан алмаша бошлади. Худо ҳали ҳам олий ҳукмрон бўлиб ҳисобланса-да, одам ҳаётига ўтказиладиган таъсири ҳақидаги қарашлар аввалгидан ўзгариб борди.

Эр. ав. IV аср охирига оид Мисрдан топилган “Мемфис теологиясининг ёдгорлиги” психик-фаолиятга берилган таъриф фикримизни тасдиқлайди. Унга кўра, бу дунёнинг архитектори Птах худосидир. У кўз, қулоқ, бурун, сезги аъзоларини юракка хабар бериш учун яратган. Юрак орқали берилган хабарни тил такрорлайди холос. Албатта бугунги кун баҳоси билан бундай фикрлар ибтидоий бўлиб ҳисобланади. Уларда “периферия – марказ” муносабатида дастлабки элементлари кўзга ташланди. Шу тарика теологик дунёқараш доирасида баъзи нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ўзгариб боради. Бунинг асосий сабаби қадимги шарқ тиббиётининг ютуқлари ҳисобланади.

## АНТИК ДАВР ПСИХОЛОГИЯСИ

“Психология фан сифатида рух ҳақидаги таълимотдан бошланиши керак эди. Рух ҳақидаги таълимот одамзот томонидан илгари сурилган биринчи илмий гепотеза”дир деб ёзади Л.С. Виготский.

Анита - рух ҳақидаги қарашлар ибтидоий жамоа давридаёқ мавжуд бўлган бўлсада эр. ав. II асрда табиат ва инсон ҳақидаги тасаввурлар туб бурилишга учраб, антик оламда дастлабки рух ҳақидаги илмий фаразлар пайдо бўла бошлайди. Илмий психология ва ундаги барча муаммоларнинг боши шу ердадир.

“Қайси йўллар билан бормагин, барибир рухнинг чегарасига боролмайсан” деган афоризм билан Эфеслик **Гераклит** (эр.ав.530 -470 йиллар) индивидуал рух ва коинот бирлиги ғоясини илгари сурди. Унга кўра, барча нарса асосида

олов ётаркан. Организмдаги олов учқуни психологиядаги - рухдир. У “оловли ва нам” ҳолатда бўлади. Маст одам қаерга кетаётганини билмайди, чунки унинг психикаси намдир” - деб ёзади Гераклит. Унинг таъкидлашича, рух нами умумий логос қонунлари билан белгиланади. Бу фикр билан Гераклит барча психик ҳодисалар моддий дунё қонунларига буйсунишни таъкидламоқчи бўлди. Детерминизм тамойилини жуда содда кўринишда таърифламоқчи бўлди.

Милоддан аввалги Васрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Юнон файласуфи Кратил шундай деган эди: “Гераклит (Буқрот) айтганидек, оқаётган сувга икки марта эмас, ҳатто бир марта ҳам шўнғиб бўлмайди. Чунки нима ҳақда гапирмайлик, биз тугал фикр айтиб улгурмасдан узлуксиз ўткинчилик қонунига бўйсунувчи ҳар қандай воқеликнинг моҳияти ўзгариб кетади”. Лекин унинг ғоялари психик ҳаётни ҳамма эшикларини очишга қалит бўла олмас эди. Гераклит ўзидан олдин ўтган милет мактаби, файласуфлари Фалес, Анаксимандр, Анасименларнинг рух бўлинмаслиги тўғрисидаги фикрларини издошидир.

Фалеснинг ушбу фикрлари бизнинг нуқтаи назаримизча ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уни қуйида келтирамиз:

- Энг гўзал нарса нима?
- Одам чунки у Тангрининг маҳсулидир.
- Энг тез нарса нима?
- Ақл у ҳамма нарсани ортда қолдиради.
- Ҳаммадан донороқ нарсачи?
- Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради.
- Ҳамма учун энг умумий нарса нима?
- Умид, чунки у ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуддир.
- Энг кучли нарса нима?
- Зарурият, чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади.
- Энг қийин нарса нима?
- Ўзни англаш.
- Энг осон нарса-чи?

- b) А.Г.Ковалёв
- c) А.Адлер
- d) С.Л.Рубинштейн\*

**49. Мотив – бу шахс ҳулқ-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс эттириш демакдир**

- a) А.Г.Ковалёв
- b) А.Адлер
- c) К.Юнг
- d) С.Л.Рубинштейн\*

**50. Психолог олим Оллпорт томонидан ички мотивация билан боғлиқ бўлган учта мотивацион тушунчаларни таҳлил қилган улар қайси қаторда кўрсатилган**

- a) функционал автономия
- b) етарли даражадаги ҳаракат
- c) «Мен» нинг жалб қилинганлиги
- d) барча жавоблар тўғри\*

**51. «Қизиқиш- мотивациянинг ўта теран даражаларида қатнашади». Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган.**

- a) З.Фрейд
- b) А.Г.Ковалёв
- c) Г.Оллпорт\*
- d) К.Юнг

**52. Ўқув фаолияти жараёнидаги қарама-қаршилик, мотивация ижод ва шахс муаммолари қайси олим томонидан ўрганилган.**

- a) В.И.Иванникова
- b) С.Л.Рубинштейн
- c) М.Г.Давлетшин
- d) Э.Усмонова\*

**53. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш мотивларини ва кадриятларини ўрганишга бағишланган тадқиқот иши қайси олим томонидан олиб борилган.**

- a) А.А.Файзуллаев
- b) А.Саитова\*
- c) С.Л.Рубинштейн
- d) М.Г.Давлетшин

**54. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ижтимоий бурчни шаклланиши ўқув мотивларига боғлиқлиги масаласи қайси олим тадқиқотларида учрайди.**

- a) А.А.Файзуллаев
- b) В.И.Иванникова
- c) В.А.Токарева\*
- d) М.Г.Давлетшин

**55. Қайси олим тадқиқотида шахснинг мотивацион ўз-ўзини бошқаришнинг турли туман омиллари аниқланган ва кўриб чиқилган.**

- a) А.А.Файзуллаев\*

d) Барча жавоблар тўғри

**41. Ассоциатив психологиянинг йирик намоёндаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Вольф
- b) Рид
- c) Гартли \*
- d) Галлер

**42. 18 асда психологик фанлар тарихида қандай йўналиш юзага келди**

- a) Ассоциатив
- b) Гештальт
- c) Қобилиятлар \*
- d) Рефлектор ёйи

**43. Қобилиятлар психологияси йўналиши асосчилари қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Вольф ва Рид\*
- b) Рид
- c) Гартли
- d) Галлер

**44. Психика мианинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот муаллифлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Рид
- b) Гартли
- c) Галлер
- d) Француз материалистлари\*

**45. “Шарқ Аристотели” номини олган олим қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Форобий\*
- b) Ибн Сино
- c) Беруний
- d) Рудакий

**46. Ақлнинг иккига яъни туғма ва орттирилган турларга ажратган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Форобий
- b) Ибн Сино
- c) Беруний
- d) Хоразмий\*

**47. Сизгини ички ва ташқи турларга ажратган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Форобий
- b) Ибн Сино\*
- c) Беруний
- d) Рудакий

**48. Мотивация –бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

- a) З.Фрейд

- Ўзгаларга маслаҳат бериш.

- Кимни бахтли санаш мумкин?

- Жисмоний соғлом, руҳий хотиржам ҳамда истеъдодини ўстира олган кишини.

- Бахтсизликка дош беришнинг осон йўли нима?

- Ғанимларнинг сандан-да ёмон аҳволга тушиб қолганига гувоҳ бўлиш.

**Гераклит ҳаёти:** Гераклит Милеет билан қўшни бўлган денгиз форти Эфесда туғилиб ўсган. У милоддан аввалги 500 йиллар атрофида, яъни Фалесдан тахминан 80 йилдан сўнг яшаб ўтган.

У подшоҳ хонадонига мансуб бўлиб, акасининг фойдасига шоҳлик мартабасидан воз кечган.

У “космос” сўзини биринчи бўлиб қўллаган Юнон файласуфи эди. (“космос” сўзи “тартиб” деган маънони англатади. Бу сўз дастлаб давлат тизими ва ҳатто аёлларни “тартиб”га келтирувчи пардоз андоз анжомларига нисбатан ҳам қўлланилган. “Косметика” сўзи шундан келиб чиққан).

Гераклит тўғрисида бир неча тарихлар маълум, бироқ уларнинг реал негизга эгаллиги эҳтимолдан анча йироқ. Буларнинг ҳаммасига қарамасдан, сақланиб қолган парчалар асосида унинг образини қайта тасвирлаш имконига эгамиз. Гераклит ҳар доим ҳам ўз замондошлари томонидан тушунилмаган, маҳдуд, аччиқ истехзоли файласуф сифатида гавдаланади, у замондошларининг ўзини англаб етишмаганлиги учун уларнинг ақлий қобилиятларини жуда паст деб қараган. Мана шунинг учун у одамларнинг фикрлари ва нуктаи назарлари “болаларнинг ўйинчоқларига” ўхшайди, деб таъкидлаган. Гераклитга доир яна бир парчага биноан, тушунмайдиган одамлар қарларга, “иштирок эта туриб қатнашмаётган” кишиларга ўхшайди. Бунинг устига, Гераклит кўпчилик фикрини назарда тутиб, унинг вакилларини “похолни олтиндан афзал кўрадиган эшакларга” киёслайди.

Замондошларининг Гераклит таълимотини тушунмаганлиги, шубҳасиз, нафақат кўпчиликни нотўғри фикрлаши билан боғлиқ эди. Гераклитга файласуф сифатида “Номаълум” деган лақаб берилган. У кўпинча ўз фикрларини ноаниқ

ва кўп маъноли мажозлар ёрдамида баён қиларди. Афсонавийликдан қатъият билан йироқлашишга ҳаракат қилган милетлик натурфайласуфлардан фарқи равишда Гераклит афсонавийлик услубида баён қилиш тарафдори эди.

У милетликларда бўлгани каби илмийлик даражасига эга бўлмаган. У Парменидга ўхшаб мантикий, пухта белгиланган тушунчаларни ҳам қўлламаган. Гераклит ҳис қилиш ва кузатувга таянган – унинг нутқи фолбинларнинг гап-сўзларига ўхшаб кетарди.

Бизнинг билишимизча, Гераклит ўз асарларини Артемида Эфесская ибодатхонасида сақлаган. Унинг кўп парчалари сақланиб қолган. 126 та парча ҳақиқатдан ҳам унга тегишли деб ҳисобланади, 13 та парчанинг муаллифи кимлиги шубҳалидир.

Гераклитнинг парчаларида бошқа файласуфлар ҳам эга олинади. Бу шундан далолат берадики, файласуфлар нафақат ташқи ҳодисалар билан кизиқа бошлаган, шу билан бирга улар фалсафий муаммолар хусусида бошқа файласуфларнинг билдирган фикрлари тўғрисида ҳам муайян позицияни намоён этишган. Натижада, файласуфлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар ва бир файласуфлар асарларининг бошқа файласуфлар асарларида изоҳланиши туфайли фалсафий анъана вужудга келади ва қўллаб-қувватланади.

**Фалес ҳаёти:** Бизнинг энг қадимги грек файласуфлари ва уларнинг таълимотлари тўғрисидаги билимимиз ғоят кам. Бизда улар ҳақидаги ишончли ахборотлар кўп эмас, уларнинг ўз асарлари бизга кўпроқ парчалар ҳолида етиб келган. Шунинг учун, улар тўғрисида айтиладиган маълумотлар тахминлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида бошқа файласуфлар ҳикоя қилиб кетган хотираларга асосланади.

Фалес милоддан аввалги 624 йил билан 546 йил оралигида яшаб ўтган, деб ҳисобланади. Бундай тахмин қисман Фалеснинг милоддан илгариги 585 йилдаги қуёш тугилишини олдиндан айтиб берганлиги ҳақида ёзган Геродот (милоддан аввалги 484-430/420 йиллар атрофида яшаган) фикрига асосланади.

Бошқа манбалар Фалеснинг Миср бўйлаб саёҳати тўғрисида маълумот беради, бундай саёҳат ўша пайтдаги греклар учун айниқса ноодатий ҳол бўлган.

d) Локк

**33. Онгни қатта қўламга эга материядан кам бўлмаган реал нарса деб ҳисобланади. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

a) Спиноза\*

b) Гоббс

c) Лейбниц

d) Локк

**34. “Этика” асарининг муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

a) Спиноза\*

b) Гоббс

c) Лейбниц

d) Локк

**35. Тасаввурларнинг узлуксиз чегараланиш ғоясига таянган ҳолда перцепцияни апперцепциядан фарқлаган олим қайси қаторда кўрсатилган**

a) Спиноза

b) Гоббс

c) Лейбниц\*

d) Локк

**36. 17 асрда психологияда қайси оқим ҳукмрон эди**

a) Эмпиризм

b) Сенсуализм

c) Рационализм\*

d) Психиканинг рефлексорлик табиати

**37. 18 асрда қайси оқим устувор аҳамият касб этди**

a) Эмпиризм ва сенсуализм\*

b) Сенсуализм

c) Рационализм

d) Психиканинг рефлексорлик табиати

**38. Эмпирик психологиянинг асосчиси қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

a) Спиноза

b) Гоббс

c) Лейбниц

d) Локк\*

**39. Барча билимларнинг тажрибадан келиб чиқиши ҳақидаги қоида психология учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган.**

a) Спиноза

b) Гоббс

c) Лейбниц

d) Локк\*

**40. Локкнинг фикрича тажрибанинг 2 та манбаси мавжуд бўлиб улар қайсилар**

a) Мавҳум аралаш

b) Ички ва ташқи\*

c) Объектив ва субъектив

**25. Бихевниоризм йўналиши томонидан олиб борилган ишларнинг салбий томонлари қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Ҳайвон ва одам психикаси ўртасида фарқ йўқ деб ҳисоблайди
- b) Онгни умуман инкор қилганлар
- c) Барча жавоблар тўғри\*
- d) Тўғри жавоб берилмаган

**26. З.Фрейд томонидан қандай метод фанга киритилган**

- a) Тест
- b) Биография
- c) Объектив метод
- d) Эркин ассоциациялар\*

**27. Анимистик қараш қачон вужудга келган**

- a) Қулдорлик даврида
- b) Ибтидоий даврда\*
- c) Феодал тузум
- d) Барча жавоблар тўғри

**28. Жонни ақл идрок жасорат орзу истакларга ажратган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Афлотун\*
- b) Арасту
- c) Гераклит
- d) Фалес

**29. Онг ҳақидага тушунчага идеалистик тус берган олим қайси қаторда тўғри кўрсатилган**

- a) Анаксеман ва Фалес
- b) Плотин ва Августин\*
- c) Галлен ва Гиппократ
- d) Плотин ва Галлен

**30. Механик ҳаракатни ягона реаллик деб эълон қилган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Спиноза
- b) Гоббс\*
- c) Лейбниц
- d) Локк

**31. Эпифеноминализм деб ном олган қарашга асос солган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Спиноза
- b) Гоббс\*
- c) Лейбниц
- d) Локк

**32. Оламнинг бир бутунлиги тўғрисидаги ғоянинг астойдил ҳимоячиси бўлган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Спиноза\*
- b) Гоббс
- c) Лейбниц

Яна шундай маълумотлар борки, Фалес эҳромларнинг баландлигини ҳисоблаш масаласини унинг ўз сояси ўзининг бўйи ўлчамига тенглашган пайтда эҳромдан тушган соянинг узунлигини ўлчаш йўли билан ҳал қилган.

Милетлик Фалес ўз замонасидаги етти донишманднинг бири бўлган. Айтишларича, Фалес шу етти донишманднинг ичида етакчилик қилган. У биринчилардан бўлиб табиат ҳақида фикр юритган. Қуёш тутилиши унинг ой билан тўсилиши туфайли юз беришини биринчи бўлиб Фалес англаган, диаметр айланани тенг иккига бўлишини исботлаб берган.

Фалес фалакиётшунослик билан ҳам шуғулланиб, қуёш тутилишини олдиндан айтиб берган.

Фалес Миср эҳромларининг баландлигини уларнинг соясига қараб ўлчagan. У ёлғизликда ҳаёт кечириб, давлат ишларига аралашмаган.

Фалеснинг қуёш тутилишини олдиндан айтиб берганлиги ҳақидаги ҳикоя унинг эҳтимол, Бобилдан ўтиб келган астрономияга онд билимларни билганлигини кўрсатади. У шунингдек, математиканинг греклар томонидан ривожлантирилган соҳаси геометрияга доир билимларни ҳам эгаллаган. (Арифметика ва ноль бизга араблардан етиб келган. Бизнинг рақамларимиз греклар ёки римликларники эмас, балки арабларникидир). Математик фикрларнинг универсаллиги грекларда назария ва назарий текшириш ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига ёрдам берган. Дарҳақиқат, математик фикрлар алоҳида хусусий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрларга нисбатан бошқача маънода ҳақиқий бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун математикага доир универсал фикрлар номатематик фикрларга нисбатан қўлланиладиганидан бошқача усулда танқид қилиниши керак. Буларнинг ҳаммаси далиллаш услублари ва идрок этиладиган ҳақиқатга асосланмайдиган фикрларнинг ривожланишини зарур қилиб қўйди.

Таъкидланишича, Фалес Милетнинг сиёсий ҳаётида иштирок этган. У навигация ускуналарини яхшилаш учун ўзининг математик билимларини қўллаган. У биринчи бўлиб, қуёш соати бўйича вақтни аниқ белгилаб берган эди. Ва ниҳоят, Фалес қурғоқчилик туфайли ҳосил бўлмайдиган йилни

олдиндан айтиб бериб, унинг арафасида зайтун мойини шайлаб қўйиш ва кейинчалик уни фойдасига сотиш йўли билан бойиб кетган.

Унинг асарлари ҳақида кўп маълумот бериш қийин, чунки бундай асарлар бизга фақат бошқа кишиларнинг такрорий баёнлари орқали келган. Шунинг учун биз уларни баён қилишда бошқа муаллифларнинг бу асарлар тўғрисида билдирган маълумотларига таяниб иш қўришга мажбурмиз. Арасту Метафизика асарида Фалес жами мавжудот, яъни мавжуд бўладиган нарсалар келиб чиқадиган ва яна қайтиб бориб жойлашадиган ибтидо ҳақидаги масалаларни қўядиган фалсафа турини асосчиси бўлган, дейди. Арасту яна шунингдек, Фалес бундай ибтидо сувдан (ёки суюкликдан) иборатдир деб фараз қилган дейди. Бироқ, агар ҳатто Фалес ҳақиқатан ҳам шундай деб таъкидлаган бўлсада унинг бунда нимани назарда тутганлиги аниқ маълум эмас. Бундай изоҳни ҳисобга олган ҳолда биз “Фалес фалсафаси”ни реконструктив тарзда талқин этишга ҳаракат қиламиз.

**Анаксимандр ва Анаксимен ҳаёти:** Улар Милет фуқоролари эдилар. Анаксимандр тахминан милоддан аввалги 610 йил билан 546 йил оралиғида яшаган ва Фалеснинг бирмунча ёшроқ замондоши бўлган. Анаксимен шубҳасиз, милоддан аввалги 585 йил билан 525 йил оралиғида яшаган. Қадимги Юнон файласуфи Анаксимен милетлик Эвристратнинг ўғли ва файласуф Анаксимандрнинг яқин дўсти бўлган.

Анаксимандрга тегишли деб ҳисобланадиган фақат бир парча бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бундан ташқари бошқа муаллифлар, масалан, икки аср кейинроқ яшаган Аристотелнинг изоҳлари мавжуд. Анаксимендан фақат учта кичик парча етиб келган, уларнинг биттаси, эҳтимол, ҳақиқий бўлмаслиги мумкин.

Файласуф Анаксимандр шогирди Пифагор: “Донишмандлик ибтидоси: фикрлашни ўрганиш, вайсақиликка барҳам бериш” дея таъкидлаб илк бора тафаккур операцияларига эътибор қаратиш кераклиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

**17. Рух бу сийраклашган ҳаводир мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит\*
- c) Фалес
- d) Темний

**18. Табиатнинг асоси ўт оловдир деб ҳисоблаган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит
- c) Фалес
- d) Темний\*

**19. Рух бу дунёнинг абадий ҳаракатланадиган ўзгариб турадиган асосининг оловдан ўткинчи ҳолатлардан биридир мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган.**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит\*
- c) Фалес
- d) Темний

**20. “Табиат ҳақидаги” поэманинг муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит
- c) Эмпидокел\*
- d) Темний

**21. .... таълимотига кўра материя атомлардан яъни жуда майда кўзга кўринмайдиган заррачалардан моддалардан ташкил топган.**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит
- c) Демокрит\*
- d) Темний

**22. Вунд мактаби намоеਂдалари ўзларини яна қандай ном билан аташган**

- a) Илмий мактаб
- b) Натурафилософлар
- c) Номиналистлар
- d) Структуралистлар\*

**23. Психика ҳақидаги тизим қайси мактаб томонидан ишлаб чиқилган**

- a) Фрейдизм
- b) Бихевиоризм\*
- c) Психоанализ
- d) Гештальт

**24. Бихевиоризм йўналиши томонидан қандай метод ишлаб чиқилган**

- a) Тест
- b) Биография
- c) Объектив метод\*
- d) Сўровнома

d) Арасту

**9. Психология атамаси қачон пайдо бўлган.**

- a) 16 асрда\*
- b) 7 асрда
- c) 19 асрда
- d) 20 асрда

**10. Схоластика тушунчаси қачон пайдо бўлган**

- a) 8 аср
- b) 9 аср\*
- c) 13 аср
- d) 10 аср

**11. Ўрта асрлар мактабларида схолистиканинг асосий мазмуни нимадан иборат**

- a) Шахсий фалсафа\*
- b) Дуалистик момент
- c) Тирикликни ўлдириш
- d) Психологик тасаввурлари

**12. Схолистиканинг асосий методи сифатида нима қайд қилинади**

- a) Тест
- b) Текис ёки матн\*
- c) Суҳбат
- d) Сўровнома

**13. Руҳнинг асоси ва манбасини нима ташкил қилади**

- a) Моддий жараёнлар
- b) Биологик табиий жараёнлар
- c) Маънавий-маданий
- d) Барча жавоблар тўғри\*

**14. Инсон табиатининг асоси сувдир мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит
- c) Фалес\*
- d) Темний

**15. Инсон руҳи ва руҳий ҳаёти пар шаклида тасаввур қилган олим қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит
- c) Фалес\*
- d) Темний

**16. Бутун мавжудот зичлашиши ва сийраклашиш қобилиятига эга бўлган хаводан ташкил топган мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган**

- a) Анаксеман
- b) Гераклит\*
- c) Фалес
- d) Темний

Қуйида Пифагорни бир қанча афоризмларини келтириб ўтамиз, уларни психологик таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўринг.

- Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут-доноликнинг бошланиши.

- Билимлилик ва донишмандликни айна бир нарса деб ҳисобламанг.

- Жонзотларни ўлдиришдан сақланинг, чунки одам ўлдириш жониворларни ўлдиришдан бошланган.

- Ўтган кун ҳақидаги: “Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгуролмадим?”- деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин.

**Пифагор ҳаёти: (милоддан аввалги 576-496 йиллар).**

Жанубий Италиянинг Регия шаҳрида туғилиб ўсган қадимги Юнон файласуфи Пифагор Мнесарх исмли кишини фарзанди бўлган. Отаси уни хизмат сафарига доимо ўзи билан олиб юрган. Оқибатда Пифагор қизиқувчан ва янги нарсаларни билишга интилувчан бўлиб ўсади.

Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. Зардуштийлик динига жуда қизиққан. У Мисрда илм сирларини ўрганиш учун хатто хатна қилдиришга ҳам рози бўлган. Акс ҳолда уни китобларга яқинлаштиришмасди. У ҳеч қачон йиғламаган ва умуман эҳтирос ҳамда ҳис-ҳаяжонга берилмаган.

Пифагорнинг қуйидаги асарлари маълум: “Табиат ҳақида”, “Давлат ҳақида”, “Тарбия ҳақида”, “Жон ҳақида”, “Олам ҳақида”, “Илоҳий калом”. Пифагор милоддан аввалги 496 йилда душманлари томонидан ўлдирилган. Пифагор ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга “фалсафа”, деб ном берган биринчи донишманд эди.

Ривоят қилишларича, Флиунт шаҳрига сафари чоғида ҳоким Леон Пифагордан сўради: “Сен қайси илм билимдонисан?” – “Ҳеч қайси, - деб жавоб берди Пифагор. – Мен шунчаки бир файласуфман”. – “Фалсафа дегани нима ўзи?”- таажубланиб сўради ҳоким. Пифагор шундай жавоб берди. “Инсон умрини бозор ва Олимпия ўйинларига қиёслаш мумкин. Бозордаги сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам доимо ўз фойдаларини кўзлайдилар. Олимпия ўйинлари

иштирокчилари эса шон-шуҳрат ва машҳурлик пайида бўладилар. Ҳайвонларнинг томошабинлари эса уларни диққат билан кузатадилар. Ҳаётда ҳам шундай. Одамларнинг катта бир гуруҳи бойлик ва шон-шуҳрат орттириш мақсадида елиб югурадилар. Ана шу оломон орасида камчиликдан иборат бир гуруҳ борким, улар четдан туриб атрофдагиларни жимгина кузатадилар. Воқеа ҳодисаларни, инсон табиатини тадқиқ этадилар. Ҳақиқатни англаш уларнинг энг сеvimли амалидир. Ана шу тоифадаги одамлар файласуфлар – доноликни сеvuвчилар, деб аталади. Улар софослар, яъни донишмандлар эмас. Чунки том маънодаги донишмандлик ёлғиз Аллоҳга хос сифат. Бандалар эса донишмандликка интилиш билан кифояланадилар холос”.

Гераклитдаги руҳ учқунлари кейинчалик **Демокрит** (э.р.ав.460–370 йиллар) нинг таълимотида “оловли атом”ларга айланди. Демокрит ва унинг устози Левкипп (э.р.ав.500—440) атомик материализм назариясини илгари сурдилар. Унга кўра, барча нарсалар 2 та асосдан - бўлинмас ҳаракатчан, шарсимон энгил атомлардан ва бўшлиқлардан пайдо бўлади. Бу атомнинг энг ҳаракатчанлари, яъни олов атомлари руҳни ҳосил қилади.

Битта илмий исботу далилни қўлга киритиш мен учун форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аълороқдир,- деганди Демокрит.

Яна бир грек мутафаккири **Анаксагор** (э.р.ав.500-428) нинг барча нарсалар гамерий номли майда моддалардан ташкил топганлиги ва уларнинг ақл билан ва яъни руҳ билан бошқарилиши тўғрисидаги фикр ҳам Демокритнинг атомик қарашларига ўхшайди. Сочилиб кетишидан иборат физик қонуни тана учун ҳам, тааллуқли деб ҳисоблаб, Демокрит руҳни абадийлигини инкор этади. Демокрит руҳнинг тана ҳаракатининг сабаби деб билади. Унинг ёзишича руҳ оғир танага кириб ҳаракатга келтиради. Тана ўлгандан кейин эса у фазода тарқалиб кетади. Биз нафас олганимизда руҳни ташкил этувчи атомларни ютиб нафас чиқарганда руҳимизни бир қисмини ташқарига чиқариб юборамиз. Шу тарихи руҳимиз доимо энгиллашиб туради, деб ҳисоблайди Демокрит. Унинг фикрича, ҳамма нарсанинг ҳатто ўликнинг ҳам руҳи бор, фақат жуда кам. Демокритнинг бундай фикри панпсихизмга яқинлашиб қолди. Танадан ташқари

## Психологиянинг методологик асослари

**1. Психология тарихи фанинг ривожланиш тарихи нечта даврни ўз ичига олади.**

- a) 3
- b) 2\*
- c) 4
- d) 6

**2. Психология тарихини ривожланишининг биринчи даври қандай номланади.**

- a) Мустақил фан сифатида
- b) Фалсафа таркибида ривожланиши\*
- c) Психика ҳақидаги фан
- d) Онг ҳақидаги фан

**3. Психология тарихини ривожланишининг иккинчи даври қандай номланади.**

- a) Мустақил фан сифатида\*
- b) Фалсафа таркибида ривожланиши
- c) Психика ҳақидаги фан
- d) Онг ҳақидаги фан

**4. Психологияни фалсафа таркибида ривожланиш даври неча босқични ўз ичига олади.**

- a) 3\*
- b) 2
- c) 4
- d) 6

**5. Психологияни мустақил фан бўлиб ривожланиши даври неча босқични ўз ичига олади.**

- a) 5\*
- b) 2
- c) 4
- d) 6

**6. Ҳинд адабиётларида идрокнинг неча хил шакли кўрсатилади.**

- a) 3 та аниқ ноаниқ мавҳум
- b) 2 та аниқ ва ноаниқ\*
- c) 2 та аралаш ва мавҳум
- d) 2 та аниқ мавҳум

**7. Платоннинг фикрича инсон руҳини нечта асоси мавжуд**

- a) 2 та
- b) 4 та
- c) 3 та\*
- d) 5 та

**8. Орқа миянинг функциялари қайси олим томонидан ишлаб чиқилган**

- a) Демокрит
- b) Галлен\*
- c) Афлотун

## ФЕХНЕР ГУСТАВ ТЕОДОР (1801-1887).



Немис физиги, физиологи ва психологи, психофизика асосчиси. Г.Фехнер “Психофизика элементлари” номли асар муаллифи (1860). Бу асарда у алоҳида фан психофизикага асос солиш ғоясини илгари сурган. Бунга кўра фан предмети бир-бири билан функционал боғланган икки ҳодиса психик ва физик жараёнлардир. Бу ғоя экспериментал психологиянинг тараққиётига улкан таъсир кўрсатди, сезгилар соҳасида олиб борилган тажрибалари бир нечта конунларни шу қаторда психофизиканинг асосий конунини асослаб беришга имкон берди. Г.Фехнер сезгиларни ўлчаш методларини ишлаб чиқди. Қуёшни кузатиш йўли билан сезгиларни текшириш ишларидан сўнг қисман кўр бўлиб қолди ва фалсафа билан шуғулланди. Г.Фехнер ҳар томонлама комил инсон эди.

руҳ бўлиши мумкин эмас, деган умумий ҳукм чиқарди. У нафақат тана ва руҳ бирлиги балки руҳнинг ўзи тана эканлигини таъкидлайди. “Агар руҳ танани ҳаракатлантурса, демак, унинг ўзи тана қисми” деб ёзади Демокрит. Эпикур, Лукреций, ва бошқалар Демокритнинг руҳ ҳақидаги тасавурларини ривожланишини давом эттирдилар. Лекин Эпикур таълимотига кўра, руҳ атомлардан эмас, ўзгармас 4 элементлардан: олов - иссиқлик асоси, буғ – ҳаракат асоси, шамол – совиш асоси, номсиз 4-элемент - руҳнинг руҳидан иборат. Эпикурнинг номсиз элементини Лукреций “А”, деб атади. Шунингдек, Эпикурнинг фикрича, фақат сезиш хусусиятига эга нарсалардагина руҳ бўлади.

“Анаксагор олов ва қуёш айна бир нарсадир, деб ҳисоблаганда каттик янглишганди, - дейди Сукрот – чунки одамлар оловга бемалол қарай олишларини, Қуёшга эса ҳеч қачон тик боқолмасликларини назардан қочирган. Шунингдек, Анаксагор инсон териси қуёш нури таъсирида қорайишини, олов эса бундай қудратга эга эмаслигини, ўсимликлар Қуёш ҳароратисиз яшай олмасликлари, олов тафтидан эса ҳалок бўлишларини унутган. Анаксагор қуёшни оловда тобланган тош, деб таърифлаган. Аммо тош қанча киздирилмасин, ҳеч қачон Қуёш каби ёғду тарата олмаслиги кундек равшандир. Қуёш эса доимо энг порлоқ ёритгич бўлиб, қолажак”.

Сукрот ғоялари: “Таажжубки, ҳайкалтарошлар тошни инсонга ўхшатиш йўлида ўлиб тириладилар-у, аммо ўзларнинг тошга ўхшаб қолмасликлари ҳақида қайғурмайдилар”.

“Мен бу одамдан донорокман. Сабаби, ҳар иккимиз ҳам баъзи бир жоиз ва зарур нарсаларни билмасакда, у манманлик қилади, мен эса манманликдан ўзимни тияман”.

“Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни кадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди”.

**Демокрит ҳаёти:** Демокрит милоддан аввалги 460 йилдан 370 йилгача яшаган деб ҳисобланади. Бинобарин у Платоннинг катта замондоши бўлган. Демокрит Фракиядаги Абдери колониясида туғилган. Маълумки, у Афинага ташриф буюрган ва Шарқ ҳамда Мисрга бир неча узок муддатли саёҳатларга чиққан. Эҳтимол, у билиш ва тадқиқотчилик мақсадларида саёҳат қилган.

У бадавлат оиланинг фарзанди эди. Аммо бойликдан кечиб, бутун умрини камбағалликда ўтказди. Бор умрини донишмандликка бағишлади.

Демокрит шаҳар ташқарисида жойлашган ер остидаги сағанада кечаю-кундуз тинмай ижод билан машғул бўлган.

Демокрит кенг билимларга эга бўлган. У ўз замонидаги фаннинг кўпгина соҳаларида самарали иш олиб борган. Унинг бир неча асарлари номини келтириш биланоқ қизиқишларининг кенг доирасини кўрсатиш мумкин бўлади. “Буюк диакосмос”, “Врачлик фани”, “Ўлимдан кейинги нарсалар ҳақида”, “Табиатнинг тузилиши ҳақида”, “Жаҳон тартиботи ва тафаккур қоидалари ҳақида”, “Шеърят тўғрисида”, “Дехқончилик тўғрисида”, “Математика тўғрисида”, “Тўғри нутқ ва тушунарсиз сўзлар тўғрисида”, “Ёқимли ва ёқимсиз ҳарфлар тўғрисида” ва ҳақозо.

Демокрит асарларидан 200 дан 300 гача парча сақланиб қолган. Муайян маънода бу кўпдир, лекин Демокритнинг улкан ижодий маҳсулдор бўлганлигини ҳисобга олсак, биз фақат унинг асарларининг нисбатан кам қисмига эгамиз. Шунинг учун биз унинг қарашларини талкин этишимиз Демокрит ҳақидаги мавжуд иккиламчи ахборотлардан фойдаланадиган қайта тўлдиришдан иборат бўлади.

**Анаксагор ҳаёти:** Анаксагор тахминан милоддан аввалги 498 йилдан 428 йилгача яшаган. У ёшлик йилларини Клазомена шаҳрида ўтказган, балоғат ёшида Афинада истиқомат қилган ва у ерда интеллектуаллар ўртасида кўзга кўринган ўринни эгаллаган. Анаксагор Перикл (тахминан милоддан аввалги 495-429 йиллар) муҳитига мансуб бўлган, лекин ўзининг анъанавий эътиқодларга зид бўлган қарашлари сабабли Афинани ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Бошқа нарсалардан ташқари, у қуёш худо эмас, балки катта

## ГЕЛЬМГОЛЬЦ ГЕРМАН ФОН (1821-1894).



Немис физиги, физиологи ва психологи. Маълумоти бўйича физик бўлиб, тирик организмни ўрганишга текширишнинг физик методларини киритишга ҳаракат қилган. “Кучнинг сақланиши” асарида у энергиянинг сақланиш қонунини асослаб, у тирик организмда физик-химик муҳит бўлиб, унда энергиянинг сақланиш қонунига аниқ амал қилади. У биринчи бўлиб, кўзгалишнинг нерв толалари орқали ўтиш тезлигини ўлчади, бу эса реакция вақтини ўрганишга илк қадам бўлди.

Г.Гельмгольц идрок назариясига катта ҳисса қўшган. Хусусан идрок психологиясида онгсиз ақлий хулосалар концепциясини ривожлантирди. Бунда актуал идрок одамнинг одатий қобилиятларидан келиб чиқади, мускул сезгилари ва ҳаракатлари ташқи оламнинг доимий сақланишида катта ўрин тутади. Бу концепцияга асосан маконни идрок қилиш механизмини тушунтиришга уринди. М.В.Ломоносов каби рангли кўринишнинг уч компонентли назариясини ривожлантирди. Эшитишнинг резонанс назариясини ишлаб чиқди. Бундан ташқари Г.Гельмгольц дунё психология фани таракқиётига улкан ҳисса қўшган. Унинг В.Вундт, И.М.Сеченов каби шогирдлари бўлган.

психоанализнинг психотерапевтик методикасини ишлаб чиққан. Бу метод инсон, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади. Инсоннинг ҳаёт кечириш муаммосига ягона мос жавоб, Э.Фромм фикрича, инсоннинг ўз “Мен”ини топишга ёрдам беришга муҳаббатдир. Бу нуқтаи назарни у “Муҳаббат санъати” асарида (1964й) ақс эттириб, ҳозирги жамиятни соғломлаштиришга йўл инсоннинг ахлоқий янгилиниши ва руҳан тозаланишида ётишини таъкидлаган.

### СМИРНОВ АНАТОЛИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ (1894-1980)



Машҳур рус психологи, хотира психологияси соҳаси мутахассиси, шунингдек, умумий психология, ёш ва педагогик психология, педагогик психология ҳамда психология тарихи фанлари бўйича мутахассис. 1945-1972 йилларда Россия Педагогика фанлари Академиясининг Психология Институтини бошқарган. Текширишлар жараёнида ихтиёрсиз ва ихтиёрий эслаб қолиш орасидаги хотира ва тафаккур орасидаги ўзаро алоқаларни топган. Ихтиёрий эслаб қолишнинг характери субъектнинг фаолият таркибига боғлиқлигини тажрибаларда исботлаган. Хотирани тажрибаларда текшириш натижаларида унинг “Эслаб қолиш психологияси” (1948), “Хотира психологияси” (1966) асарларида ўз ифодасини топган.

ёлқинланиб турган танадир деб таъкидлаган. Анаксагор асарларининг 22 та парчаси сақланиб қолган.

Юнон файласуфи Анаксагор туғилганидан сўнг унинг на кулгани ва на табассум қилганини кўришган. У файласуф Анаксимендан таҳсил олган.

Анаксагор фалсафага шу қадар шўнғиб кетганки, хўжалик ишлари қаровсиз қолиб, бутун ер мулки пода бокиладиган яйловга айланган.

Анаксагор ҳур, ноанъанавий фикрлаш тарзи туфайли таъкибларга дучор бўлган. Бир қанча муддат турмада ўтирган. Анаксагорнинг фақат “Табиат ҳақида” номли асари бизгача етиб келган.

**Сукрот ҳаёти:** Сукрот тахминан милоддан аввалги 470 йилда туғилган ва 399 йилда вафот этган. Унинг фаол фалсафий фаолияти натурфалсафа даврига (милоддан аввалги 450-400 йиллар) тўғри келади. Софистларга замондош бўлган Сукрот дастлабки Афиналик файласуф эди ва бутун умр бўйи она шаҳрида яшаган. Унинг отаси тоштарош, онаси эса доя бўлган. У аслзода ва бадавлат бўлмасда, ҳеч қачон ўзининг моддий аҳволинин яхшилашга уринмаган. Сукрот Ксантиппага уйланган ва уч фарзандли бўлган.

У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. У доимо эски либосларда, ялангоёк юрган. **Аёллар** борасида ҳам Сукротнинг омади юришмаган. Гарчи икки марта уйланган бўлса-да, оилавий бахтга эриша олмаган.

Сукрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказган. Баҳсларда доим унинг кули баланд келган. Шунинг учун кўпинча унинг сочидан тортиб калтаклашган, устидан кулиб ҳақоратлашган. Сукрот ҳаммасига дош берган. Одамлар бундан ажабланишганда уларга қарата шундай деган: «Эшак тепса уни судга бера олмайман-ку!».

Сукрот моҳир раққос бўлган ва бундай машқни жисмининг саломатлиги учун фойдали деб билган.

У талабаларга оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган. Тимей исмли шогирди: “Эй, устоз, нима сабабдан доно фикрларингизни қоғозга туширмайсиз?”- деб сўраганда, Сукрот: “Эй, Тимей ўлик ҳайвонларнинг

терисига ишончинг ва тирик, барҳаёт фикрларга ишончсизлигинг жуда мустаҳкам экан”, - деб жавоб берган.

399 йил Сукрот бир юртдошининг фитнаси туфайли фуқоралик меъёрларини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Судда Сукротнинг оғзидан чиққан сўнгги сўзлар шундай бўлган: “Менга ўлиш учун, сизга эса яшаш учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Фақат бунинг қай бири афзаллиги Худодан ўзга ҳеч кимга аён эмас”.

Судда 220 нафар одам Сукротнинг айбсизлигини ёқлаб, 280 нафар киши эса унга қарши овоз берган.


Сукрот Платоннинг диалогларида тасвирланганидек, ғарбий дунё руҳига энг кўп таъсир кўрсатган кишилар сирасига киради. Сукрот инсоний шахс сифатида у юксак маънавияти, камтарин ва оддий турмуш тарзи, зукколиги, самимийлиги, хушфезллиги ва ҳазил-мутойбага мойиллиги каби хусусиятлари билан ажралиб турар эди. Бироқ Афиналик фуқаролар Сукрот уларни кўчада ёки бозорда йўлдан тўхтатиб, суҳбатга солиб, қийин саволларга тутадиган ҳолатларда муайян даражада ноқулай вазиятга тушиб қолишарди. Бир қатор сабабларга кўра, Сукрот ҳам софистлар каби ўзининг ёшлик даврини хазон қилиб, жамият учун хавфли одамга айланмоқда, деган қараш ҳам шаклланган эди.

Сукрот ҳеч нарса ёзмаган. Унинг таълимоти (мабодо умуман унинг таълимоти хусусида гапириш мумкин бўлса) ҳақидаги бизнинг билимимиз у ҳақида бошқаларнинг ёзган асарларига асосланади. Асосан, улар Платон асарлари бўлиб, Сукрот унинг диалогларида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун Сукротнинг аслида нималарни гапирганлигини ва Платоннинг диалогларида Сукрот фикрлари билан Платон фикрлари ўртасидаги чегарани аниқлаш анча қийин вазифадир. Ана шу жиҳатни эътиборга олиб, Сукрот фалсафасини Платоннинг баён қилгани тарзда талқин этишга ҳаракат қиламиз.

Сукрот ғояларини кенг тарғиб қилган ва унинг ишларини давом эттирган шогирдларидан бири Антисфен ва Аристиппидир.

эксперимент методлар асосида дифференциал психологиянинг асоси бўлган инсонлар ўртасидаги индивидуал фарқлар мавжудлиги ҳақидаги таълимотга биринчи бўлиб асос солди. Ўз текширишларида Ф.Гальтон инсоннинг ривожланишига иккита омил: ирсият ва муҳит таъсир қилишидан келиб чиқади, деган ғояни илгари суради. Ирсиятнинг ролини ўрганишда эгизакларни таққослаш методини ишлаб чиқди. Бундан ташқари Ф.Гальтон бир қатор психодиагностик методлар: овозни эшитиш даражасини текширишда хуштак, эркин ассоциациялар методи, анкета каби методларни ишлаб чиққан. 1884 йилда Ф.Гальтон Лондондаги Халқаро саломатлик кўргазмасида антропометрик лабораторияни ташкил қилган. Бунда мижоз 3 пенс тўлаб анкета тўлдириб, ўзининг ақлий қобилияти, мускул кучи, оғирлиги, бўйини текшириб кўрган. Бу текширишлар янги таълимотларни ишлаб чиқишига асос бўлган.

#### **ФРОММ ЭРИХ (1900-1980).**




Немис – америка психологи ва философи, неофрейдизм намёндаларидан бири. Асосий муаммо инсон борлигидаги қарама-қаршилиқлардаги ва улар инсоннинг табиат, бошқа кишилар ва ўз-ўзи билан табиий, мутаносиб алоқанинг бузилишида намён бўлади деб билган. Гуманистик

Америка психологи, ижтимоий ўрганиш назарияси муаллифи. 1949 йилда Британия Колумбияси Университетини тугатган, сўнг Айова Университети магистри даражасини олди (1951й) ва Айова Университети доктори бўлди. Кейинчалик Стенфорд Университетида психология профессори, 1973 йилдан психологиядан ижтимоий фанлар профессори бўлди. Инсон хулқида “Стимулреакция” моделини қўллаш мумкин эмас деган хулосага келди ва хулқ-атворни яхшироқ тушунтирадиган ўз моделини яратди.

Кўплаб тажрибалар асосида мустаҳкамлаш ўргатишнинг ягона детерминанти эмас, балки ёрдам берувчи омил деб қараш керак деган хулосага келди. Инсонни ўргатишнинг детерминанти ўзгалар хулқи ва унинг оқибатларини кузатишдир. Ўрганиш тезлиги тақлид қилинаётган предметнинг яқинлиги ва кузатилаётган хулқни сўз билан ифодалашнинг натижасига боғлиқ. Ўз текширишларига асосан А.Бандура куйидаги хулосага келди: жahl агрессияни келтириб чиқарувчи умумий қўзғалиш ифодаси бўлиб, у фақат жahl реакциялари ижтимоий жиҳатлардан мумкин бўлган ҳолатларда юзага чиқади.

### ГАЛЬТОН ФРЕНСИС (1822-1988)



Англия психологи ва антропологи бўлиб, қобилият, иктидор муаммоларини ечишга экспериментал ёндашиш ғояси асосчиси. Математик ва

### Антисфен ҳаёти: (милоддан аввалги 444 – 366 йиллар)

Антисфен - милоддан аввалги V –IV асрларда яшаб ўтган Юнон файласуфидир. У аввалига файласуф Хоргийнинг шогирди бўлган. Кейинчалик Сукротдан илм ўрганган. Антисфен чекка Пирея шаҳрида яшасада, ҳар куни 40 стадия (1 стадия – 184,75 газ) йўл босиб, Сукротнинг хузурига қатнаган. Кейинчалик, Антисфен киниклар мактабига асос солган. Файласуф Диоҳен Антисфеннинг энг иктидорли шогирдларидан эди. Антисфен ўлимга ҳукм этилган устози Сукрот билан қатл олдидан ҳамсухбат бўлган. Антисфен биринчилардан бўлиб қуллар ва озод қашшоқларга хос буюмлар ҳамда либосларни ўзига раво кўрди. Шу йўл билан ўзи асос солган киник мактабининг бошқалардан ажралиб туришини таъминлади. Киниклар эгниларига қалта жомакор камзул кийиб, қўлларида гадойларнинг тўрваси ва дарбадарларнинг таёғини кўтариб юрганлар. Эҳтиёжларни ҳар томонлама чегараламоқ Антисфен ҳаётини мазмуни саналган. У ўзини “зотсиз кўппак” деб атаган. 77 ёшида ўпка силига чалиниб, вафот этган.

Антисфеннинг куйидаги асарлари маълум: “Ҳақиқат”, “Фикр ва билим ҳақида”, “Савол ва жавоб ҳақида”, “Севги, никоҳ ва фарзандларнинг дунёга келиши ҳақида”, “Геракл” ва бошқалар.

### Аристипп ҳаёти: (милоддан аввалги 430 – 355 йиллар)

“Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имконини беради”, - деган эди файласуф Аристипп. Юнонистоннинг Кирена шаҳрида туғилиб ўсган бу файласуфни невараси билан чалкаштириб юбормаслик учун Катта Аристипп, деб аташган. Аристипп аввал Протагор, кейинчалик Сукрот қўлида таҳсил олган. У роҳату ҳаловат инсон учун энг олий бахт, деб ҳисобловчи киреналиклар ёхуд гедонистлар мактабини яратган. Аристиппни энг садоқатли издошлари орасида унинг қизи Арета алоҳида ажралиб турарди. Арета отасини ишини давом эттириб, муаллималик қилган ва ўғли Кичик Аристиппга ҳам фалсафа илмини ўргатган.

Аристипп Сукротнинг шогирдлари орасида биринчилардан бўлиб, тингловчилардан пул олиб устозига жўнатиб турган.

Ҳашамдорлик ва башанг кийинишни хуш кўрган нозиктаъб Аристипп олам кезиб, киборларча ҳаёт кечирган. Афсуски, унинг бирорта ҳам асари бизгача етиб келмаган.

Шарқда Афлотун номи билан машҳур бўлган **Платон**нинг фикрича, руҳни қанотли от арава ва извошчига ўхшатиш мумкин, Извошчи ва отлар ўртасидаги муносабат, тана ва руҳ ўртасидаги муносабат кабидир. Платонга кўра инсон руҳининг 3 та асоси мавжуд:

1. Ҳайвонлар ва ўсимликларга хос ақлсиз асос. У туфайли тирик мавжудот ўзининг тана эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Руҳнинг мана шу қисми билан одам очлик ва ташналикни сезади. Бу асос инсон руҳининг катта қисмини ташкил этади.

2. Асос азоб ва қийинчиликлар асосидир. Бу қисм билан "одамнинг жаҳли чиқади, ғолиб чиқиш учун қийинчиликларга тайёр бўлади". Платон фикрига кўра, доим мана шу асослар ўртасида кураш кечиби, унинг оқибатлари тушларда намоён бўлади. Платоннинг тушларни тушунтириши кўп жиҳатдан замонавий фикрлардан бири фрейдизмга ўхшаб кетади. Чунки Платон ҳам уларнинг асосида майллар шу жумладан, ҳақиқий майллар ётишини таъкидлаган. Платон руҳ тана ўлгандан кейин ҳам ҳаёт бўлади деб фикр юритади. Унинг ёзишича: "Агар руҳ абадий бўлса, унда руҳ ҳақида нафақат бу дунёда балки кейинги унинг ҳаёти ҳақида ҳам қайғуриш керак. Платон руҳ ҳақидаги ғоясининг етакчи қисми ҳиссиётлардир. Унда Платон биринчи ўринда одамлар учун роҳатланиш ҳисси турмаслигини айтади. Қорамол, от ва бошқа ҳайвонлар учун шундайдир, лекин одам учун биринчи ўрин у ёқда турсин, иккинчи ўринда ҳам турмайди, хатто учинчи ўриндан ҳам анча узоқдир. Платон ўзининг "Филеб" диалогига роҳатланиш, азобланиш ва ҳар иккисининг бўлмаслиги руҳнинг уч хил ҳолатидир деб айтиб ўтади.

Афлотун келгуси авлодларга ҳеч қачон эскирмайдиган мана бу ўғитни мерос қолдирган: "Ҳақиқий ва тўғри фикрлай олувчи файласуфлар давлат тепасига келмагунча ёхуд ҳукмдорлар илоҳий иқтидорлари ила том маънодаги

## ХОРНИ КАРЕН КЛЕМЕНТИНА (1885-1952)



Америка психологи, нейофрейдизм вакили. 1932 йилгача Германияда клиник фаолият олиб борган, сўнг АҚШга иммиграция қилинган. У безовталик, ташвиш, ҳадикка асосланган неврозларнинг ривожланиши инсонлар орасидаги, айниқса, ота-оналар билан болалар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга асосланади. Агар ҳаётий ҳолатлар (кўркиш, меҳрнинг йўқлиги, ҳаддан ташқари эркалаш) болани ташвишланишига олиб келса, у ҳолда ўзида ишончсизлик атрофдагилардан кўркиш каби турғун характер хусусиятлари пайдо бўлиши мумкин. Олиманинг фикрича ҳар бир одам ўз шахсини мукамаллаштира олади, лекин бу табиий хоҳиши ташқи таъсир туфайли юз берса, невротик конфликт пайдо бўлади.

## БАНДУРА АЛЬБЕРТ (1925-1988)



Швецария психологи ва психиатри. 1906 -1913 йилларда З.Фрейд билан ишлаган, кейинчалик классик психоанализдан узоқлашган ва шахсий аналитик психологиясини яратган. Ассоциатив тажриба методларидан бирини ишлаб чиққан, “Комплекс” тушунчасини киритган. Кўп йиллик клиник текширишлар натижасида “Одам руҳиятида фақат индивидуал эмас, балки жамоа ноихтиёрийлик ҳам катта роль ўйнайди, лекин жамоа ноихтиёрийлик мазмунини аждодлардан қолган архитеплар белгилайди” деган хулосага келади. Иккита белги асосидаги характер типологиясини яратди: мақсад йўналиши ва хукмрон функция (тафаккур, ҳис-туйғу, сезги, олдиндан сезиш).

### АДЛЕР АЛЬФРЕД (1870-1937)



Австрия психологи, психоаналитик йўналишнинг йирик намоёниси. 1895 йилда Венада тиббиёт бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган. 1902 йилдан 1911 йилгача Вена психоаналитик жамиятига кирган, 1911 йилдан “Индивидуал психология” деб ном олган илмий мактабга асос солди. А.Адлер ўз таълимотида шахснинг психик ҳаёти, ички яхлитлиги тамойилини ҳимоя қилган. У онглилик ва онгсизлик ўртасида аниқ чегара йўқ деб ҳисоблаган. Ўз фаолияти билан гуманистик психология, болалар ва клиник психология, дефектология соҳаларига катта ҳисса қўшган.

файласуфлик мақомига кўтарилмагунларига қадар инсоният ёвузликдан қутулолмайди”.

**Платон ҳаёти:** Платон тахминан милоддан аввалги 427 йилда Афинада туғилган ва 347 йилда шу ерда вафот этган.

Унинг асл исми Аристокл бўлган. “Платон” унинг лақаби бўлиб, юнонча “кенг елкали”, “бўлали” деган маънони англатади. Бу лақабни унга Сукрот берган. Афлотуннинг оиласи бадавлат бўлмасада, аслзодалар авлодидан эди. Отаси Аристон Афинанинг охириги шоҳи Кодр авлодига мансуб бўлган. Афлотун аслзода Афиналикларга хос бўлган риёзиёт, мусиқа, грамматика ва гимнастикадан таълим олган. Гераклит, Парменид, Зенон фалсафаси билан танишган. Милоддан аввалги 407 йилда Сукрот билан танишган. Сукротнинг ўлимигача унинг энг яқин шогирдлари қаторида бўлган.

Кўп вақтини шеъриятга бағишлаган. Манбаларга кўра, у қатор дostonлар, лирик асарлар, фожеа ва комедияларнинг муаллифи бўлган. Унинг 25 га яқин шеърий усулда битилган миниатюра- эпиграммалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари унинг 23 та асл нусхадаги ва 11та унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, “Сукрот мадҳи” деб номланган нутқи, шунингдек, 13та мактуби маълум. Афлотуннинг суҳбатлари куйидагилардан иборат: “Протагор”, “Федон”, “Парменид”, “Тезет”, “Тимей”, “Критий”, “Лахет”, “Давлат”, “Сиёсатдон”, “Қонунлар”, “Федр”, “Филеб” ва бошқалар.

Афлотуннинг Атлантида тўғрисидаги ҳикояси кейинги маданиятларнинг ҳаловатини бузиб, авлодларнинг ичига ғулғула солди. Унинг ёзишича, 12 минг йил олдин Гибралтар яқинида сирли қитъа мавжуд бўлиб, бир кеча-кундуз ичида денгиз қаърига чўкиб кетган. Афлотун ҳалокатнинг аниқ ўрнини кўрсатмаган, аммо файласуфнинг обрўйи шу қадар баланд эдики, дарҳол ғойиб бўлган атлантлар мамлакатини излашга киришилган. Уни ҳозир ҳам излашмоқда.

Оилавий анъанага риоя этиб, унинг сиёсий фаолиятга тайёрлашган. Бирок тақдир бошқача ҳуки чиқарди. Афина демократияси Спартадан мағлубиятга учради ва Афинадаги ҳокимият қисқа муддатга ўттизта тиранга ўтди. Ўз

навбатида уларнинг ўрнини янги демократик ҳокимият эгаллади, бу ҳокимият 399 йилда Сукротни ўлим жазосига ҳукм қилди, Платон эса унинг шогирди ва издоши бўлган. Эҳтимол шунинг учун Платон сиёсий фаолиятда, жуда бўлмаганда ўша пайтда Афинада мавжуд бўлгани каби турдаги бундай фаолиятда иштирок этмасликка қарор қилган. У бунинг ўрнига сиёсатни қандай қилиб қайта қуриш мумкинлиги билан қизиқа бошлаган. Платон Сукротнинг софистлар релятивизмини назарий жиҳатдан инкор қилишга доир ишини давом эттирган, у бундай оқимни ижтимоий инқирознинг намоён бўлиш шаклларида бири деб қараган эди. Платон идеал давлатнинг оқилона сиёсатини қуриш учун насос бўлиши мумкин бўлган тамойилларни очиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У сиёсий фаолиятда иштирок этиш ўрнига сиёсатнинг ўзини ва у қандай бўлиши керак деган масалани тадқиқ этишга киришди. Бунда Платон ушбу принципаал масалалар хусусида мушоҳада юритар экан, геркча **полисни** назарда тутган эди.

Платон ўзининг сиёсат ҳақидаги ғояларин бир неча марта амалга оширишга уриниб кўрди. Шундай бир уриниш Сицилиянинг Сиракузи шаҳрида ҳукмронлик қилган тиран Дионисий I (тахминан милоддан аввалги 430-367 йиллар) ҳокимияти қошида, бошқаси – унинг ўғли Дионисий II нинг (милоддан аввалги 367-344 йиллар) ҳокимлиги даврида амалга оширилган. Унинг ҳар иккала уриниши ҳам тўла мағлубиятга учради ва Платон Афинага соғ-омон қайтиб кетишга базўр муваффақ бўлди.

Платон Сиракузига қилган саёҳатидан ташқари Жанубий Италия бўйлаб ҳам сафар қилди ва бу ерда пифагорчилар билан танишди. Афтидан, бу учрашув унга жиддий таъсир кўрсатган. Уларни қуйидаги 1)математика барча нарсаларнинг ички моҳиятидир: 2)олам дуалистик тусдадир, бу ғояларнинг ҳақиқий борлиги билан ғояларнинг сояси сифатидаги ҳиссий борлиққа бўлинишда акс этади: 3)руҳ абадийдир ва бир жисмдан бошқа жисмга кўчиб юради деган умумий қарашларни бирлаштирган. Платон ва пифагорчиларга, шунингдек, назарий фан диний мистицизмга бўлган қизиқиш ва аскетик ахлоқ бирдек хос эди.

**СЕЛЪЕ ГАНС (1907-1982)**

Канада биологи ва врач. Умумий мослашув синдроми тушунчасига асосланган стресс ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан. Бу организмнинг психофизиологик ресурсларининг кийин шароитга мослаштирувчи нейрогуморал реакциялар йиғиндиси эканлигини кўрсатган. Тажрибаларда экстремал шароитларда Г.Селье таълимоти асосида стресс турли шаклларга ажратилган ва шу билан бирга психологик стресс тушунчаси шакллантирилган.

**ЮНГ КАРЛ ГУСТАВ (1875-1961)**

индивидуал фарклари каби масалалар билан шуғулланган. Табиий шароитда олий психик жараёнларни биринчилардан бўлиб ўргана бошланган.

### ГАЛЬПЕРИН ПЕТР ЯКОВЛЕВИЧ (1902-1988)



Рус психологи. Унинг илмий фаолиятининг бошланиши умумпсихологик назариянинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ.

Бу назариянинг фундаментал низомлари асосида ақлий фаолият ва тушунчаларнинг босқичма-босқич шаклланиш методини яратди ва тажрибаларда асослаб берди. П.Гальпериннинг ишлари болалар ва педагогик психология соҳасида кенг қўламда экспериментал текширишларни бошлаб берди. Улуғ Ватан уруши даврида П.Гальперин ярадорларда ҳаракатларни тиклашни таҳлил қилиш ишларини олиб борган.

Милоддан аввалги 388 йилда Платон Афинадаги мактаб Академияга асос солди. У ўзи жойлашган жой – ярим худо академга бағишланган қайинзор номи билан аталган эди. Академия 900 йилдан зиёд амал қилиб турди ва император Юстиниан I нинг (483-565) фармонида кўра 529 йилда ёпилди. Бу Рим империясининг таназулга учраган даврида дастлабки христиан монастрларининг оммалашishi билан қарийиб бир вақтда юз берди. 1100-йилларда илк университетлар (Балонья, Париж) ташкил этилган вақтгача айни шу монастирлар жамоалари Ўрта асрлардаги Европа маданий институтларининг асосий таянчи бўлган эди. Шундай қилиб, Платон академиясидан бошлаб ҳозирги университетлар ва “ўқитувчилар ҳамда олимлар сифатидаги академиклар” бир қисми бўлган узлуксиз анъанага асос солинган.

Афинадаги Академияда нафақат фалсафа, шу билан бирга геометрия, астрономия, география, зоология ва ботаникадан ҳам таълим бериларди. Бирок сиёсий таълим марказий ўринни эгаллаган эди. Таълим маърузалар, мунозаралар ва биргаликдаги суҳбатларга асосланарди. Ҳар куни гимнастика машғулотлари ўтказилар эди.

Сукротгача бўлган олимлар асарларининг фақат бир неча парчаларигина бизнинг давримизгача етиб келган. Платондан 30 га яқин кичик ва катта диалоглар, шунингдек, бир қатор хатлар сақланиб қолган. Бундан ташқари, Платонга бағишланган иккиламчи адабиётлар ҳам мавжуд.

Платон таълимотини қайта тиклашнинг қийинлиги сақланиб қолган асарларнинг камлиги билан эмас, балки диалоглар ёзилган услуб билан боғлиқдир. Уларда узил-кесил хулоса ва коидалар йўқ, Платоннинг ўзи эса уларда жуда камдан-кам намоён бўлади. Бундан ташқари, Платоннинг умри мобайнида унинг қарашларининг ўзгариб борганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Одатда Платон диалоглари ичидан уч гуруҳни ажратиш кўрсатишади: 1) илк, «Сукротча» диалоглар; 2) Платоннинг етук доктринасини акс эттирувчи диалоглар (Давлат шунга киради) ва 3) сўнгги даврдаги диалоглари, қонунлар шуларга мансубдир.

Антик психологиянинг энг юкори чўққиси **Арасту**нинг рух ҳақидаги машхур таълимоти ҳисобланади. Машхур файласуф Гегель айтганидек, “биз психологияда эга бўлган яхши нарсалар-бу Арастудан олган нарсаларимиздир. Арасту “О душе” яъни “Жон ҳақида” номли трактида рух муаммосини тизимли ўрганишга бағишланган ўз ғояларини ёритиб беради. Арасту 17 ёшида Платонга шогирд бўлиб тушган. Аммо Платоннинг қарашлари йўлидан бормади. Арастуга кўра, рух органик тананинг шакли. Бу танани Арасту қуйидаги метафора билан тушунтирди, “Агар кўз алоҳида тирик мавжудот бўлса, кўриш қобилияти унинг руҳи бўлар эди. Кўриш қобилиятини йўқотган кўз аслида кўз бўлмайди, у фақатгина кўз деган номни сақлаб қолади, холос. Бундай номни чизилган ёки бирор нарсадан ясалган кўзга ҳам бериш мумкин. Тириклик руҳсиз бўлмайди. Рух танани тирик қилади. Тананинг барча хусусиятлари ўсиш, нафас олиш, фикрлаш асосида рух туради. Бошқача айтганда, тана ва бошқа органлар рух хизматидаги қуролдир. “Тана рух учун мавжуддир”, деб ёзади. Арасту руҳни танадан ажратиб бўлмайди” деган қатъий хулосага келди. Арасту барча руҳнинг характер ва хусусиятларни “энтелэхия” деган махсус тушунчага бирлаштиради. Рух ҳаракат қилмайди, тана ҳаракат қилади, лекин бундай тана руҳлидир. Шу тариқа Арасту Платоннинг тана ва рух ажралиши, руҳнинг қисмларга бўлиниши ҳақидаги ғоясини чуқур танқид қилди.

Материализм ғоялари антик психологияда анатомия ва тиббиётдаги ютуқлари билан мустаҳкамлаб қўйилади. Эр.ав. VI асрда яшаган табиб ва файласуф Алкмеон Кротонский фан тарихида биринчи бўлиб, фикрларнинг бош миёда туғилиши тўғрисидаги тахминни илгари сурди. “Медицинанинг отаси” **Гиппократ** (эр. ав. 460-377 йиллар) Ликсеон каби тафаккур ва сезги органи миё эканини таъкидлайди. Унинг ёзишича, мана шу қисм билан биз фикрлаймиз, яхши ва ёмонни ажратамиз, танамизнинг мана шу қисми билан кўраммиз. Миё соғ ҳолатда бўлгандагина биз соғлом фикрлаймиз”. Гиппократнинг ишлари орасида энг катта шухрат келтиргани темперамент ҳақидаги таълимотдир. Унга кўра, инсон темпераментини организмдаги 4 хил суюқлик: миёдаги шилимшиқ модда, юракдаги жигардаги сафро, қора талокдаги қора сафронинг нисбатини

## ФРАНЦ ГАЛЛЬ ЙОЗЕФ

1758 йилда Австралияда туғилган. Унинг касби врач бўлиб, асосан бош миё функцияларини ўрганган. 1810 йилдан бошлаб миё ярим шарлари устида тажриба ўтказган.

Ф.Галль бош миё харитасини яратди. Унинг фикрича одамдаги ҳар бир қобилият бош миё қобиғида жойлашган. У миёдаги 37 хил қўнғил қобилиятини аниқлаган ва уларни ҳар бирини миё қобиғидаги ўрнини ўрганган. Аффектив қобилиятлар 21 хил бўлиб, улар орқа миёнинг турли жойларида жойлашган. Интеллектуал қобилиятнинг 76 хилини аниқлаб, улар миёга оид нуқталарда жойлашганлигини исботлаб берди.

## БИНЕ АЛЬФРЕД (1857-1911)



Француз психологи, француз экспериментал психологияси асосчиларидан бири, тестология асосчиси. Юриспруденция, тиббиёт, биология бўйича таҳсил олган. 1889 йилда Сорбонада, Францияда биринчи экспериментал психология лабораториясига асос солган. 1894 йилдан шу лаборатория директори бўлган. XX аср бошларида Т.Симон билан бирга болаларнинг ақлий ривожланиш даражасини текширувчи тест яратишга киришган. Бунда хотира, диққат, тафаккурни ўрганиш ишлари умумлаштирилган. Ақлий ривожланиш даражасини ифодаловчи ақлий ёш тушунчасини киритган. Онг ва шахс паталогияси, ақлий толиқиш тушунчавий тафаккур, хотира жараёнларининг

### **В.Д.НЕБЫЛИЦЫН.**

1930-1972 йиллар орасида В.Д.Небылицын томонидан инсон нерв системасининг ишлов тажриба қўлланмасини ўйлаб топган.

В.Д.Небылицыннинг асосий тадқиқотлари нерв системасининг инсонлар характерида бир-биридан фарқ қилиши ва ажралиб туришидир.

### **М.Я.БАСОВ.**

Психологияга улкан ҳиссасини қўшган машҳур рус психологи ҳисобланади. У 1892 йил оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. У ўзининг “Болалар устида психологик кузатиш методикаси” ва “Умумий педалогия асослари” номли асарларини ёзди. Бундан ташқари “Эрк функционал психология предмети сифатида” (1923) М.Басов мактабгача ёшдаги болаларда психологик кузатиш методикасини ишлаб чиқди. Рефлексология тарафдорлари билан бирга ички психик жараёни объектив экспериментал ўрганиш аҳамиятини ва имкониятини исботладилар. Унинг рус психологиясига қўшган улкан ҳиссасидан яна бири у психологияга “фаолият” тушунчасини киритган.

### **РЕНЕ ДЕКАРТ.**

XVII асрнинг энг йирик мутафаккирлардан бири франциялик Рене Декарт (1596-1650) ҳисобланади. Р.Декарт феъл-атворнинг детерминистик концепциясига ва онгнинг интроспектив концепциясига асос солган. Р.Декартнинг фикрича тан ва руҳ бир-бири билан боғлиқ ва улар учинчи субстанция – худо орқали таъминланади.

Р.Декарт ўзининг “Усул ҳақида мулоҳазалар” номли асарида математика, механика ва геометрияга асосланиб билимининг дедуктив усулини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. У мулоҳазакорлик (рационализм)нинг асосчиси ҳисобланади. Унинг фикрича, бизнинг сезги аъзоларимиз ҳамма нарсага шубҳа қилиши мумкин, бироқ менинг фикр қилаётганимга шубҳа қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб, “Мен фикрляпман, демек мен мавжудман” деб ҳулоса чиқаради.

белгилаб беради. Қоннинг устунлиги – сангвиник темпераментига, шилимшик модда устунлиги-флегматик темпераментига, сафро устунлиги-холерик темпераментига, қора сафро устунлиги меланхолик темпераментига тўғри келади.

И.П.Павловнинг фикрича, Гиппократ сон-саноксиз вариантлар ичида инсон хулқини тушунтирувчи назарияга асос солган.

Александрияда маълум вақтгача ўликларни ёриб ўрганишга руҳсат берилиши Александриядаги иккита йирик табиб олим Герофил ва Эразистрантнинг янги кашфиётларига сабаб бўлди. Птолемейнинг шахсий табиби Герофил биринчи бўлиб, нервлар, пайлар ва боғламлар ўртасидаги фарқни аниқлади, кўзнинг тузилишини батафсил таърифлаб берди. Эразистрат бош миянинг тузилишини таърифлаб, катта ярим шарлардаги эгри ва бугриликларнинг кўплигидан одам ақлий жиҳатдан ҳайвонлардан устун туради деган фикрга келди.

Бу барча анатомио-физиологик маълумотларни римлик табиб **Клавдий Гален** (эр .ав. II аср) умумлаштирди ва янгилари билан бойитди. Унинг асарларидан XVII асргача кенг фойдаланилди. Ҳар хил мускулларга боровчи нервларни кесиш билан К.Гален ҳулосага келдики, тананинг нервсиз бирорта қисми йўқ, бирорта ҳаракат, бирорта ҳиссиёт уларнинг иштирокисиз кечмайди.

Экспериментлар орқали К.Гален орқа миянинг функцияларини ҳам аниқлади.

Агар орқа мияни қўндаланг кесса, кесилган жойдан пастда жойлашган барча тана қисмлари ҳаракатчанлиги ва сезувчанлигини йўқотади, деган ҳулосани олим асослаб берди. К.Гален Гиппократнинг темперамент таълимотини янада ривожлантирди. У барча нарсаларнинг 4 хил ҳолати – илиқ, совуқ, қуруқ, нам ва 4 хил суюқлик 13 та темпераментни келтириб чиқаради, деган фикрда эди. Шу темпераментларнинг биттаси нормада бўлиб, 12 тасида нормадан четга чиқиш мавжудлигини К.Гален тушунтирмоқчи бўлди.

Антик мутафаккирлар томонидан тўпланган руҳ ҳақидаги таълимот кейинчалик фаннинг шаклланиши учун замин яратди.

**Арасту (Арасту) ҳаёти:** Қадимий Юнон файласуфи Арасту Фракиянинг Стагира шаҳрида туғилган. Шу туфайли баъзан Арастуни Стагирит деб ҳам аташади.

Арастунинг отаси Никомах Македония ҳукмдори Аминт II нинг шахсий табиби бўлган. Арасту Македониянинг бўлгуси ҳукмдори Филипп билан болалигиданок бирга ўйнаб катта бўлган. У 17 ёшидан 37 ёшигача (367-347) йиллар файласуф Афлотуннинг Академиясида таҳсил олган.

Милоддан аввалги 343 йилдан бошлаб Арасту Искандар Макдуний (Александр Македонский)га мураббийлик қила бошлайди. Искандар Макдуний ҳукмдорлик тахтига ўтиргач, ўз устози ва дўстига атаб ҳайкал барпо этади. Бу ҳайкалнинг пойида шундай ёзувлар бор эди: “Искандар ушбу ёдгорликни Никомахнинг ўғли, буюк донишманд ва авлиё Арасту хотирасига ўрнатди”.

Шарқ асотирларида ёзилишича, бир куни Искандар Зулқарнайндан сўрадилар:

- Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Файлакус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтаради:

- Отам менинг жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтирди.

Арасту пешонасига сочини тушириб, калта соқол қўйиб юрган. Замондошларининг гувоҳлик беришича, лаблари четидаги доимий кинояли табассум натижасида пайдо бўлган ажинлар Арасту ўзини файласуф Афлотуннинг шогирди, деб билишидан дарак берарди. Арасту Юнон илм фани қўлга киритган билимларни эгаллаш борасида Афлотунни ҳатто шоҳ Искандардан ҳам устун қўйган.

Милоддан аввалги 336 йилда Арасту Афина шаҳрида ўзининг хусусий мактабини очди. Бу илмгоҳ кураш мактаблари қаторида ва Афинанинг шимолий дарвозасидаги Ликей майдонларига туташ ерда жойлашганди.

## ЖАН ПИАЖЕ



Швейцар психологи, Женева генетик психологияси асосчиси Ж.Пиаже 1896 йил 9 августда Невшотелда дунёга келди. Ж.Пиаже асосий диққат-эътиборини боланинг фазо, вақт, сон ва сабаб тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда қабул қилиши ва ахлоқий ривожланишига қаратган ҳолда, болалардаги нутқ ва фикрлаш жараёнларини ўрганишга бағишлади. Кейинчалик у интеллектнинг ривожланишини ўрганишга эътибор қаратди.

Олим томонидан қуйидаги асарлар яратилган: “Болалар интеллектининг пайдо бўлиши” (1936), “Бола томонидан реалликни тузиш” (1937). Унинг энг кўзга кўринган асарлари “Бола нутқи ва фикрлаши” (1923), “Генетик эптемологияга кириш” (1949-1950), “Структурализм” (1968), “Генетик психология муаммолари” (1972).

Ж.Пиаже ўсмир ва боланинг интеллектуал ривожланишидаги босқичлар гипотезасини илгари сурди. Унинг гипотезасига кўра интеллектуал ривожланишни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: сенсамотор интеллект (2 ёшгача), деоператор интеллект (6-7 ёшгача), формал амаллар (15 ёшгача). Ж.Пиаже 1980 йил 17 сентябрда Женевада вафот этади.

### **ЛЕВИН КУРТ (1890-1947).**

У 1890 йил 2 сентябрда Позен вилоятида туғилган. У биология, физика, математика, санъат ва адабиётни чуқур билган. Бирок биринчи ўринда доим психология фани у учун муҳим эди.

Унинг ғояларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- воқеа-ҳодисалар олами образи.

- ҳозирги вақт образи.

- психологик қонуният тасдиқловчи изоморфизм тамойили.

Бунда К.Левин психологик ҳодисалар тизимидан фойдаланган. У “Аффект ва психологик ҳаракатда К.Левин методлари” деб номланган асар яратди. Шунингдек, “Муҳит таъсирининг самараси” асари барча томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. У АҚШда “Шахснинг динамик назарияси” асарини яратди. Бундан ташқари “Уруш дунёсининг психологик жиҳатлари” мавзусида тадқиқот ишлари олиб борди.

### **ДАВИД ГАРТЛИ (1705-1757).**

Д.Гартли–инглиз мутафаккири, врач, психолог, ассоциатив психологиянинг биринчи расмий яратувчиси. У барча психик жараёнларни мия тебранишларининг маҳсули деб тушунтирган. Гартлининг фикрича, одамнинг психик олами уларнинг ассоциялари воситаси билан (ҳис этишнинг) “бирламчи элемент”ларининг қийинлашуви натижасида секин-аста яралиб боради.

Ривожланишни юзага келтирувчи кучлар азобланиш ва роҳатланишдир. Механистлигига қарамай Д.Гартли таълимоти психикани материалистик тушунтиришда олдинга йирик қадам бўлди; у этникага, эстетикага, мантикка, педагогикага, биологияга таъсир этди. Д.Гартли таълимоти маслакдоши Дж.Пристли эди.

Арастуни хаяжонга солувчи муаммолар фавқулодда қизиқарли ва теран эди. Масалан: инсон энг аввало ўзининг севиши керакми ё бошқаними, деган савол уни кўп ўйлантирарди. Ўзини кўпроқ севган одамни худбинликда айблайдилар. Бошқа томондан олиб қаралганда эса, инсон аввало ўзининг энг яқин дўсти бўлган кимсани кўпроқ кадрлаши ва севиши лозим, дейилади. Ваҳоланки, ҳар бир одамнинг ўзидан ўзга садоқатли дўсти борми дунёда? Демак, инсон аввало ўзини ҳурмат қилиши ва севиши лозим, деб фикр юритади Арасту.

Агар файласуф Зенон Элейский Арастуга замондош бўлганида шу сўзлари учун унга таъзим қилиши турган гап эди.

Арасту ҳавас қиларли даражада ўткир зехн соҳиби бўлган.

У 445270 сатрдан иборат 28 та китоб ёзган. Файласуфнинг “Методика”, “Метафизика”, “Жон ҳақида”, “Поэтника”, “Осмон ҳақида”, “Физика”, “Риторика”, “Севги ҳақида”, “Уйку ва бедорлик ҳақида” асарлари шу китоблар сирасига киради.

Эпикур айтадики: Инсонлар ё ҳасад, ё кўролмаслик, ёки нафрат туфайли бир-бирининг дилини оғритадилар. Доно киши эса ақл идрок ила буларнинг барчасидан устун туради. Доноликка эришган одам ҳатто атайин уринса ҳам бунинг аксини қилолмайди.

Сезги ҳеч қачон алдамайди. (Эпикур беқарор ва юзаки сезгини барқарор ва умумий саналмиш фикрга қарама-қарши қўйган қадимий фалсафа акидаларини рад этган. У сезгини ҳақиқатнинг мезони деб ҳисоблаган.)

Донолик ҳамма нарсанинг ибтидоси ва буюк эзгуликдир. Шу боис у ҳатто фалсафадан ҳам қимматлироқдир.

### **Эпикур ҳаёти: (милоддан аввалги 341-270 йиллар)**

Юнон файласуфи Эпикурнинг ватани – Лампаска шаҳри бўлиб, Афинадан Самос оролига кўчиб ўтган оилада туғилган. Эпикур Афлотуннинг шогирди Памфил қўлида таҳсил олган. Донишманд милоддан аввалги 310 йилда Лебосдаги Митилен шаҳрида, 306 йилдан ўлимига қадар Афинадаги ўз “БОҒ”ида талабаларга фалсафадан сабоқ берган. Бу боғ Эпикурчиларнинг

мукаддас даргоҳига айланган. Эпикур умри давомида ҳеч қачон ўзгаларнинг фикрига таянмасликка ҳаракат қилган. Жами 300 га яқин асар ёзган, бироқ улар бизга қадар етиб келмаган. Эпикурнинг таълимотига асослари баён этилган учта мактуби ва баъзи қўлёзмаларидан парчаларгина сақланиб қолган.

Донишманд умрининг сўнгги 14 кун давомида буйрагидаги тошдан қаттиқ азоб чеккан. Ривоятларга қараганда, у иссиқ сув тўлдирилган жомга ётиб ўткир шаробни симирган-да, дўстларига сабоқларини унутмасликни васият қилиб, ҳаётдан кўз юмган.

Кейинчалик Эпикур ғоялари Лукреций томонидан такомиллаштирилди. Куйида Лукрецийни бир нечта фикрларини мушоҳада учун келтириб ўтмоқчимиз.

- Бир қарашда улугвор ва ажойиб кўринган ҳар қандай нарсанинг жозибаси кўзимга вақт ўтиши билан озайгандек кўринаверади.

- Вақт илдамлагани сайин буюмларнинг моҳияти ҳам ўзгара боради.

- Қалбни ҳам жисм каби даволаш мумкин.

- Жисм улғая боргани сайин руҳий сифатлар ҳам такомиллаша боради.

- Сарик касалига чалинган бемор қаерга қарамасин, ҳамма нарса кўзига сарик тусда кўринади.

- Ҳеч нарса яқка ҳолда ривожлана олмайди.

#### **Лукреций Тит Кар ҳаёти: (милоддан аввалги 99 – 55 йиллар)**

Қадимги Юнон шоири ва файласуфи Лукрецийнинг туғилган ери, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи хусусида аниқ маълумотлар йўқ. Унинг асл исми Тит, лақаби Кар бўлган. Лукрецийнинг таълимоти ва дунёқараши файласуф Эпикурнинг издоши бўлганидан далолат беради.

Тарихий манбаларга қараганда, Лукреций ўз жонига қасд қилиб, ҳаётдан кўз юмган. У биринчи бўлиб, фалсафа фанига материя атамасини киритади. Бу атама латинча mater – “она” сўзидан олинган.

#### **ПАВЕЛ ПЕТРОВИЧ БЛОНСКИЙ (1884-1941).**



П.Блонский ўз ижодиёти жараёнида хотира унинг ҳар хил фойдали томонларини билиш уларни ўрганишга бўлган қизиқиш уни болалар ва катталар хотира ва хаёлидаги нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилган. Ёш педагогика ва педалогия ҳақидаги кўпгина изланишлар унинг ижодига тааллуқли. У болани ҳар томонлама ўрганишда тўғри ёндошиш ғоясини илгари сурган. П.Блонский хотиранинг филогенетик ривожланиши тушунчасига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Онтогенезда хотиранинг барча турлари жуда ҳам эрта тикланади ва аниқлик даражаси паст бўлади. Шундан кейин мантикий хотира яъни, “хотира-ҳикоя” тикланади ва иш фаолиятини бошлайди, деб айтиб ўтган. У бир қанча асарлар муаллифидир, яъни “Педалогия”, “Хотира ва унинг болалик даврида ривожланиши”, “Болада тафаккурнинг ривожланиши”(1935 й.), “Хотира ва тафаккур” 1935 й.

Бундан ташқари, П.Блонский фикрлаш қобилиятини ривожлантириш йўлида бир қанча илмий ишланмаларни ишлаб чиққан.

## ЛОМОВ БОРИС ФЕДОРОВИЧ (1927-1989).



У 1927 йил 28 январда Горький шаҳрида туғилган. 1959 йил мамлакатда биринчи бўлиб муҳандислик психологияси лабораториясини ташкил қилган. “Психологик журнал”нинг бош муҳаррири ҳамда “Вопросы психологии” журналида таҳририят аъзоси бўлиб ишлаган.

1968-1983 йилгача Россия психологлар жамиятини бошқарган. Психологиянинг умумий назарий муаммоларини комплекс ёндошув асосида ўрганган. Асосан муҳандислик психологияси ва билиш жараёнлари психология соҳаларида илмий тадқиқот олиб борган.

Асосий асарлари: “Ўқувчиларда график билим, малакаларни шакллантириш” (1959 й.), “Билиш жараёнлари ва меҳнатда хид билиш” (1959 й.). Ломовнинг асосий илмий тадқиқотлари «Инсон-техника» тизимидаги ўзига хос хусусиятларни муҳандислик фаолиятининг муаммоларини, хусусан нервий толиқишнинг меҳнат самарадорлигига таъсири, профессиограммаларини тузиш каби муаммоларни чуқур ўрганган.

## ЕВРОПАДА УЙҒОНИШ ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Платон билан Арасту яратган руҳ ҳақидаги таълимот ўрта асрларда – Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди. Психологиядаги бу оқим кейинчалик (XVIII асрда) метафизик ёки рационалистик психология деб ном олади.

Бу психология шунинг учун ҳам метафизик деб аталадики, унинг текшириш предмети бўлган–руҳ, психик жараёнлар–физик хиссий дунё чегарасидан ташқарида мавжуд моҳият, ғайри жисмоний бир нарса деб тушунтирилади; шунинг учун ҳам рационалистик деб аталадики, унинг текшириш методи тажрибадан ажратилган фақат қуруқ мулоҳазадан иборат эди.

Ўрта аср мутафаккирларининг руҳ ва руҳий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, асосан, руҳнинг моҳияти, унинг кучи, қобилиятлари ва келиб чиқиши, унинг тана ўлгандан кейинги тақдири ҳақидаги, руҳнинг танага бўлган муносабати ҳақидаги масалаларга қаратилган эди.

Руҳнинг моҳияти ҳақидаги масала, одатда, Платон ва Арастуларда қандай ҳал қилинган бўлса, худди шундай ҳал қилинар эди. Руҳ ўз табиатига кўра барча моддий ва жисмоний нарсаларга қарама-қарши қўйилар эди. Руҳ ўз табиатига кўра алоҳида қобилиятларга эгадир, деб фикр юритиларди.

Шунингдек, ўрта аср мутафаккирлари ирода масаласига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Масалан, Августин биринчи бўлиб кишининг бошқа руҳий қобилиятлари орасида ироданинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритган.

Оловнинг ғаройиб сифатларини ким тушунтириб бера олади? Нега энди у ўзи ёруғ бўла туриб, домига тушган нарсаларни қорайтириб юборади? Ёки гулханда тобланган тошларнинг оқариш сабабини қандай изоҳлаш мумкин?–дея қуйидаги ўзининг мулоҳазакор фикрларини илгари сурган:

Сукунат–шовқиннинг, яланғочлик–либоснинг, хасталик–саломатликнинг, зулмат – ёруғликнинг йўқлигидан дарак берганидек, ёвузлик эзгуликнинг йўқлигини билдиради.

- Ўзгалар сени олқишлаганда, сен ўзингдан нафратлан. Сени сен орқали ҳаракат килмоқчи бўлганлар олқишлайди.

**Августин Аврелий ҳаёти:** *Августин 354 йилда Шимолий Африкадаги Тагаст шаҳрида туғилди. Унинг онаси христиан отаси эса мажусий эди. Августиннинг ўсмирлиги Карфагенда қайғусиз ўтди.*

*Августин улғайгач, Карфагендаги нотиқлик мактабида уч йил давомида таҳсил олди. Ана шу вақт ичида у Цицероннинг фалсафий қарашларини катта қизиқиши билан ўрганди.*

*Августин 375 йилдан бошлаб 8 йил давомида нотиқлик санъати бўйича талабаларга сабоқ берди.*

*384 йилда у Италияга йўл олди ва Милан шаҳридаги нотиқлик мактабида муаллимлик қилди. Бу ерда насронийлик динига кириб, уни чуқур ўрганишга киришди.*

*388 йили Августин Африкага қайтиб, орадан уч йил ўтгач, ўзини буткул диний илмларни ўрганишга бағишлади ва кўп вақт ўтмай Гиппон шаҳрининг епископи Валерий ҳомийлиги остида руҳонийликни қабул қилди.*

*395 йил епископ Валерийнинг ўлимидан сўнг, Августин Гиппондаги епископлик кафедрасига етакчилик қилиб, 34 йил – умрининг сўнгги дамларигача шу ерда ишлади.*

*У тинмай мутолаа қилар ва шунга яраша ўта маърифатли, билимдон эди.*

*Августин ўзидан жуда бой маънавий мерос қолдирди. Файласуф 75 ёшига қадар умумий ҳажми 232 та китобга эва бўлган 90 та трактат ёзиб улгурди. Булардан атиги ўнтасигина бизга қадар етиб келган.*


*Маишхур қомусий олим Исидор Севилский (570-638) Августин ҳақида шундай деб ёзган эди: “Августин тафаккурни ва билими жиҳатидан ҳаммадан устундир”.*

*Чунки ҳатто кечасию кундузи ҳаракат қилган тақдирда ҳам ҳеч ким у каби кўп ёзаолмайди ва ўқий олмайди.*

*Дастлаб Августин ўз даврининг маишхур диний оқимларидан бири- манихейлик билан танишиди. Манихейлик дунёда эзгулик ва ёвузлик дуализми ҳақида таълим беради ҳамда инсон икки руҳга эга бўлиб, улардан бири эзгу ва ёруғ, иккинчиси эса ёвуз ва қора дея уқтиради. Ҳар бир инсоннинг ҳаракатлари мана шу икки руҳнинг тўқнашуви натижаси бўлиб ҳисобланади. Августин бу таълимотни қабул қилди – у бу дунёда ёвузликнинг мавжудлигини тушунтирарди. Аммо бу кўпга чўзилмади, чунки манихейлик Августин интилган маънавий ҳаёт учун куч бермасди. Августиннинг бу оқимга қизиқиши интеллектуал жиҳатдан ҳам йўқотди. Манихейликдан қайтгач, у скептицизм тарафдорлиги қаторига кўшилди.*

*Аммо скептицизм ҳам Августинни қониқтирмади ва у неоплатонизмга юз бурди. Августин неоплатонизмда ёвузлик ҳақидаги саволга маъқул жавоб топди. Маънавий ҳаётни*

## **БЮЛЕР КАРЛ (1879-1963).**



Б.Карл Австрия-Германиялик психолог. У Вербург мактабида тафаккурнинг амалий методикаларини ўрганиш дастурини ишлаб чиқди. Биринчи жаҳон урушидан кейин болалар психологиясининг ривожланиш муаммоларига эътиборини қаратди. Унинг кўпгина тадқиқотлари нутқ ва миянинг назарий ва амалий психологик муаммоларига бағишланган.

## **ТОМАС ГОББС (1588-1679).**

У “Тафаккурни фикр қилувчи материядан ажратиш мумкин эмас” деган гоят муҳим фикрни илгари сурган. Унинг фикрича олам механик ҳаракат ва ҳаракат қонунларига бўйсундирилган жисмлар мажмуидир. Т.Гоббс табиий-илмий методологияга асос солган. У инсон психикаси, унинг механик қонунларига сўзсиз бўйсунди. Т.Гоббс руҳ мустақиллигини тан олмаган.

ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбатан намоён бўлиш хусусиятини очишга интилган.

Э.Торндайк организмнинг жавоб реакцияси йиғиндисини – хулқ, кўзгалувчиларининг мураккаб тизимини вазият, ташқи шароит эканлигини тушунтиради. Шунинг учун инсон онги билан эмас, балки вазият билан бошқариладиган ғояни илгари сурган. Натижада инсон рухий дунёси механик равишда реакциялар йиғиндиси билан тенглашиб қолади.

Э.Торндайк 1912 йил Америка психологлари ассоциацияси президенти этиб сайланди. У фаолияти давомида 500 дан ортиқ илмий асарлар ёзган. У 1949 йилда вафот этган.

#### **МАК-ДУГАЛЛ УИЛЬЯМ (1871-1938).**



Америкалик психолог. Мак-дугалл одамларнинг ижтимоий хулқ-атворини тушунтириб берган ва унинг асосида ирқнинг устунлигини ҳимоя қилган. У илмий генетикага қарши чиқиб, орттирилган аломатларнинг наслдан-наслга ўтишини исботлашга ҳаракат қилди.

*неоплатонча реал тушуниши ҳам Августинга маъқул келди. У Платон ва Плотинни ўрганишдан интеллектуал ором топди.*

*Аmmo унинг шахсий тажрибаси “тўғри тушуниши тўғри ҳаракатларга олиб боради”, деган неоплатонча тафаккурга ишончига зид келиб қолди. Зотан, Августин ўзи тўғрилигини биладиган ҳаётни бошдан кечиршига қодир эмаслигини англади.*

*Шу билан бир вақтда, Августин христианлар назарий жиҳатдан ундан заиф бўлишида, маънавий жиҳатдан ундан кучли эканликларини ҳам тушунарди. Шунинг учун Августин христианлар назарий жиҳатдан Августинни қониқтирмасида, юксак боҳоларди. Умрининг ушбу босқичида у риторика муаллими сифатида Миланга саёҳат қилди. Бу ерда Августин епископ Амброзий (Ambrose, 339-397)нинг ваъзалари таъсирида қарийиб ўттиз ёшида христианликни қабул қилди.*

*Августин Шимолий Африкага қайтиб келди ва епископлик қила бошлади. Бутун қолган умрини у черковга бағишлади. Августин 430 йилда, яъни вандаллар Фарбий Рим империясига бостириб кирган даврда вафот этди.*

*Августин лотин тилида жуда кўп китоблар яратди. Шулардан фақат энг машҳур тўрттасини тилга олиб ўтаемиз.*

*“Академикларга қарши” унда Августин скептицизмни рад этади ва ўзининг скептицизм билан қизиққан даврини танқид қилади.*

*“Эркин ирода ҳақида”, унда ёвузлик муаммоси ва ирода эркинлиги муҳокама қилинади.*

*“Ваъз” Августин унда ўз ҳаётидаги мураккаб маънавий курашларни очиб беради.*

*Бу китобда илк грек антик давридан тугаб бораётган христиан антик даврига ўтиши кўрсатилади. Августин унда рационал грек фуқороси бўлиб, эмас балки алоҳида индивид, ҳистуйғулар ақлдан устун келувчи руҳ ва тананинг ички курашига берилган шахс сифатида намоён бўлади.*

*“Худо шахри ҳақида” асарида Августин тарих ҳақидаги ўз тасаввурини ва икки шахар “Подшолик” Замин шахри ва Худо шахри ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқади.*

Ироданинг устунлиги ҳақида, айниқса, Дунс Скотт (1265-1308) нинг таълимоти жуда яққолдир. Унинг айтишича, ирода ақлдан ҳам юқори туради.

Бутун ўрта аср тарихи мобайнида, ундан кейин ҳам, фалсафа ва психологияда ирода эркинлиги ҳақидаги тортишувлар жуда катта ўрин эгаллади. Бу масала бўйича V асрдаёқ иккита оқим – детерминизм ва индетерминизм пайдо бўлган.

**Детерминистлар** инсон иродаси ҳам, дунёдаги ҳамма нарсалар сингари, сабабият қонунига бўйсунди, бинобарин, инсоннинг барча иродавий

ҳаракатлари ҳам эркин эмас, балки зарурият билан, ўз сабаблари билан белгиланади, деб ўз ғояларини илгари сурадилар.

**Индетерминистлар**, аксинча, инсон иродаси ва унинг ҳатти-ҳаракатлари ҳар қандай сабабиятдан холи ҳамда заруриятга боғлиқ эмас, деб таълим бердилар. Индетерминизм соф идеалистик таълимот эди. Детерминизмда эса идеалистик тенденциялар ифодаланган эди.

Умумий ва мавҳум тушунчалар ҳақидаги масала ҳам ирода эркинлиги ҳақидаги масаладан кам тортишувларга сабабчи бўлмайди. Бунда икки оқим: реалистлар ва номиналистлар ўртасида тортишув кетади.

**Реалистлар** – умумий тушунчалар (“универсаллилар” ўша вақтда шундай деб аташарди) реал, объектив ҳолда мавжуддир ва инсон ақлида якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда акс этади, деб даъво қилдилар. Шундай қилиб, реалистлар фақат Платоннинг нариги дунё ғоялар дунёси ҳақидаги, ҳар бир киши ақлидаги бу ғояларнинг туғма эканлиги ҳақидаги таълимотини такрорладилар, холос.

Реализм илк бора ўрта асрлар фалсафасида ҳукм сурди. Ўрта асрларнинг раванқ топиш даврида (тахминан 1250 йиллар) Фома Аквинский мўътадил реализм ғоясини илгари сурди. Универсалиялар Худонинг фикрлашида, якка нарсаларда ва инсон тафаккуридаги абстракция тарзида мавжуд бўлади. Аммо тугаб бораётган ўрта асрларда биринчи ўринга номиналистлар, масалан, Оккам ва кейинроқ Лютер кўтарилди.

**Ф. Аквинский ҳаёти:** *Фома Неаполь шаҳри яқинидаги Аквино қишлоғида дунёга келди. У Монте Кассино бенедиктчилар монастирида тарбияланди, Неаполь университетиди таҳсил олди. Ота-онасининг истаги қарши ўлароқ, у яқинда ташкил қилинган доминиканлик орденининг монахи бўлди.*

*Унинг отаси граф Ландольф Аквинский қирол Фридрих 2 саройида рицар бўлган.*


*Фома Неаполь дорилфунунининг тайёрлов қуллиётида фалсафа ва мантиқ илмини ўрганди. У 17 ёшида Парижга жўнади ва уч йил давомида ўз даврининг ниҳоятда машҳур олими Буюк Алберт фон Болшедт қўлида таҳсил олди.*

*Фома 1249 – 1251 йилларда устози Буюк Албертга эргашиб, Кёльн шаҳрига боради ва у ерда талабаларга илоҳиётдан сабоқ беради. 1252 йилда эса Парижга қайтади ва Париж дорилфунунинида йирик илоҳиётчи олим сифатида иш бошлайди. Орадан кўп ўтмай шогирд*

А.Ф.Лазурский қизиқишлари интеллектнинг тузилиши анатомияси ва физиологиясидан психологик тадқиқотларга кўчган. Ўз экспериментал тадқиқотларида у ўша давр психология муаммоларидан ҳисобланган хотира ҳажмини ассоциацияларини пайдо бўлишига эътибор қаратган. 1897 йилда ўзининг “Индивидуал психологиянинг ҳозирги кундаги ҳолати” номли китоби нашрдан чикди.

1906 йилда “Характерлар хусусидаги илк очерк” номли илк йирик ишини минг нусхада нашр қилган. Унинг “Шахс классификациялари” номли китоби ниҳоясиз қолиб кетди.

### ЭДВАРД ЛИ ТОРНДАЙК (1871 – 1949)




У бихевиоризм асосчиларидан бири ҳисобланади. У ўзининг илк тажрибаларини меҳрибонлик уйлари болалари билан ўтказган. Университет маъмурияти болалар билан тажриба ўтказишни маън қилади ва у кейинчалик ҳайвонлар билан тажриба ўтказди.

У дунёдаги биринчи экспериментал зоопсихология лабораториясини очди. У дастлаб жўжалар кейинчалик ит ва мушуклар билан тажрибалар ўтказди. У ўз тажрибаларининг натижалари асосида 1898 йилда “Ҳайвонлар интеллекти ёки ҳайвонлардаги ассоциатив жараёнларнинг экспериментал ўрганилиши” номли докторлик диссертациясини ёклади.

У ўзининг изланишларида хулқ мотивациясининг «қуёи даражалари»ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик,

## БЕХТЕРЕВ ВЛАДИМИР МИХАЙЛОВИЧ (1857-1927)



В.Бехтерев 1885 йилда Россиянинг Қозон шаҳридаги университетда биринчи экспериментал лабораторияга асос солган. Университетда Россиядаги биринчи психологик лабораторияга асос солган. У психологик жараёнларнинг физиологик асосларини чуқур ўрганган.

1907-1912 йилларда В.Бехтеревнинг “Объектив психология” китоби нашрдан чиқди. Китоб немис, француз, инглиз тилларига таржима қилиниб, замонавий психологик билимлар ривожига муҳим ўрин эгаллади. В.Бехтерев психологияни фақат хулқ-атворни ўрганадиган фан деб ҳисобламади, аксинча онгни инкор этмаган ҳолда унга катта имкониятларни очиб берди.

## АЛЕКСАНДР ФЕДОРОВИЧ ЛАЗУРСКИЙ (1874-1917)

А.Ф.Лазурский дифференциал психологиянинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Петербургда у В.Бехтерев раҳбарлигида анатомио-физиологик лабораторияда даволаш ва амалиёт жараёнини бир-бири билан қўшиб олиб борган ҳолда психик бузилишларга мубтало бўлган болалар уйида ҳам фаолият олиб борган.

устозидан ўзиб кетади. Фома Буюк Албертни йўлда қолдириб, ўз илми билан ҳаммани ҳайратга солди. Дунёнинг турли бурчакларидан кўлаб насроний ўспиринлар унинг ҳузурига оқиб кела бошлашади.

Ўта мулойимлиги ва ювошлиги учун Фомага “фаришта доктор” деб ном беришган.

Фома 1272 йили Италияга жўнайди ва қадрдон Неаполь дорилфунунда илоҳиётдан дарс бера бошлайди. Шуниси ҳайратланарлики бу илоҳиётчи олимнинг илмий асарлари лугати қарийб 13000000 атамадан иборат. Бу рақамнинг салмоғини англаб етишингиз учун мана бу даллиларга диққат қилинг:

- рус тили илмгоҳининг маълумотларига қараганда, рус тилида жами 440000 та сўз мавжуд:

- сермахсул ижодкор А.С.Пушкиннинг асарларида жами 60000 та сўз ишлатилган.

20 ёшида Фома Париж университетида таҳсил олиш учун йўл олди ва маълум вақт Кёльнда бўлгач, бу ерга яна таҳсилни давом эттириш учун қайтиб келди.

1245-1248 йилларда у христианлик билан аристотелизмни бирлаштириши устида иш олиб борган Альберт Буюкнинг қўлида таҳсил олди.

Фома бир умр ишлаб ва ўқиб ўрганиши учун саёҳат қилиб яшади. У салкам 50 йилгина умр кўрганига қарамай жуда кўп асарлар яратди. У 1323 йилда ўлимидан сўнг 49 йил ўтиб черков томонидан илоҳийлаштирилди. 1879 йилда унинг таълимоти Рим католик черковининг расмий фалсафаси сифатида тан олинди.

Фоманинг энг машҳур асарлари бўлиб, “Теология суммаси” ва “Католик этиқодининг мажусийликка қарши ҳақиқатлари суммаси” номли теология бўйича дарсликлари ҳисобланади. Бу катта ва тез ёзилган асарларга қўшимча равишда у фалсафий ва теологик мазмунда жуда кўп асарлар яратди. Улар орасида “Библияга шарҳлар”, “Князлар ҳукмронлиги ҳақида” ва “Баҳсли масалалар” асарлари ҳам бўлиб, улар ёвузлик, ҳақиқат, руҳ ва бошқа шу каби муаммоларни кўтаради.

Фоманинг қуйидаги асарлари бизгача етиб келган:

“Тафаккурнинг яхлитлиги хусусида ибн Рушдга қарши мулоҳазалар”, “Оламнинг мангулиги ҳақида вайсақиларга қарши мулоҳазалар”, “Мўъжизалар хусусида”, “Оллоҳнинг қудрати хусусида”, “Фаришталар хусусида”, “Иблислар хусусида”, “Табиатнинг сирли ишлари хусусида”, Арастуни “Метафизика китобига шарҳ” ва хоқозо.

Фома 1274 йилнинг баҳорида вафот этди.

Анзельм Кентербенский (1033-1109й) ва Шамполик Вильгельм (1121-1170 й)лар ҳам реализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари эди.

**Номиналистлар** умумий тушунчаларни фақат предметларнинг номларидир, деб ҳисоблайдилар. Реалистларга қарама-қарши ўларок, номиналистлар фақат индивидуал сифатларга эга бўлган алоҳида-алоҳида нарсаларгина реал мавжуддир, деб даъво қилдилар.

Номиналистларнинг таълимотларида баъзи бир ўрта аср мутафаккирларининг материалистик тенденцияларида ҳам ифодаланган. Номинализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари И.Росцелин (1050-1125 й), Дунс Скотт (1265-1308 й), Уилям Оккам (1281-1349 й)лар эдилар.

**Уилям Оккам ҳаёти:** *Инглиз файласуфи Уилям Оккам Лондоннинг жанубий ғарбида жойлашган Оккам шаҳарчасида туғилиб ўсди.*

*У Оксфорд дорилфунунининг илоҳиётчи олими Дунс Скотт (1266 - 1308) қўлида таълим олди. Уилям 1324 йилга қадар Оксфорд дорилфунунини тахсил олди ва ўқитувчилик қилди. Бу илм даргоҳида тез-тез илмий мунозаралар, муҳоҳаса, ҳимоялар ўтказилиб туриларди. Илмий баҳсларда одатда талабалар ўзларининг муайян фикрларини ўртага ташлашар, бошқа қатнашчилар эса унга эътироз билдиришарди. Талаба ўз фикрини қаятий ҳимоя қилиб, уларга муносиб жавоб бериши мунозара шитирокчиларининг асосий шартини ҳисобланарди.*

*Бундай баҳслар одатда кескин, ҳаяжонли бир вазиятда ўтар ва кўпинча муштлашув билан тугарди.*

*Уилям илоҳиёт магистри даражасига эришган олим. У фан тарихида янги услубий қоидалар муаллифи сифатида ном қолдирди. Файласуфнинг бу қоидалари кейинчалик “Оккам устараси” деб ном олган. Оккамнинг машҳур “устараси” ўсимликнинг ортиқча новдаларини кесиб ташловчи тоққайчи каби билиши, англаш дарахтидаги текинхўр атамаларни йўқотишга хизмат қилган. Оккам илмий билиш услубида оддийлик, соддалик тамойилларига риоя этишини афзал ҳисоблаган.*

*Оккам 1323 йилда Оксфорд дорилфунунини канцлери билан жанжаллашиб қолади. Канцлер файласуфга қатор айблар тақаб, папа Иоанн XXII га хабарнома йўллайди. 1324 йилда Оккам папа Иоанн XXII нинг Авинондаги қароргоҳига жўнатилади. У Авинон ибодатхонасининг турмасида тўрт йил суд ҳукмини кутиб ётади ва 1328 йилнинг май ойида олмон императори Людвиг IX Баварский хузурига қочиб боради. Файласуф умрининг охиригача Олмонияда яшайди. 1349 йили Уилям Оккам Мюнхен шаҳрида вабо билан оғриб, вафот этади.*


Бизнинг билимимиз сезгилар туфайли ҳосил бўлади – дейди Оккам.

Айрим психик жараёнларни тушунтиришда ҳам баъзи бир психологларда материалистик элемент ва тенденциялар намоён бўлди. Масалан, Ўрта Осиёлик шифокор ва файласуф Абу Али ибн Сино (980-1037 й) ва араб мутаффакири ибн Рашид (1125-1198 й)лар Аристотелга эргашиб, “сезувчи рухнинг ҳаракатланувчи ва жозибатор кучларини” ўрганиш учун ҳаракат қилдилар.

функциянинг асосий динамикасини кўрсатиб ўтди. У ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида инсон шахсини ўрганишга асосий эътибор қаратганлиги туфайли мазкур тадқиқотларни умумлаштириш мақсадида 1962-1966 йилларда “Инсон билиш предмети сифатида” номли китоби устида ишлади.

1962 йил Россияда биринчи бўлиб ижтимоий психология лабораториясини очилишига ўз хиссасини қўшди.

### ДЖЕМС УИЛЬЯМ (1842-1910)



Америкалик файласуф ва психолог. Джемс Уильям идрокнинг назарий жиҳатдан шундай дейди: “Идрок жараёни мия марказига қаратилган”.

Унинг тадқиқотлари ва изланишлари натижасида, ташқи муҳитга мослашиш билан бирга, инсон психикасига таъсирини, организмдаги ўзгаришларни ўрганиб чиқди. У тадқиқотлари давомида эмоцияни назарий жиҳатдан ўрганди. Шу билан бирга қўрқин, хурсанд бўлишни, физиологик ўзгаришларни шунингдек, ички туйғуни исботлаб берди.

безлари ва танамизда эмоционал ҳолатлар инсон ҳаётида катта роль ўйнашини исботлаб берган. У биринчилар қаторида ҳар хил эмоционал кечинмалар туфайли инсон вужудининг ташқи тузилишининг ва ички органларни ўзгаришининг бир-бирига жуда ўхшаш бўлган бу эмоционал ҳолатларни таърифлаб бўлмайдиган даражада инсонни ўзгаришини далиллар асосида тавсифлаб берган.

### **БОРИС ГЕРАСИМОВИЧ АНАНЬЕВ (1907 -1972)**



У 1907 йил 1 августда Владикавказ шаҳрида туғилган. У Ленинград Давлат институтида руҳиятни ўрганиш бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Б.Ананьев Россияда биринчи бўлиб “Психология” мактабини яратди.

У 1935 йил “Педагогик баҳонинг психологияси” номли монографияни ёзди. 1947 йилда эса “XVIII-XIX асрда рус психологияси тарихининг очерки” номли монографиясини ёзди. Б.Ананьев уруш йилларида “Рус психологияси анъанасининг бошланиши”, “К.Д.Ушинский – улуғ рус психологи”, “Хусусият ислохотларининг муаммолари” номли асарларини яратди.

1957 йил 50 ёшида “Инсон – замонавий фанининг муаммоси” номли ҳамда “Ўсмирлик психологиясининг тузилиши” ҳақида асарларини яратди. У асарларида асосий эътиборни ёши катта инсонлардаги психофизиологик

Улар сезгиларни келтириб чиқарган кўзғовчилардан фарқ қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўядилар, онг фаолияти билан физиологик жараёнлар ўртасида яқин алоқа ва боғланишлар ўрнатишга интиладилар.

Қадимги Россияда китоб маданияти бошланиши билан (X-XI асрларда) психология соҳасида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларида қандай таркиб топган бўлса, худди ўша ҳолда фикр ва билимлар тарқала бошлайди.

Бу билимларнинг энг муҳим манбаи Византия мутафаккирлари Иоанн Дамаскнинг (673-777 й) грек тилидан славян тилига таржима қилинган “Диалектика” ва “Ҳақиқий иймон ҳақида” деган асарлари эди.

И.Дамаскин таълимотига кўра, руҳ алоҳида илоҳий субстанциядир. У сўз, ақл-идрок ҳамда эркин иродага эга бўлган ғайри жисмоний, оддий, тирик ва абадий моҳиятдир. Аини вақтда руҳ инсон танаси билан бирикиб битта мавжудотни ташкил қилади. Уни инсоннинг ўсиш ва кўпайиш каби функцияларидан ажратиш мумкин эмас. Руҳ тана органларидан ўз қуроллари сифатида фойдаланади ва хулқ ҳамда хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Аини вақтда Дамаскин руҳ танага боғлиқ: масалан, у биологик ўсишга ва бошқа ташқи сабабларга қараб ўзгаради деб таъкидлайди.

Бироқ Дамаскин руҳ ва тананинг бирлигини яширин, қандай бирлашганлиги сирли бир ҳодиса ва инсоннинг ақли буни билишда ожизлик қилади, деб ҳисоблайди. Бу фикрларда Аристотелнинг таъсири ва ҳиссаси кўриниб турибди.

Рационалистик психология фан таракқиётидаги босқичлардан биридир. Ҳозирги вақтда бу психологияни билиш тарихий жиҳатдан кизиқарли, холос. Бу психология қандайдир илмий ёки амалий аҳамиятга эга эмас. Шу психология негизда ишлаб чиқилган терминологиянигина ундан қолган мерос деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрта асрларда психология фалсафанинг бир қисми эди. Фалсафанинг эса мустақил аҳамияти йўқ эди: у йотеологиянинг–диннинг хизматкори деб ҳисобларди. Психологик таълимотлар ҳам шулардан келиб чиққан эди, чунки фақат мулоҳаза қилиш йўли билан диннинг баъзи қонун-қоидаларини– руҳнинг

абдийлиги, одамнинг келиб чиқиши, нариги дунёдаги ҳаёт ва ҳақозоларни асослаш мумкин эди.

Бинобарин, илмий методларнинг келиб чиқиши мукаммалашуви туфайли схоластик фалсафа билан бирга рационалистик психология ҳам ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотган.

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПСИХОЛОГИК ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

VII асрнинг охирларида Мовароуннаҳр халқлари аста-секин араб халифалиги қармоғига ўта бошлайди. Исломнинг ҳар жиҳатдан мустаҳкам жорий этилиши эса асосан IX асрнинг I чорагида бошланган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр алломалари араб мусулмон маданияти билан фақат IX асрнинг бошидан таниша бошлаганлар. Чунончи, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод академияси “Дорул хикма”га IX асрнинг 16-20 йилларида келганлар. Шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиё фани, фалсафаси, адабиёти ва маданияти таркибида мустаҳкам босқич сифатида, яъни ўрта Осиё маҳаллий маданиятининг янги босқичи сифатида шакллана бошлаган эди. Демак, араб маданияти ва исломнинг Ўрта Осиё халқлари маданиятига, руҳиятига таъсири ҳақида ҳам худди мана шу вақтдан бошлаб гапириш мумкин.


Исломнинг Ўрта Осиё халқлари руҳиятидаги илми, тафаккури, дунёқарашлари роли ҳақида қисқача тўхталамиз.

Бу муаммони бир қанча характерли йўналишлари бўйича қўйиш мумкин. Булар: Мовароуннаҳр халқларининг исломга қадар бўлган маданияти ва унга исломнинг муносабати, бу халқлар маданиятига исломнинг кириши, кейин шаклланган ислом руҳияти, маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, маориф, таълим-тарбия, дунёвий фанлар, илоҳиёт, фалсафа, адабиёт, ахлоқий-ҳуқуқий ҳаёт ва унинг ислом қоидалари асосида бошқариш, меъморчилик ва бошқалардан иборат. Уларнинг ҳаммасида ислом ижобий рол ўйнайди. Бусиз у жамиятда ўз ўрнини ва қўп асрлар давомида кишиларнинг турмуши, руҳияти ва онгига таъсирини сақлаб қола олмаган бўлар эди. Исломнинг тарқалиши

Буюк рус физиологи. Нобель мукофоти соҳиби, олий нерв фаолияти таълимоти асосчиси сифатида тарихга кирган. 1904 йил овқат ҳазм қилиш ва қон айланиш бўйича олиб борган ишлари учун Нобель мукофоти олган.

Ўз текширишлари жараёнида у атроф-муҳити таъсирлари ва ҳайвон фаолияти орасида ўзаро таъсир борлигини исботлаган. Унинг таълимотида ташқи дунёнинг муайян (шартсиз) қўзғатувчиларга жавобан ҳосил бўлувчи шартсиз туғма рефлекслар ва бошида фарқсиз бўлган қўзғатувчини шартсиз қўзғатувчи билан боғланишидан сўнг ҳосил бўлган шартли рефлекслар фаолият бирликлари деб олинади. Назарий қарашларни ривожлантириш ва тажрибаларни таҳлил қилиш натижасида иккита сингнал системаси ҳақидаги назарияни ишлаб чиқди. Бунга кўра биринчи сингнал системаси сенсор, иккинчи сингнал системаси нутқий товушлар билан боғлиқ. У анализатор концепциясини ишлаб чиқди, нерв тизими типлари ҳақидаги назарияни илгари сурди, халқаро илмий мактаб яратди.

## **КЕННОН УОЛТЕР БРЕДФОРД (1871.18.10.-1945.01.10.)**



Америкалик физиолог бўлиб у организмдаги эмоционал ҳолатлари тананинг, юз тузилишини ва ички организмларни ўзгариши ҳақида тадқиқотлар олиб борган (ғазабланганда, кўрқув, очлик ва оғриқда пайдо бўладиган ўзгаришлар ҳақида 1915й). Нерв системаси ички органларнинг секреция

### **АНОХИН ПЕТР КУЗЬМИЧ (1898-1974)**



Машхур рус физиологи. Мустаҳкамлашнинг янги классик (И.П.Павлов) назариясидан фарқ қилувчи ўз шахсий назариясини таклиф қилди. У мустаҳкамлашни шартсиз қўзғатувчи таъсирининг натижаси эмас, балки реакция ҳақидаги афферент сигнал деб қарайди. Бунинг асосида у функционал системалар назариясини ишлаб чиқди. П.Анохиннинг назарияси тирик организмнинг адаптив механизмлари тушунчасига ёрдам беради.

### **ПАВЛОВ ИВАН ПЕТРОВИЧ (1849-1936)**



халқларнинг исломга қадар бўлган маданияти, диний мафкуриси, оташпарастлик, буддийлик, маздакийлик, монийлик билан боғлиқ бўлган дунёқарашлари йўқ қилинган эди.

### **Абу Наср Форобийнинг психологик қарашлари (Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ўзлуғ ал Форобий ат-Туркий)**

Буюк аждодимиз ал Форобий (870-950) Арис дарёси сувининг Сирдарёга қуйилиш ерига жойлашган Фороб қишлоғида туғилиб ўсди.

Форобийнинг ёшлиги араб халифалиги пойтахти Бағдод шаҳрида кечди. У бу ердаги маданий муҳитдан нафас олиб, олимлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, фалсафа илмидан сабоқ олди. Форобий Арастунинг ҳамма асарларини битта ҳам қолдирмай ўқиб чиқди. Натижада Форобийда Арастунинг ғояларини енгиллик билан тушуниб, унинг ўз олдига қўйган вазифалари ва ўйлантирган муаммолари қўламини ҳис этиш қўникмалари пайдо бўлди. Айтишларича, Форобий Арастунинг “Жон ҳақида” деб номланган асарига ўз қўли билан: “Мен бу асарни 200 марта ўқиб чиқдим”, - деб ёзиб қўйган экан.

Манбаларда ёзилишича, Форобий дастлаб қозилик қилган. Лекин кейинчалик ҳақиқатни излаб топиш умидида давлат ишлари ва қисман мударрислик билан машғул бўлади. Бир куни яқин кишиларидан бири Форобийга бир қанча китобни омонатга топшириб кетади. Бу китобларнинг ичида Арастунинг бир қанча асарлари ҳам бор эди. Форобий бўш вақтларида ана шу асарларни бир чеккадан ўқишга киришади. Айнан ана шу мутолаа унинг қозиликни ташлашига сабаб бўлади. Бу тасодиф Форобийнинг тақдирида муҳим ўрин тутди ва у буюк олимлик мақомига етишади. Форобийга Арастудан кейинги “Иккинчи устоз” деб ном берилган. Чунки у худди Арасту каби илм оламининг деярли барча жаҳаларига оид қарашларини мунтазам равишда баён этиб борган. У буюк шоир ҳам эди.

Форобий 950 йилда ҳаётдан кўз юмди ва Дамашқ шаҳрида дафн этилди.

Бир куни Форобийдан сўрадилар:

- Кимнинг билими кучлироқ: сеникими ё Арастуникими?

Форобий шундай жавоб қайтарди:

- Мен ўша замонда яшаб, у билан учрашганимда ва унинг қўлида таҳсил олганимда эди, унинг энг яхши шогирдлари сафидан жой олган бўлардим.

Абу Наср Форобий Яқин ва Ўрта Шарқда илгор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бири бўлиб, “Шарқ Аристотели” деган унвонга сазовор бўлган машхур мутафаккирдир. Форобий дунёқарашининг асоси, яъни дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчасини “пантеистик” деган фикр ташкил этади. Мавжудот “эмонация” ёрдамида ягона бошланғичдан поғонама-поғона вужудга келган, яккаликдан кўплика, ранг-барангликка борган. Унинг дунёқарашидagi асосий мақсадларидан бири илмий-фалсафий усулнинг мустақиллигини назарий жиҳатдан асослаб беришга, унинг инсон тафаккурига, ақлий билимига асосланганлигини исботлашга интилишдир.

Форобий билишнинг икки шакли, босқичини - ҳиссий ва ҳаёлий, ақлий билишни бир-биридан фарқлайди. У сезги ролига тўхталиб, уни беш турга бўлади.

Форобий сезгини билишнинг манбаи деб ҳисоблаган, унинг қарашлари Аристотелнинг “сезмаган одам ҳеч нарсани билмайди ҳам, тушунмайди ҳам” деган қарашларига ўхшаб кетади.

Форобий инсон (рух) жонининг бир тандан бошқасига ўтиб, кўчиб юриши мумкинлигини инкор этади ва уни балки тан каби индивидуал “субстанциясининг бирлиги” сифатида тушунади. Унинг фикри изчил эмас эди. Бундай иккиланиш Аристотелга ҳам хос бўлган.

Форобийнинг рухий жараёнлар, уларнинг билиш ва мантик таълими ҳақидаги таълимоти ўрта асрлар фалсафасининг катта ютуғи эди.

#### **Ал Хоразмийнинг психологик қарашлари**


Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий 997 йил вафот этган. Абу Абдуллоҳ ал Хоразмийнинг дунёқарашининг муҳим томони, унинг кенг билими, илмнинг кўп жабҳалари масалаларини тушунишга объектив ёндошишига қаратилган. Хусусан, унинг тиб, одам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билими

#### **ЛЕОНТЬЕВ АЛЕКСЕЙ НИКОЛАЕВИЧ (1903-1979)**



Машхур рус психологи 1920 йиллар охирида Вготский билан бирга ҳамкорликда маданий-тарихий концепция ғояларини амалиётга қўллаб олий психик функцияларни ўрганувчи қатор тажрибалар олиб борган (ихтиёрий хотира ва хогира жараёнлари). 1930 йиллар бошида Харьков фаол мактабини бошқарган ва фаолият масаласини назарий ва экспериментал ишлаб чиқишга дастлабки қадамни қўйди. Натижада ҳозирги замон психологиясида тан олинган назарий йўналишлардан бири бўлган фаолият концепциясини илгари сурган. Психологияда А.Н.Леонтьев киритган фаолият тузилиши асосида янги психологик соҳаларга асос бўлган барча психик ходисалар ўрганилган. Психология борлиқнинг фаолият жараёнида психикада акс этиши, пайдо бўлиши ва тузилиши ҳақидаги фан деб қаралиши юқоридаги концепциянинг мантикий давоми деб қаралган.

## ФРЕЙД ЗИГМУНД (1856-1939)



Австрия психологи, психиатри, невропатологи, психоанализ асосчиси. XIX асрнинг 80-йилларидан амалий тиббиёт соҳасида ишлаган. Физиолог ва врач невропатолог сифатида иш бошлаб кўп касалликларнинг манбаи бемор томонидан англаб етилмаган комплекслардир деган хулосага келган. Биринчи илмий иши Й.Брейер билан бирга 1895 йилда чоп этилган. Бу иш истериянинг келиб чиқиши ва уни гипноз билан даволаш муаммосига бағишланган. Кейинчалик З.Фрейд гипнозни қўллашдан воз кечган ва психоанализ ёрдамида даволаш усулини яратган, бунда ассоциация тушлар беморнинг нотўғри фаолиятларини тушунтиришга асосланган. Олинган материал асосида шахс тузилиши ҳақидаги концепцияни яратган ва 3 та даражани ажратган: Онг, онг ости, онгсизлик. Фрейд таълимоти XX аср бошларида кенг тарқалган. Унинг кўплаб шогирд ва издошлари кейинчалик янги концепция ва назариялар ишлаб чиқишган. Лекин Фрейд таълимотининг баъзи жойлари издошлари томонидан ҳам рад этилган.

хиссий сезгининг моддий асосларини кидиришга ёрдам беради. “Шахсий руҳ - у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига нерв орқали тарқалади” дейди.

Ўрта аср шарқ перипатетиклари учун ақл билимининг яна бир манбаидир. Улар ақлни икки турга - туғма ва орттирилган ақлга ажратишади. Хоразмий ақлни одам нафсларининг кучларидан бири деб ҳисоблаб, юқорида қайд этилган уч турга бўлади.

Умуман олганда, Абу Абдуллоҳ ал Хоразмийнинг психологик фалсафий қарашлари ўз даври илмий дунёқарашининг ривожига катта ҳисса қўшган.

### **Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари**

**(Абу Али Ҳусайн ибн Абдулла ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино)**

Буюк ҳаким, олим ва файласуф ибн Сино Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди.

У 19 ёшга тўлганда она шаҳри Бухорони қорахонийлар босиб олдилар. Босқинчилар шаҳарни буткул вайрон қилиб, кўплаб маданий бойликларни йўқотиб юборишди. Бу вақтга келиб, ибн Сино истеъдодли ҳаким ва файласуф сифатида танилиб улгурганди. Кўп ўтмай Шарқда уни “Шайх ар-раис”, яъни “Донишмандлар етакчиси” деб атай бошладилар.

Ибн Сино жуда кўп мутолаа қиларди. У илм чўққиларига мустақил ўқиб ўрганиш йўли билан етиб борди. Бу ҳақда алломани ўзи шундай ёзади: “Ўн ёшимда Қуръонни ўргандим, бадий адабиётларни ўқиб чиқдим. Кейин мантик илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмнинг нозик қирраларини ўзлаштира билдим. Шундан сўнг тиббиёт илмига мурожаат қилиб, кўплаб китобларни ўқишга тутундим. Қисқа вақт ичида менинг тиббиёт соҳасидаги билимларим ва даволаш санъатим шундай сарҳадларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳакимлари менинг ҳузуримга маслаҳат сўраб кела бошладилар. Мен ҳақимлик амалиёти билан ҳам тинмай шуғулландим ва ниҳоят менга инсонларни даволаш илмининг дарвозалари кенг очилди. Бу вақтда эндигина 16 ёшга тўлгандим. Ана шу ёшимда тунлари уйку, кундузлари ҳаловат нелигини билмай фақат илм билан машғул бўлдим, инсон табиати ўз

билимларини мустаҳкамлаш ва илм йўлида олға боришга қай даражада қодир бўлса, мен ҳам шу даражада ҳаракат қилиб, тер тўқдим”.

Абу Али ибн Синонинг психологик, фалсафий қарашлари, илмлар таснифи, таърифи ва таркиби ҳақидаги фикрлари унинг “Тиб қонунлари” асарида инсон физиологияси ва психологияси асосида талқин этилади. Ибн Сино сезгини ташқи ва ички сезгиларга ажратади. Ташқи сезги инсонни ташқи олам билан боғлайди, улар 5 та: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид ва тери сезгиси. Булар инсоннинг маълум органлари - тери, кўз, оғиз, бурун ва қулок билан узвий боғлиқ.

Ички сезгилар - бу умумий, чунончи, таҳлил этувчи, ифодаловчи, эслаб қолувчи (хотира), тасаввур этувчи сезгилардир. Ибн Сино мияни барча сезгилардан боровчи нервлар маркази, умуман инсон нерв тизимининг маркази эканлиги ҳақидаги таълимотни олға сурган. Инсон тана ва жондан ташкил топади, мия инсонни бошқариб турувчи марказдир. Қуйида Ибн Синонинг ибратомуз фикрларидан мулоҳаза учун келтирамиз:

-Рух-шамчирокқа, билим-ана шу шамчирокдан таралаётган ёғдуга, Аллоҳнинг закоси-мойга ўхшайди. Шамчирок ёнишдан тўхтамас экан-сен тириксан. Агар у ўчса-сен ҳалок бўласан.

-Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

-Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

Ибн Синонинг илмий психологик фалсафий фикрлари ноёб олтин хазина бўлиб ҳисобланади.

#### **Абу Райҳон Берунийнинг фалсафий қарашлари**

Абу Райҳон Беруний (973-1043) руҳ ва руҳият масалаларига қизиқиш билан қарайди. Бунинг сабаби бор албатта, чунки олим ўзидан олдин ўтган Юнон, Рим, Шарқ олимлари, жумладан, М.Хоразмий, Форобий ва бошқа мутафаккирларининг асарларини кунт билан ўрганган ва руҳиятга доир қарашларнинг аҳамиятини тушуниб етган. Қолаверса, инсонни ўқитишда ва тарбиялашда инсон руҳиятини билиш зарурлигини англаган. Булардан ташқари

#### **ЭББИНГАУЗ ГЕРМАН (1850-1909)**



Немис психологи, экспериментал психология асосчиларидан бири. 1850 йил 24 январда Германияда туғилди. Фехнернинг психофизик тажрибалари билан қизиққан, натижада сонли ва экспериментал текширишларни фақат сезги каби психик жараёнларни эмас балки, диққатни ўрганишда ҳам қўллашни амалда татбиқ қилган. Бу тажрибалар учун бошланғич материал қилиб мазмунсиз бўғинлар - ҳеч қандай ўзаро мазмун ассоциацияси бўлмаган турли нутқ элементларининг бирикмалари олинган. 2300 та мазмунсиз бўғинлардан иборат рўйхат тузиб Г.Эббингауз ўзи уларни ёдлаган ва унутган, шу йўл билан хотиранинг хусусиятлари ва қонуниятларини белгиловчи методларни ишлаб чиққан. Эсдан чиқариш чизиғини тузган, бунда материал бевосита ёд олишдан кейинги даврда кўпроқ фоиз эсдан чиқишини кўрсатган. Бу чизиқ кейинчалик малака ҳосил қилиш, муаммони ечиш бўйича ҳам чизиқлар тузишга намуна бўлиб хизмат қилган. Хотира бўйича экспериментал ишлари “Хотира ҳақида” асарида ёритилган (1885й).

Г.Эббингауз шунингдек, экспериментал психология бўйича шу қаторда кўриш идрокининг ўзига хослиги ҳақида ишлар олиб борган.

## ВИЛЬГЕЛЬМ ВУНДТ (1832-1920)



Немис психологи, физиологи, файласуфи ва тилшуноси. 1832 йил 16 августда туғилди. Психология фанини онгни элементларга ажратиш ва улар ўртасидаги алоқани ўрганиш мақсадида лаборатория тажрибаси методини қўлловчи алоҳида фан қилиб қўллаш режасини илгари сурган. 1879 йилда В.Вундт Лейпциг Университетида дунёда биринчи экспериментал психология лабораториясига асос солди ва бу лаборатория шу соҳадаги текширишларнинг халқаро марказига айланди. Бу ерда сезги, ассоциация, диққат турли қўзғатувчиларга реакцияларнинг пайдо бўлиш вақти ўрганилган. В.Вундт олий психик жараёнларни текширишга ҳаракат қилди, лекин унинг фикрича бу ишлар бошқа методлар ёрдамида амалга оширилиши лозим, бу фикрлар унинг “Халқлар психологияси” асарида акс эттирилган (1900-1920).

В.Вундт дунё психологиясининг қад қўтаришига катта ҳисса қўшган. Унинг қўлида кейинчалик машҳур психологларга айланган Э.Титчэнер, Ф.Крюгер, Г.Мюнстерберг, Ст.Холл, В.М.Бехтерев, Н.Н.Лангелар таълим олганлар.

инсонлар билан ўзаро муносабатларда руҳий жараёнларни билиш лозим эканлигини яхши тушунган.

Беруний руҳий жараёнларни барча ҳайвонларга ва инсонларга хос деб билди. Ҳайвон руҳияти онгсиз характерда, инсонда эса онгли, инсон мантиқий фикрлашга, мантиқий хулосалар чиқаришга қодир, инсонда фаол нерв хизматлари мавжуд деб кўрсатади.

Беруний руҳият қарашларини руҳ олими сифатида эмас, балки йирик файласуф сифатида талқин этган. Унинг “Ҳиндистон”, “Минералогия” каби китоб ва рисолаларида ўзининг руҳ ҳақидаги қарашлари, руҳиятнинг баъзи муҳим масалаларини билиш ва тафаккур жараёнлари ҳақида жуда кўп, ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Олим руҳият масалаларини алоҳида тўплаб ёзган эмас, бу масалалар унинг асарларида сочма ҳолда учрайди. Олим инсондаги руҳий жараёнларни, аввало, табиатда олий мавжудот-инсоннинг билиш жараёнини, инсон билимларини бойитиш, маърифатли бўлишидаги роли жиҳатидан ўрганишга ва талқин этишга ҳаракат қилди. Шу сабабли унинг юқорида келтирилган асарларида сезгилар ва ақлий билиш, ўзини тута билиш, хотира, тасаввур, диққат, идрок ва қобилият каби шахсий хислатларни оламини билиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кўрсатади.

Беруний инсоннинг барча мавжудотлардан устунлиги унинг тафаккури орқали эканлигини изоҳлайди. Шунинг учун ҳам ердаги барча жонзодлар унга бўйсунадилар, акс ҳолда инсон энг кичик ҳайвондан ҳам ожиз бўлар эди.

Беруний фикрича, инсон тафаккурининг қудрати шундаки, унинг ёрдамида воқеа ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, таҳлил қилиш орқали ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни эса ноҳақликдан ажратиши мумкин. Бу психология фанини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини исботлайди.

Беруний инсон хотирасини “тангрининг туҳфаси” деб таъкидлаган. Хотираси кучсиз кишиларда, уни тиришқоқлик ва кўп шуғулланиш билан мустаҳкамлаши мумкин деган ғояни илгари суради.

Беруний инсон рухияти хақида сўз юритар экан, унинг бир-бирига акс таъсир кўрсатадиган қисмлардан иборат танага эга эканини, бу қисмлар бўйсунувчи куч сифатида бирлашганини, рух эса кўп ҳолларда тана ҳароратига тобе бўлишини ва шу сабабли унда хилма-хил ҳолат вужудга келишини айтади.

**Рудакий** рух билан материянинг муносабати масалаларида идеалистик мавқеда туради. Рухни “ота”га киёс қилади, моддий нарсаларни “она”га ўхшатади. Унинг фикрича, барча нарсаларни яратувчи биринчи сабаб Худодир. Моддий нарсаларни ҳам инкор этмайди. Моддий нарсалар асосида тупроқ, олов, сув ва ҳаво ётади. Рудакий инсон ақл ва идрокини улуғлайди.

**Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Хайём (1048- 1131)** Нишопур шаҳрида, бадавлат ҳунарманд оиласида туғилиб, вояга етди. Унинг лақаби Умар Хайём бўлиб, бу сўз “чодир тикувчи” деган маънони англатади. Умар Хайём тили аччиқ, баджаҳл одам бўлган. У ўз шеърларини форс тилида, насрий асарларини эса араб тилида битган. Умар Хайём ўзининг рубоийлари билан ном қозонган. Унинг тахминан 400 та рубоийси мавжуд бўлиб, шулардан 293 таси Кембриж дорилфунунининг кутубхонасида сақланади.

Умар Хайём шунингдек, “Евклид китобларига шарҳлар”, “Арифметика муаммолари”, “Донишмандлик тарозиси”, “Маликшоҳнинг фалакиёт жадвали” (Умар Хайём бу жадвални Исфажондаги расадхонада ишлаган вақтида тузиб, уни Эрон шоҳи Маликни номи билан атаган), “Борлиқ ва бурч хақида қайдлар”, каби илмий асарларнинг ҳам муаллифидир.

Умар Хайём қомусий олим эди. Унинг 600 йилдан сўнг аниқлаган математик формулалари мавжуд. Умар Хайём, шунингдек, 11 ёшли шахзодани даволаган ҳаким, Күёш ва Ой тутилишини, об-ҳаво қандай бўлишини аввалдан айтиб берувчи мунажжим ҳам эди. Бухоро ҳукмдори Умар Хайём билан суҳбат чоғида юксак ҳурмат-этиборининг белгиси сифатида уни доимо ўз ёнига – тахтга ўтқазган.

Умар Хайём билиш назарияси унинг табиий ва илмий қарашлари билан узвий боғланган. Маълумки, идеалистлар ва ислом дини пешволари, шу жумладан, Ғаззолий ҳам зўр бериб ердаги ҳаёт аҳамиятини инкор этишга, у

## ЛУРИЯ АЛЕКСАНДР РОМАНОВИЧ (1902-1977)



Рус психологи. 1902 йил 16 июлда Қозон шаҳрида врачлар оиласида дунёга келди. Психологиянинг турли жабҳаларидаги муаммолар билан шуғулланган. Рус нейропсихологияси асосчиси. Психология ва медицина фанлари доктори, профессор, 500 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Л.Виготский билан бирга олий психик функциялар ривожланишининг маданий-тарихий концепциясини яратиш устида иш олиб борган ва натижада 1930 йилда Л.Виготский билан бирга “Хулқ-атвор тарихидан лавҳалар” асарини ёзган. Ўрта Осиёга кўплаб экспедициялар уюштирган ва қатнашган. Бу экспедицияларда тўпланган материал асосида одам психикасидаги маданиятлараро фарқларни умумлаштириб кўрсатган. Луриянинг психология фани таракқиётига қўшган ҳиссаси нейропсихологиянинг назарий асосларини ишлаб чиқиши бўлиб, бу унинг олий психик функцияларининг системали динамик локализацияси ва унинг мия жароҳатлангандаги бузилишлари хақидаги назариясида акс этилган. Лурия нутқ, идрок, диққат, тафаккур, ихтиёрий ҳаракатлар ва фаолият нейропсихологияси бўйича илмий ишлар олиб борган.

ўрганиш устида иш олиб борди. Қисқа умр кўрганига қарамай, Л.С.Виготскийнинг Россия ва дунё психологиясига катта хисса қўшган. Шунинг учун ҳам у психологиянинг “Моцарт”и дейилади. Л.С.Виготскийнинг кўп ишлари бизнинг замонамизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

### **БЕРНШТЕЙН НИКОЛАЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ (1896-1966)**



1896 йил 5 октябрда Москва шаҳрида туғилди. Унинг отаси Россиянинг энг кўзга кўринган психиатри бўлган. Рус психофизиологи, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланиш ва бошқа жараёнларда инсон ҳаракатини ўрганувчи янги тажриба усуллари – кимоциклография ва циклограмметрияни яратган ва татбиқ қилган. Олинган натижалар таҳлили, фаоллик физиологиясининг ва инсон ҳаракатининг шаклланишини нормада ва паталогиядаги концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлди. Тажрибалар жараёнида Н.Бернштейн “Рефлектор доира” ғоясини шакллантирди. Унинг назарияси асосида спортчиларда малака ошириш ишлари олиб борилган. Бундан ташқари олимнинг ишлари ЭҲМ бошқарадиган қадам ташловчи автоматларни ясашда қўлланилган.

Н.Бернштейннинг ҳаракатлар ҳолати назарияси “Ҳаракатлар тартиби” монографиясида баён қилинган (1947 йил).

дунё, жаннат ва дўзах тўғрисидаги фикрларни олға суришга интилдилар. Умар Хайём эса ислом динининг нариги дунё, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах тўғрисидаги таълимотларни рад этди.

Аллоҳ барча нарсаларни бир йўла эмас, балки пасайиб борувчи занжирсимон тартибда яратган, - деб ёзади Умар Хайём.

Инсонлар ва мавжудотлар дунёга келадилар-у, сўнг яна қайтиб кетадилар. Хўш, улар қайдан келадилар ва қайга кетадилар? Ҳокими мутлақ табиатни яратиб, тартибга солади-ю, сўнг нега унга талофат етказди? Агар сабаб табиатнинг яроқсизлигида бўлса, бунинг учун ким айбдор? Агар табиат яхши бўлса, у ҳолда уни вайрон қилишнинг сабаби нимада?.

**Абу Ҳамид Муҳаммад ал Ғаззолий (1058-1111)** Файласуф ал Ғаззолий Тус шаҳрида туғилиб ўсди.

Жуда ёшлик чоғиданоқ олимлик поғонасига кўтарилди. 1091 йилдан бошлаб у Боғдоддаги машҳур Низомий мадрасасида талабаларга фалсафа ва илоҳиёт илмидан сабоқ берди. У 34 ёшида кучли руҳий инкирозни бошидан кечирди. Шундан сўнг ҳақиқатни файласуфлар белгилаган йўлдан топа олмаслигини тушуниб, мударрисликни ташлади ва мустақил равишда тасаввуф илмини ўрганишга киришди. Орадан 11 йил ўтгач, имом Ғаззолий яна мадрасага қайтиб, талабаларга таҳсил бера бошлади. У бутун умрини ҳақиқатни одамларга тушунтириш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришга бағишлади.

Ғаззолийнинг фалсафа, тасаввуф илмига оид асарлари жуда ёрқин, равон ва тушунарли услубда битилган. Қуйида унинг ана шундай асарларидан баъзиларини санаб ўтамиз: “Файласуфларнинг мақсадлари”, “Файласуфларнинг раддияси”, “Дин ҳақидаги фаннинг туғилиши”, “Олам жавони” ва ҳоказо.

Тирик мавжудотларнинг қуйи даражадаги турлари, чумоли ва чивинларни ҳам фақат чумоли ҳамда чивинларгина англай олади. Афсуски, фақат инсонгина ўзи ҳақида ҳақиқий билимга эга эмас. Биз ўзимизни фақат сиртдан – у ёки бу қилмишимиз ва ташқи қиёфамиз орқали биламиз. Руҳий моҳиятимизни билишга уринмаймиз.

Учта олам мавжуддир: уларнинг бири зоҳирий, иккинчиси ботиний олам бўлса, ҳар иккисининг орасидан яна бир олам – руҳий олам ўрин олган.

VIII асрда исломда турли йўналишлар пайдо бўлди. Булардан мутакаллимлар, уларнинг психик таълимотига кўра ҳиссий билишнинг аҳамиятини, билимларимизнинг воқеликка мувофиқ келишини инкор этишдир. Улар нимаики ўзлари учун номақбул бўлса (ҳиссий билиш билан боғлиқ бўлган сезги маълумотлари ва билимни инкор этиш ёрдамида), ҳаммасини инкор этадилар ва уларга нимаики тасдиқлаш лозим бўлса, ҳамма тасаввур қилиш мумкин бўлган нарсага йўл қўйиш ёрдамида ҳаммасига йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Мутаазалийлар таълимотида муҳим масалалардан бири - инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги масаладир. Инсон ўз ҳатти- ҳаракатларида эркиндир. Инсоннинг эркин иродаси ҳақидаги фикр худонинг “олий қудрати” тўғрисидаги диний ақидаларга зид келади. Оллоҳнинг ўз яратганларига нисбатан мажбурияти билан алмаштирдилар. Мутаазалийлар тақдирнинг аввалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимотни- таваккул таълимотини инкор этадилар.

Сўфизм таълимотида бутун олам худонинг мужассамланишидан бошқа нарса эмас. Худо ҳамма кўринадиган нарсаларда мавжуд. Нарсалар эса ўз навбатида худога мавжуд. Дунё - рух шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу рухнинг бир қисми, эртами кечми у билан қўшилади. Бу қўшилиш худога яқинлашишнинг асосий босқичи- шариат, тараққиёт, маърифат ва ҳақиқат олиб келади. Сўфизмга кўра худо билан қўшилишнинг ўзи-энг олий роҳат. Сўфизм худога ақл ёрдамида ишониш эмас, балки унга ички ҳиссиёт орқали яқинлашишга катта эътибор беради.

#### **Жалолiddин Румий (1207 - 1273)**

Жалолiddин Румий Балх шаҳрида туғилиб ўсди. Уни баъзан Жалолiddин Балхий деб ҳам аташади.

Румий шеъриятнинг барча шаклларида мукамал ижод қилди. У битган ғазаллар, рубойлар ва маснавийлар шеърият бўстонида дурдонасига


#### **ВИГОТСКИЙ ЛЕВ СЕМЕНОВИЧ (1896-1934)**



Россия психологиясининг йирик намоёндаси, олий психик функциялар ривожланишининг маданий-тарихий концепцияси асосчиси. 1920 йилларнинг 2-ярмигача санъат асарларини идрок этиш муаммоларини ўрганиш билан шуғулланган. У ёки бу санъат асарини идрок қилаётган инсоннинг ҳис-туйғу доирасини турли йўналишдаги иккита аффектни ажратиб кўрсатган ва бу қарама-қаршиликнинг эстетик реакцияларининг асоси бўлмиш катарсисда намоён бўлишини ўрганган. Кейинчалик “Рухий инкирознинг тарихий мазмуни” асаридан бошлаб психологиянинг умумий методологик муаммоларини таҳлил қилишни бошлаган ва бунинг натижасида индивиднинг маданий дурдонасини билвосита умумлаштириб идрок қилиши жараёнида психик функцияларнинг ривожланиши ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан.

Кейинчалик Л.С.Виготский болалар психологияси боланинг “Яқин келажақдаги ривожланиш зонаси” ҳақидаги низомни ўз ичига олган янги йўналишни яратди. Амалда бу муаммо дефектология соҳасини ривожлантирди. Л.С.Виготский аномал болалар психологияси лабораториясини яратди (1925-1926). Бунда у аномал боланинг ривожланиши ҳақидаги янги назарияни шакллантирди. Ўзининг ишларининг сўнги босқичида у тафаккур ва нутқнинг ўзаро муносабатини, онтогенезнинг ривожланишини эгоцентрик нутқни

## УОТСОН ДЖОН БРОДЕС (1878-1958)



Америка психологи, бехевиоризм асосчиси. 1878 йил 9 январда туғилди. Психология фанини бевосита ҳис қилинадиган субъектив ҳодисалар ҳақидаги фан деб қаровчиларга қарши чиқиб, психик ҳодисаларни ўрганишга янгича ёндошишни тарғиб қилди. Ўз нуқтаи назарини 1913 йил ёзилган ахборотномада акс эттирди. Интроспектив психологияга қарама-қарши табиий фанлардаги каби объектив методларга таяниши, психологиянинг предмети сифатида одамнинг туғилганидан ўлимигача бўлган хулқини кўришни таклиф қилди. Д.Б.Уотсоннинг фикрича, психологик тадқиқотларнинг асосий вазифаси хулқни олдиндан айтиб бериш ва уни назорат қилишдан иборат. Д.Б.Уотсоннинг қарашлари стимул-реактив психологияда ривожлангандир. Яхлит концепция бўлиб шаклланмаган бу йўналишда юқоридаги назариялар кенг тарғиб қилинди. Булар қаторига Б.Ф.Скиннернинг оперант мустаҳкамланиш назарияси, А.Бандуранинг ижтимоий ўргатиш тамойили ва ҳ.к.киради.

айланган. Румий асарларида ташбеҳларга ўралган фалсафий, сўфиёна, теран ғояларга кенг ўрин берилган. Қуйида Жалолиддин Румийни бизни мулоҳазага чорловчи фикрларидан келтирамиз:

- Эй доно одам, сен энг аввало нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма!

- Сўз – либос. Маъно шу либос остига яширинган сир.

- Кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Аммо биз кўзгусиз ўзимизни ҳеч қачон кўра олмаган бўлардик. Сен менга сўз ожиз дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзнинг ожизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам ожиздир.

### Абулқосим Фирдавсий (934 (тахминан) – 1024 йиллар)

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий Хуросон вилоятининг Тус шаҳрида камбағал оилада дунёга келди.

Фирдавсий кенг қамровли ва чуқур илм эгаси бўлиб етишди. Шу боис уни “ҳаким”, “донишманд” деб улуғлаганлар. Шоир ижодининг айни гуллаган даврида Ғазна шаҳрида (ҳозирги Афғонистон ҳудуди) турк султони Маҳмуд Ғазнавий саройида яшаб, ижод қилди.

Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаб, машҳур “Шоҳнома” асарини ёзди. Лекин бу асар Маҳмуд Ғазнавий томонидан етарлича қадрланмади.

Ривоят қилишларича, султон Ғазнавий Фирдавсийнинг ёзилажак “Шоҳнома” асарининг ҳар бир байти учун биттадан олтин танга беришни ваъда қилади. 60.000 байтдан иборат асар тайёр бўлгандан кейин эса Ғазнавий ваъдасидан қайтади. Фирдавсийга Ғазнавий қарвон орқали бериб юборган тангаларнинг ҳаммаси қумуш бўлиб чиқади. Бундан қаттиқ ранжиган шоир тангаларнинг бир қисмини қарвондагиларга, бошқа қисмини ҳамолларга улашади. Тангаларнинг қолган ҳаммасига эса яхна ичимликлар сотиб олади. Унинг бу ҳаракатлари ҳукмдорга қарши норозиликнинг яққол ифодаси эди. Султон Ғазнавий шоирни филнинг оёқлари остига ташлаб, жазолаш ҳақида фармон беради. Фирдавсий туғилган ерини ташлаб, мусофирликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

Ғам-қайғу ҳам, хузур-халоват ҳам ақлдандур. Улуғворлик ва бузилиш ҳам ақлдандур- дейди Фирдавсий.

Оламда энг аввало инсон ақли яралган. Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч кўрикчи: тил, кўз, кулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.

Не сабабдан узоқ умр кўрмоқ тилайсан? Биласан-ку, барибир олам сирларини ҳеч қачон англаб ета олмайсан.

### ОНГ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Психика воқеликнинг киши миясида акси сифатида ҳар хил даражалар билан фарқланади. Психиканинг одамга хос бўлган олий даражаси онгни ташкил этади. Онг психиканинг яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишини ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Шу маънода онг, олимларнинг таъкидлашича, ижтимоий маҳсул бўлиб, анланган борлиқдан бошқа нарса эмасдир.

Онгнинг тузилиши, унинг муҳим психологик таърифи қандай? Унинг **биринчи таърифи** номининг ўзидаёқ берилган бўлиб онг деганидир. Инсоннинг онги бизнинг теварак атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топади. “Онгнинг яшаш усули ва онг учун ниманингдир борлиги – билимдир”. Шундай қилиб, онгнинг тузилишига муҳим билиш жараёнлари қирадики, улар ёрдамида инсон ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезги, идрок, хотира, хаёл ва тафаккурни киритиш мумкин. Сезги ва идрок ёрдамида мияга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг ўша лаҳзада инсон тасаввурида ҳосил бўлган ҳиссий манзараси гавдаланади. Хотира онгда ўтмиш образларини қайтадан гавдалантирса, хаёл эҳтиёж объекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қилади. Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг

хаваскорлик принципи” мақоласида онг ва фаолият бирлиги тамойилини ишлаб чиққан, бу тамойил 30-йилларда фаолиятли ёндошув йўналишига асос бўлган. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб С.Рубинштейн психология ютуқларини умумлаштиришга ҳаракат қилган. Олиб борган ишлари асосида 1940 йилда “Умумий психология асослари” асарида якун топган. Бу асар Давлат мукофоти билан тақдирланган, илғор рус психологлари томонидан юқори баҳоланган.

### ЧЕЛПАНОВ ГЕОРГИЙ НИКОЛАЕВИЧ (1862-1936)



Рус физиологи ва психологи. 1862 йил 16 апрелда Екатеринославск губерниясига қарашли Мариуполе шаҳрида дунёга келди. Москва университети қошида, яъни Россияда биринчи бўлиб экспериментал психология институтини ташкил қилди (1912йил). Психология фанини оммалаштирган ва психология бўйича қатор дарсликлар муаллифи. Ўз ишларида умумий психология ҳар қандай фалсафадан озод бўлиши керак деб уқтирган (Мия ва рух) асари орқали 1900 йил. У фазо ва вақтни идрок қилиш масаласи билан жиддий шуғулланган. Шу билан бирга экспериментал психология тараққиётига улкан ҳисса қўшган. 1915 йил Экспериментал психологияга кириш асарини ёзган. Кўплаб илмий ишларини психофизик параллелизм концепциясидан келиб чиқиб олиб борган.

Инглиз физиологи ва психофизиологи. 1885 йил Кембридж университетидида сўнг Лондон, Ливерпуль, Оксфорд, Эдинбург университетларида ишлаган. 1914 йилдан 1917 йилгача Буюк Британия қироллиги институтидида физиология бўйича профессор бўлиб ишлаган. Нобель мукофоти соҳиби. Нерв системасини яхлит система деб исботловчи тажриба ишлари билан шуҳрат қозонган. У биринчилардан бўлиб Джемс-Ланге назариясини тажрибада текширган ва висцерал нерв системасини марказий нерв системасидан ажратиши ҳайвоннинг эмоцоген таъсирга жавобини ўзгартирмаслигини кўрсатган. Рецепторларни экстирорецептор, проприорецептор ва интрорецепторларга ажратган.

#### **РУБИНШТЕЙН СЕРГЕЙ ЛЕОНИДОВИЧ (1889-1960)**



Рус психологи ва философи. 1889 йил 18 июнда Одессада адвокатлар оиласида туғилди. Психологияда фаолият ёндошув асосчиларидан бири. Философик ва психологик таълимни Марбургда олган. 1942 йилдан психология институти директори бўлган. 1943 йилда М.В.Ломоносов номи МДУ қошида психология кафедраси, сўнг бўлимни очган, Россия ФА фалсафа институтида психология секторини очган (1945 йил). 1922 йил ёзилган “Ижодий

батамом барбод бўлиши уёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

**Онгниг иккинчи таърифи** - унда субъект билан объект ўртасида аниқ фарқланишнинг ўз ифодасини топиши, яъни одам “мен” деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади. Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб, унда ажралиб чиққан ва ўзини атроф-муҳитига қарама-қарши қўйган инсон ўз онгида ушбу қарама-қаршилиқ ва тафовутни сақлаб келмоқда. Жонли мавжудотлар ичида унинг ўзигина ўзини билишга, яъни психик фаолиятини ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодирдир. Инсон ўз ҳатти-ҳаракатларини ва умуман ўзини-ўзи онгли равишда баҳолайди. “Мен”нинг “мен эмас”дан ажратиши ҳар бир инсон болалигида бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўз-ўзини англаш жараёнида юз беради.

**Онгниг учинчи таърифи** - инсоннинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгниг функциясига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо.

Инсон табиат томонидан берилган нарсанинг шаклини ўзгартириш билангина чекланмайди, табиат томонидан берилган нарсалар билан бирга ўзининг онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, инсоннинг иш усулини ва бу ишнинг характерини белгилаб беради ва инсон ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим. Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга ошишида ва йўналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишнинг юз беришини онгниг бузилгани деб қарамоқ керак.

Ниҳоят **онгниг тўртинчи таърифи** - унинг таркибига муайян муносабатнинг кирганлигидир. “Инсоннинг муҳитига бўлган муносабати унинг онгидир”.

Инсон онгига муқаррар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади, унда мураккаб объектив энг аввало инсонни ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий

муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам (жалб этилган ижтимоий) бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим рухий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади:

- бемор бунга қадар беҳад севган онасини суймайдиган бўлиб қолади, якин кишилари тўғрисида зарда билан гапиради ва ҳоказо. Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шарти тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида инсон билимлар ҳосил қилади, инсон дунёга келгунига қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойитади. А.И Герцен шундай деб ёзган эди: “Ҳар бир киши илдизлари сол бўлмаса одам ато замонларига бориб етадиган дахшатли шажарага таянади: соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан - бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари гавдаланади. Тил алоҳида объектив систематик унда ижтимоий тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Шахс томонидан ўзлаштирилар экан, тил маълум бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади. Тил - амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир...» - деб қайд этган эди. Онг тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиатрларни беморда онг бор ёки йўқлиги, ё бўлмаса бузилганлиги масалалари доим қизиқтиради, шу туфайли улар онг деганда беморнинг ўз-ўзига қардалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳам ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бериш имкониятларни тушунадилар. Онг яхши сақланиб қолган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидаги мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятга нисбатан таркиб топган муносабатлар тизимини сақлаб

## ТЕПЛОВ БОРИС МИХАЙЛОВИЧ (1896-1965)



Машҳур рус психологи. 1896 йил 20 октябрда туғилди. Илк фаолияти даврида идрок тасаввур ва тафаккур бўйича илмий иш олиб борган. Сўнг индивидуал фарқлар устида иш олиб борган. Дифференциал психология илмий мактаби асосчиси. Қобилиятлар концепциясини ишлаб чиққан. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари таълимотига асосланиб, одамнинг индивидуал-психологик фарқларининг физиологик асосларини ўрганиш дастурини ишлаб чиққан, натижада индивидуал фарқлар назариясини таклиф қилган. Ўз ишларида санъат психологияси муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор берган.

## ШЕРРИНГТОН ЧАРЛЬЗ СКОТТ (1857-1952)



характери сифатида мухитнинг предметларга бўлинишини А.Ухтомский 3 босқичдан иборат жараён деб атайди. Мавжуд динамиканинг мустаҳкамланиши, организм учун биологик муҳим қўзғатувчиларни ажратиб олиш, доминанта ва ташқи қўзғатувчилар комплекси ўртасида адекват алоқа ўрнатиш. А.Ухтомскийнинг ишлари кўплаб янги физиологик ва психофизиологик назарияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

### **ЗИНЧЕНКО ПЕТР ИВАНОВИЧ (1903-1969)**



Машҳур рус психологи. Харьков университети профессори. Унга хотирани ўрганиш ишлари катта шухрат келтирган. Биринчи илмий ишини 1930 йилларда А.Н.Леонтьев бошчилигида олиб борган. Кейинги ишларида ихтиёрсиз хотирани ўзгартиришга катта эътибор берган. Бу ишларнинг асосий натижалари “Ихтиёрсиз эслаб қолиш” китобида акс эттирилган (1961). Унинг раҳбарлигида таълим эффективлиги ва хотира маҳсулдорлиги муаммолари ишлаб чиқилган.

колади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз хатти-ҳаракатини идора қилади. Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, фақат инсонларгагина хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди. Психиканинг куйи даражаси онгсизликдан иборатдир. Онгсизлик – кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган тассуротлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳаракатлар ва ҳолатлар йиғиндиси. Психик ҳолат сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришини шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади, хатти- ҳаракатининг нутқ ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликка куйидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйку пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (масалан: туш кўриш), сезилмайдиган, лекин ҳақиқатда ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга жавоб реакциялари олдинлари онг ҳаракат бўлиб лекин такрорланавериб, автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англамайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар фаолиятига ундовчи, аммо мақсад ҳиссидан англамайдиган айрим майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир паталогик ҳодисаларни англаш, кўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу кабиларни ҳам кўшиши мумкин. Шуларга асосланиб, онгсизликни онгга қарама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Онгсизлик - бу кишининг худди онг каби ўзига хос психик қиёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил бўлмаган қисмлар акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

### **ПСИХОЛОГИЯНИ МУСТАҚИЛ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИГА ЗАМИН ҲОЗИРЛАНИШИ**

XVII аср психологлар кўз ўнгида психикага бўлган қарашларнинг тубдан ўзгариши даври сифатида намоён бўлади. Психологик фикр тараққиётидаги янги даврини “фанлар маликаси” бўлиб ҳисобланган механика фани таъсирида пайдо бўлган концепциялар очиб берди.

XVII асрга оид психологик фикрларнинг ўзига хос томонларининг талқинида очик намоён бўлди.

А) тушунтириш учун ҳеч қандай рухга мухтож бўлмаган тана-механик тизим ҳақидаги таълимот;

Б) ички кузатиш орқали ўз психик ҳолати ҳақида ҳамма нарсани билиш мумкин бўлган индивиднинг онги ҳақидаги таълимот;

В) инсон фаолиятини унга фойдали нарсалар томон йўналтирувчи ёки зарарли нарсалардан қайтарувчи эхтирослар (аффектлар) ҳақидаги таълимот;

Г) физиологик ва психологик томонлар ўртасидаги муносабати ҳақидаги таълимот. Бу таълимотларнинг асосида фаннинг улуғ захматкашлари Рене Декарт(1598-1660), Бенедикт Спиноза (1632-1677), Томас Гоббс (1588-1679), Джон Локк (1632-1704), Готфрид Лейбниц (1646-1716) кабилар турар эди.

Француз математиги, табиатшунос ва файласуфи Декартнинг исми билан психология тарихидаги ғоят муҳим босқич бошланади. Айнан, у ўзининг онг ҳақидаги таълимоти билан Аристотелнинг рух ҳақидаги таълимотидан психика тўғрисидаги тушунчаларнинг ажралиб чиқиши учун асос яратди. У автомат каби механик ишловчи организм моделини танлайди ва у билан ўша кунларгача рух билан бошқарилувчи бўлиб ҳисобланган тирик танани унинг таъсиридан “холос этди”. Шу даврда Гарве томонидан қон айланишининг кашф қилиниши “организм механик машина” деган фикрни ривожлантирди. Унда юрак қон ўтказувчи насос бўлиб ҳисобланади ва бу жараёнда рухнинг ҳеч қандай функцияси йўқ деб таълим берилди. Декартгача барча фаолият жараёнлари, ердаги ҳаёт ташқарисидан энергия олувчи махсус агент рух билан бошқарилади, деб ҳисоблаб келинди. Аммо Декартдан бошлаб, тана механика қонунларига асосан тузилган авто тизимдир, ундаги органларнинг ишлаши ҳам тананинг фаолияти ҳам, бошқа таналар билан алоқаси ҳам, рухга мухтож эмас, деб таъкидланди. Лекин, бу билан рух “ишсиз” бўлиб қолдими? Йўқ, Декарт рухни ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган олий субстанциягача кўтарди. “Рух онгнинг узлуксиз бўлмаган ходисалари-фикрларидан иборат” деб айтди олим. Рухнинг бирдан бир асосий белгиси унинг фикрлашидир. Фикрлашдан тўхташ рухнинг

бериш ўзгаришларининг қонуниятларини ўрганган. Психотехника, педология, ёш ва педагогик психология, зоопсихология масалаларини ишлаб чиққан. Тилни ўрганиш тушунчаларини англаш ишларига алоҳида эътибор берган. “Назарий изланишлар ва тажрибалари натижасида унинг ўрнатиш назариясининг асосий кўринишлари» 1961, «Кўрсатма бериш психологиясининг экспериментал асосчиси» 1966 чоп этилган асарларида акс эттирилган.

#### УХТОМСКИЙ АЛЕКСЕЙ АЛЕКСЕЕВИЧ (1875-1942)



Машҳур рус физиологи. 1875 йил 25 июнда Рыбинск шаҳрида дунёга келган. Сеченовнинг нерв-психик актларнинг биологик ва системалаш характери ҳақидаги ғояларини ривожлантириб, нерв маркази ва хулқ таркибининг асосий иш принципи бўлган доминанта ҳақидаги таълимотни илгари сурди. Бу таълимот мияга рефлектор ёйларининг йиғиндиси деб қаровчи ғояга қарама-қарши қўйилди. А.Ухтомскийнинг фикрича, ҳар бир кузатилаётган ҳаракат эффементи пўстлоқ ва пўстлоқ ости марказларига бўлган динамик таъсир характери организмнинг актуал эҳтиёжлари организмнинг биологик тизим сифатидаги тарихи билан белгиланади. Мияни муҳитни идрок қилиш, ҳис қилиш ва акс эттириш органи деб қараш лозим, деган фикрни илгари суради. А.Ухтомский психик ҳодисалар ва уларнинг тавсифномасининг турли кўринишларини доминанта механизми билан тушунтиради. Масалан диққат уларнинг йўналиши тўпланиши танлаш ва тафаккурнинг предмет

Рус психологларидан бири ҳисобланиб, Г.И.Челпановнинг касбдоши сифатида илмий фаолиятини бошлаган. Г.И.Челпанов асос солган психология институтида бир неча йил фаолият кўрсатган. 1921 йил одам реакциялари ҳақидаги таълимот китобини ёзган. 1923-1924 йилларда материалистик психологиянинг яратилиши устида иш бошлаган. Унинг қарашларида психикани юқори ташкил топган материянинг асосий хусусияти, деб қараш марказий ўрин тутган. Бу иш реактология концепциясини ишлаб чиқишга олиб келган. 1931 йил реактология борасидаги мунозаралардан сўнг К.Карнилов ўз қарашларидан воз кечган. Кейинчалик ирода ва характер муаммоларини ўрганган.

#### **УЗНАДЗЕ ДМИТРИЙ НИКОЛАЕВИЧ (1888 – 1950)**



Грузин психологи ва философи. 1888 йилда Кутаисс губерниясига қарашли Сакара қишлоғида христиан оиласида туғилди. Установа назариясини асосчиларидан бири. Тбилиси университетини асосчиларидан бири ва у ерда психология бўлимини очган. Грузия ФА психология институти директори бўлган. Кўрсатма бериш субъектнинг яхлит нодифференциал ва онгсиз ҳолати бўлиб, у фаолиятдан олдин юз беради ҳамда психика ва жисм орасидаги халқа бўлиб хизмат қилади. Бевоситалик пастулатини йўқотишга имкон беради. Кўрсатма бериш субъектни эҳтиёжи билан эҳтиёжни кондиришни амалга оширувчи объектив ҳолатини тўқнашувидан ҳосил бўлади. Узнадзе кўрсатма

йўқ бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Декартнинг тана ва рух субстанцияларини ўзаро таққослаши шунга олиб келадики, Декарт тана ўз табиатига бўлинувчи, рух эса бўлинмас, шунинг учун у турли хил нарса деган хулосага келди. Декарт дуализмнинг маъноси шуки, тана ва рух мустақил субстанциялардир. Уларнинг ҳар қайсиси мавжуд бўлиши учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас. “Рух бутунлай менинг танамдан бутунлай айру бўлиб, у танамсиз ҳам мавжуд бўла олади”. “Биздаги иссиқлик ва ҳаракат фикрга боғлиқ бўлмагани учун улар фақат танамизга тегишлидир” деб ёзади Декарт.

Бунди Декарт руҳсиз таналар ҳам, масалан, олов иссиқликка эга бўлиши ва ҳаракатланиши билан исботлашга ҳаракат қилади. Декартнинг фикрича, ҳаётни рух билан боғлаганлар хато қиладилар. Негаки “ўлим ҳеч қачон рух туфайли содир бўлмайди, балки тананинг муҳим қисмидаги бузилиши туфайли рўй беради”.

Декартга кўра асосларнинг асоси шубҳаланишидир. Унинг фикрича, ҳамма табиий ва ғайри табиий нарсалардан шубҳаланиш керак. Чунки шубҳаланганда инсон одатдагидан кўра яхшироқ фикрлайди. Бунда Декартнинг машҳур “Мен фикрляпман, бундан чиқди мавжудман” афоризмини келтириш мумкин. Ўзининг асосий фикрларини Декарт “Ақлни бошқариш қоидалари”, “Рухлар эҳтирослари”, “Одам ҳақида” номли асарида баён этди.

XVIII асрнинг энг йирик кашфиётлари каторига рефлекс тушунча-сининг пайдо бўлишини киритиш мумкин. Рефлекс тушунчаси Декарт физикасида пайдо бўлди. Агар Гарвей ўз кашфиёти билан рухни ички аъзоларини бошқарувчиси сифатида инкор этган бўлса, Декарт рухни ташқаридан таъсир этиш хусусиятидан маҳрум қилди. У фанга физиология ва психологияда фундаментал бўлган рефлекс тушунчасини (терминини эмас) киритди. У даврда нерв тизими тўғрисидаги билимлар ҳам оз эди. Декарт уни ингичка қувурчалар “трубкачалар”дан иборат деб тасаввур қилди. Декартнинг тасавбурида гўё шу трубкачалардан майда енгил ҳавосимон зарралар ҳаракатланади. Бу зарраларни Декарт “хайвон рухлари” деб номлади. “Мен рух деб атаган нарсалар кичиклик ва тез ҳаракатланишдан бошқа ҳеч қандай хусусиятга эга бўлмаган

таначалардан ўзга нарса эмас. Булар қоннинг энг ҳаракатчан зарралари бўлиб, доим мия томонидан ҳаракатланади”, деб тушунтирмоқчи бўлди Декарт. Унинг рефлекс схемасига кўра, ташқи импульс нерв трубкчалари ичида жойлашган нерв “ипларининг” учига таъсир қилиб, улар шу “ип” чиққан миянинг қисмини гўё арқоннинг бир учи иккинчисини ҳаракатга келтирганидек қўзғатади. У ердан “хайвон руҳлари” нерв орқали тегишли мускулга ўтиб, қисқаришга мажбур қилади. Шу тариқа ҳаракат рўй беради. Шунинг учун қайноқ буюм кўлни куйдириб тортиб олишга мажбур қилади. Бунда худди ёруғлик нурунинг кўзгудан қайтганидек реакция содир бўлади. Хатти-ҳаракатларнинг рефлектор табиатни руҳга мурожаат қилмай очиб берган Декарт умид қиладики, келажакда анча мураккаб ҳодисаларни ҳам у таърифлаб берган физиология механика қондасига кўра тушунтириш мумкин бўлар: “Масалан, ит ўлжани кўргач, унга ташланади, лекин ўқ овозини эшитса, албатта қочади. Шунга қарамай овга ўргатилган итлар ўлжани кўргач тўхтайдди. Ақлсиз хайвонлар миясида шундай ўзгариш ҳосил қилиб, уларни ўргатиш мумкин экан, эҳтимол одамга бирор нарсани ўргатишда бундан ҳам яхшироқ нарсаларга эришса бўлар”, деб тахмин қилди Декарт. Бундан у шундай хулоса чиқардики, “руҳнинг кучи эмас балки, механика қондалари асосида рўй берувчи танадаги ўзгаришлар асосида инсон аввало ўз табиатининг, қолаверса ташқи оламнинг ҳукмдорига айланиши мумкин”.

Декартни фикрича, “Кучли ва олийжаноб одамларнинг кайфияти хотиржамлик онларида ҳам, кулфатга рўпара бўлганда ҳам ўзгармайди”.

- Сен тақдирини азални эмас, аввало ўзингни енгитишга ҳаракат қил. Дунёни тартибга солишга уринма, энг аввал ўз истакларингни бошқара бил.

- Ўзликни англашдан кўра сермахсулроқ машғулот йўқдир.

**Декарт хаёти:** (1596 - 1650) Фарангистонлик файласуф, риёзатчи, тиббиётшунос олим ва услубий назариётчи Рене Декарт Турен музофотининг Лаэ шаҳарчасида дворян оиласида дунёга келди.

1606 йилнинг баҳорида отаси Декартни Ла-Флейдаги диний коллежга ўқишга жўнатади. 1618 йилда Декарт Голландияга жўнайди ва ўз хоҳиши билан армияга ёлланиб, испан – австрия қўшинларига қарши курашда иштирок этади.


унинг хулқини баҳоламаслик, лекин муаммоларини ҳал қилишни талаб қилувчи ижодий қобилият ётади.

### ЛАНГЕ НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ (1858 – 1921)



Рус психологи ва Россияда экспериментал психология асосчиларидан бири. Идрок, диққат, хотира, тафаккур масалалари билан шуғулланган. Идрокнинг фазовийлиги концепциясини яратган. Унда фазолар умумийдан қисманга ўтади. Диққатнинг мотор назариясини ишлаб чиққан. Бунда ҳаракат идрокнинг фақат энергияси эмас, балки яхлитловчи ҳамдир. Психиканинг асосий функцияси организмга ҳолат ҳақида хабар берувчи марказга интилган токни ва унга жавобан марказдан кетувчи реакцияни ўз ичига олган “доирвий реакциядир”

### КАРНИЛОВ КОНСТАНТИН НИКОЛАЕВИЧ (1879 – 1957)



Америкалик психолог. 1908 йил 1 апрелда Нью-Йоркда туғилди. Гуманистик психология асосчиларидан бири. Мотивациянинг туғмалиги ва универсаллигига асосланган иерархик модел гоёси асосчиси. Инсонни шахс хусусиятлари мустақиллик креативлик фалсафий дунёқараш демократик махсулдорлик каби хусусиятларни таърифлаган. Кейинчалик у эҳтиёжларни зарурий ва тараққиёт эҳтиёжларга ажратиш орқали ўзгартирган.

#### **РОДЖЕРС КАРЛ РЭНСОН (1902-1987)**



Америкалик психолог. 1902 йил 8 январда Роджерслар оиласида тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. Гуманистик психология асосчиларидан бири. “Мижозга марказлашган терапия” (1954) асари муаллифи. Шахс ядроси сифатида “Мен” концепциясини кўрган бу “Мен – реал” ва “Мен – идеал”нинг ўзаро таъриф динамикасида иборат. Унинг таърифига кўра шахсда келишиб ишлайдиган икки инстанция мавжуд:

1. индивидуал тажриба ва атрофдагиларнинг долзарб баҳосидан келиб чиқувчи одамнинг ўз тасаввурлари ва ўзини баҳолашидан иборат бўлган реал “мен”;
2. инсон орзу қилган идеал “мен” мижозга қаратилган объектив психотерапияни ишлаб чиқди. Унинг асосида мижозга маслаҳат бермаслик ва

*1619 йилдан бошлаб Декарт фалсафа билан жиддий шуғулланишига киришади.*

*1625 йилда Декарт Парижга келади ва олимлар билан танишади. Файласуф бу ерда тарихда “одам журнал” деб ном қолдирган Мерсен Марен билан яқин дўст тутинади.*

*Рене Декарт табиатан қизиққон бўлсада, баҳс ва тортишувлар чоғида доимо ўзини муносиб тута билган. У биринчи бўлиб, “Эфир” атамасини ва у ҳақидаги гоёни фан оламига олиб кирди.*

*“Фикрляпман, демак мавжудман”, - деган нақлни ҳам Декарт ўйлаб топган. Шунингдек, у биринчи бўлиб, камалакнинг пайдо бўлиши сабаблари ва унинг табиатини тушунтириб берди.*

*Рене Декарт Ла-Флеш иезуитлар коллежида схоластик фалсафани ўрганди. Унда китобий олимликка шубҳа жуда эрта уйғонди, зотан унинг фикрича, кўпгина фанларда шиончли асос мавжуд эмас эди. Китобларни ташлаб у саёҳат қила бошлади. Гарчи Декарт католик бўлса-да, маълум вақт ўттиз йиллик уруш даврида протестантлар тарафида қатнашди. Унинг қизиқишлари доирасига чавандозлик, мусиқа, қиличбозлик ва рақс кирар эди. 23 ёшида у Германияда яшаши чоғида ўз методининг асосий гоёларини таърифлади. Орадан ўн йил ўтиб, у тинчлик ва осойишталикда тадқиқотлар билан шуғулланиши учун Голландияга кўчиб келди. 1649 йилда у Стокгольмга қиролича Кристина ҳузурига ташириф буюрди. Швеция қиши Декартга ҳаддан ташқари оғирлик қилди, у бетобланиб ётиб қолди ва 1650 йилнинг феввалида вафот этди.*

*Унинг асосий асарлари жумласига “Метод ҳақида мулоҳазалар” ва “Метафизик фикр-мулоҳазалар” киради. Бошқа асарларидан “Фалсафа асослари” ва “Ақлни бошқариши қоидалари”ни қайд этиши мумкин. “Метод ҳақида мулоҳазалар” француз тилида ёзилган дастлабки фалсафий асарлардан бири ҳисобланади. Декарт ҳам лотин, ҳам француз тилида ижод қилган.*

Декартнинг биринчи оппоненти бўлиб голландиялик файласуф Баррух Спиноза чиқди. Гегелнинг фикрича, Б.Спиноза Декарт фалсафасидаги дуализмни олиб ташлади. Унга кўра ягона ва абадий ажралмас хусусиятларга эга бўлган субстанция - бу табиат. Шунинг учун одамни субстанциялар учрашадиган “жой” сифатида Спиноза инкор этади. Одам бир бутун моддий ва рухий мавжудот деб билади. Ўзининг энг машхур психологик асари “Этника”да файласуф дастлаб субстанциялар масаласида тўхталади. Шу ерданок унинг қарашлари Декартнинг қарашларидан узоклашади. Декартдан фарқли равишда Спиноза монестик таълимотни илгари сурди. Субстанция деганда Спиноза

биздан ташкарида жойлашган табиатни тушунади. Бу субстанция ўз навбатида бир канча хусусиятларга эга бўлиб, инсон уларнинг фақат иккитаси - тана ва фикрни билади. Шунинг учун руҳ ва тана битта индивидуални, яъни фикрлайдиган танани ташкил этади. Алоҳида руҳий субстанциянинг борлигини Спиноза инкор этади, лекин материя ва тафаккур бирлиги муаммосини охирида очиб беролмади. Субстанциялар таълимоти асосида Спиноза инсоннинг ҳиссий ҳолатлари кўпроқ аффектлар масаласини ёритиб берди. Ўзининг аффектлар ҳақидаги таълимотида аффектларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг табиати: одамларнинг аффектларга қуллиги ва аффектларнинг кучи; инсон озодлиги ва инсон ақлининг кучи масалалари юзасидан тўхталди. Аффектларни Спиноза табиий ҳодиса деб билади. Аффектлар орасидан Спиноза 3 тасини алоҳида ажратиб кўрсатади.

1. Хоҳлаш
2. Қониқиш
3. Қониқмаслик

Қолган барча эмоциялар шулардан пайдо бўлади, деб ҳисоблайди Спиноза. Спиноза аффектлар бутунлай инсон иродасига боғлиқ ва уларни тўлиқ бошқариш мумкин, деган фикрга қўшилмайди. Бу борада у аффектларни инсон устида ўтказадиган ҳукмронлиги ҳақида фикр юритади. Барча аффектлар Спинозанинг фикрича инсонни шундай ҳолатга олиб келадики, бунда у ўз-ўзини бошқара олмайди. Тасодифларга қарам бўлиб, аниқлик кўз олдида, ноаниқлик томон боради, озодлик эса аффектларга эргашишда эмас, балки уларни ақлга бўйсундиришдир.


Спинозанинг фикрича, қалбларни қурол билан эмас, меҳр- муҳаббат ва олийжаноблик воситасида забт этиш мумкин.

Спиноза психологияси онгнинг психологик объект сифатида шаклланиши йўлидаги Декартдан кейинги муҳим қадам бўлди.

**Спиноза ҳаёти:** Барух (Бенедикт) Спиноза (1632-1677) Амстердамда, Португалиядан инквизиция таъқибидан қочиб келган яҳудий оиласида туғилди.

У яҳудийларнинг Амстердамдаги 7 йиллик мактабига ўқишга борди. Аммо ўқишни тамомлашга улгурмади. Чунки отасига савдо ишларини юритиши учун ёрдамчи керак эди.

## ЖАНЕ ПЬЕР МАРИ ФЕЛИ (1859-1947)




Француз психологи ва психиатри. Неврозлар сихастения, психастеник характер психик автоматизмни текшириш ишларини олиб борган. 1920 йилларда фаолият категорияси асосида умумпсихологик концепциясини яратган. Унда бихевиористлардан фарқли ўлароқ психикани ижтимоий аҳамиятга эга бўлган амалий ташқи таъсирлардан интериоризациясининг натижаси деб қаралади. Жане ғоялари XX аср француз психологиясига ва Виготскийнинг маданий-тарихий концепциясига муҳим таъсир кўрсатган.

## МАСЛОУ АБРАХАМ ХАРОЛЬД (1908-1970)



“Умумий сезги” яъни кўп объектлар учун умумий бўлган хоссаларни сезувчи умумий сезишни ажратди. Ўз асарларида кўплаб физик ҳодисаларга таъриф берди. Бундан ташқари инсоннинг қоникқан ёки қоникмаган ҳолда ўз ички фаоллигини қайта тадбиқ қилишга интилишининг инсоннинг хулқи механизмига асос бўлишини тушунтиради. Шунингдек, Арасту инсон хотираси ва тафаккури ҳақидаги ғояларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

### ОЛПОРТ ГОРДОН УИЛЛАРД ( 1897- 1967 )



Америкалик психолог. 1897 йилда врачлар оиласида туғилди. Шахсни ўрганишга тизимли ёндошиш назариясининг асосчиси. Шахс назариясини “Мен” ва “ўз-ўзини англаш” тушунчаларига асосланган ҳолда ишлаб чиққан “Ўз-ўзини актуаллаш” назарияси шахснинг анланган ва ҳаётида муҳим нарсага интилишини билдиради. Биологик эҳтиёждан келиб чиқадиган мотивлар кондирилганда биологик асосга бўйсунмайдиган характер касб этиши мумкин (мотивларнинг функционал автономлашиш принципи).

*Отасининг ўлимидан кейин Спиноза бир неча йил савдогарлик билан машғул бўлди. Лекин у жуда ёшлигиданоқ фалсафа илмига меҳр қўйганди, латин тилини жуда яхши биларди.*

*Шу туфайли орадан кўп ўтмай Спиноза Амстердамда кичик фалсафа тўғарагини очди. Илм фан оламига чуқур кириб, дунёқарашини кенгайган ёши Спиноза яҳудий дини пейволарини виждон эркинлигига риоя этмасликда айблади. Спиноза шу тақлид илм фан оламига қанча яқинлашгани сайин яҳудий руҳонийларидан шунчалик узоқлаша борди. Натижада 1656 йилда дин пейволари Спинозани муртадликда айблаб, унга бир умрлик лаънат тамгасини ёпиштирдилар. Шундан сўнг Спиноза яҳудийлар билан алоқани буткул узиб, ўзини фалсафага бағишлади. У бир умр ўпка хасталигидан азоб чекиб яшади. Спиноза ўз ўлимини тор, фақирона хонага ўрнатилган кўп - қуруқ ёғоч чорпоёда қариши олди. Сингилларининг ташмачилиги туфайли бор будидан айрилиб, қашшоқликка маҳкум бўлган донишманд ажали етганини сезиб, қўлини аёлдан ёнига битта ҳам руҳонийни қўймастиклини илтимос қилади. Чунки у жон талвасасида рақибларига ён босиб, ўз қарашларидан воз кечиши мумкинлигидан чўчиганди.*

*Ўсмирлик чоғида Спиноза иудаистик фалсафа билан теологияни ўрганди ва умидли бўлажак иудаистик ибодат руҳонийси сифатида кўздан кечирилди. Аммо мустақил фикрлашга мойиллик, табиий фанлар ва Декартнинг фалсафасини ўрганишга қизиқиши Спинозада жуда эрта пайдо бўлди. Унинг мустақил ва танқидий позицияси яҳудийлар жамоаси билан ихтилоф чиқишига олиб келди. Илтимослар билан ҳам, таҳдидлар билан ҳам уни фалсафадан воз кечишга мажбур қила олмадилар, натижада у 24 ёшида тавқи лаънат билан жамоадан ҳайдалди.*

*Шундан сўнг, Спиноза бир маромда, камтарона ҳаёт кечирди. Оптик ускуналар учун линзаларни силлиқлаш билан тирикчилик қилди. Бу унга эркин ва мустақил бўлиш имконини берди. У университетда профессор лавозимини эгаллаш ҳақидаги таклифни рад қилди ва ўзини буткул фалсафа билан шугулланишга бағишлади. Спинозанинг фалсафасини атеистик ва материалистик деб айбладилар, аммо ҳеч ким унинг турмуш тарзини танқид қилмади. Унинг дунёвий эҳтирос ва ҳаю ҳаваслардан узоқ ҳаёти ўз таълимоти билан тўлиқ уйғунликда яшовчи буюк файласуфнинг турмуш тарзини ифода этади.*

*Спиноза ўпка сили билан хасталаниш оқибатида 45 ёшида вафот этди.*

Декарт дуализмининг танқид қилинишидан бошқа йўналиш Англиялик файласуф Томас Гоббс номи билан боғлиқ. Т.Гоббс руҳни алоҳида мавжудлик сифатида мутлақо инкор этди. Унинг фикрича, дунёда Г.Галилей томонидан очилган механика қонунларига бўйсунувчи моддий таналардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Мен катта масалалар хусусида узоқ баҳслашиб, ҳеч нарсага эриша олмагандан кўра, арзимас нарсаларга оид кичик бир ҳақиқатни кашф этишни афзал кўраман.

**Томас Гоббс ҳаёти: (1588 - 1679)** *Инглиз файласуфи Томас Гоббс Англиянинг жанубидаги Веспорт қишлоғида туғилиб ўсди. Унинг онаси содда деҳқон аёли, отаси руҳоний эди.*

*Т.Гоббс 15 ёшида Оксфорд дорилфунунига ўқишга кирди ва икки йилдан сўнг уни битириб, мантиқ илмидан маъруза қила бошлади. 1608 йилда у Уилям Кавендишнинг ўғлига мураббийлик қила бошлади. Т.Гоббс 1610 йилдан бошлаб уч йил давомида Фарангистон ва Италияда яшайди. 1613 йилда у сиёсатчи ва файласуф Фрэнсис Бэконга котиблик қилади. 1636 йилда файласуф Италияга жўнайди ва у ерда Г.Галилей билан учрашади. Т. Гоббс хандаса илмини жуда катта қизиқиш билан ўрганган.*

*Унинг қўлидаги асарлари маълум: “Фалсафа асослари” (1640-1658), “Фуқаро ҳақида” (1642), “Жисм ҳақида” (1655), “Инсон ҳақида” (1658), “Левиафан” (1658).*

*1646 йилда Т.Гоббс Карл I нинг ўғли шахзода Уэлсскийга (бўлғуси Карл II) риёзиётдан сабоқ бера бошлайди.*

*Файласуфнинг атрофида уни кўролмайдиғанлар кўп эди. Шу боис Т.Гоббс кексайган чоғида дахрийликда айблайдилар. Унинг “Фуқаро ҳақида” ва “Левиафан” номли китоблари руҳонийлар томонидан таъқиқланган адабиётлар рўйхатиға киритилади. Т.Гоббс сўққабошликда ҳаёт кечирган.*

**Галилео Галилей ҳаёти: (1564 - 1642)** *Италиялик қомусий олим, риёзиётчи, фалакиётшунос, файласуф, табиётишунос аллома Галилео Галилей Пиза шаҳрида дунёға келди.*

*У обрўли, бироқ камбағаллашган аслзода оилаға мансуб эди. Отаси Г.Галилейнинг ҳаким бўлишини орзу қиларди. Шу боис у Пиза дорилфунунининг тиббиёт қуллиётига ўқишга кирди. Лекин Г.Галилейдаги риёзиётға бўлган қизиқиши устунлик қилди.*

*Г.Галилей аввал ибодатхона мактабида, кейин дорилфунунда ўқиди.*

*У Архимедни ўзига устоз деб билган.*

*1589 йилда Г.Галилей Пиза дорилфунунда профессор илмий иновини олди. У дорилфунунда дарс бериш билан бир вақтда механика ва фалакиётшуносликка оид қатор тадқиқот ишларини олиб бориб, жисмларнинг тушиши, уларнинг қиялик сиртдаги ҳаракати қонунларини ўрганди. Шунингдек, осмон жисмларининг ҳаракатини кузатди.*

*Г.Галилей ўз тадқиқотларига таянган ҳолда Арастунинг Коинот тузилиши ва механик ҳолатига доир таълимоти хато эканини маълум қилди. Дорилфунун ўқитувчилари ва дин пешволари унинг бу фикриға қарши чиқиди. Оқибатда олим Пизани тарк этишға мажбур бўлди.*

сифат белгиси ҳам уларнинг амалиётда ўз билимларини тадбиқ эта олиш малакаси билан аниқланмоқда.

Демак, ХХI аср психологияси ўзининг тадбиқий характери билан ажралиб туради ва унинг тармоқлари ривож ва самарадорлиги илмий ва назарий билимларни нечоғли халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилиши билан изоҳланади.

**Буюк психологлар ва улар илгари сурган ғоялар ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.**

### АРАСТУ (ЭР.АВ.384-322)



Антик давр грек файласуфи, психология фанининг тўлақонли асосчиси. У ўзининг “Рух ҳақида” асарида антик тафаккур ютуқларини бирлаштириб, яхлит психологик тизимни яратган. Унинг фикриға кўра, руҳни танадан ажратиб бўлмайди, чунки тана руҳнинг шакл-шамойили, руҳнинг мавжудлик шаклидир. Шу билан бирға Арасту ўз таълимотида уч хил руҳни ажратди; ўсимлик руҳи, ҳайвонот руҳи, онгли, яъни инсоният руҳи. Инсоният руҳи илоҳий манбаға эға. Руҳни турларға ажратиш психик функцияларнинг тараққий этиш даражаси билан белгиланади. Қуйи функциялар озикланиш ўсимликларға, олий функциялар инсонға хос. Шу билан бирға Арасту сезги органларини беш турға бўлди. Нарсаларнинг сезиладиган хоссаларини билувчи органлардан ташқари у

<b>Ижтимоий психолог.</b> Шахснинг установакалари, дунёкараши ва биддиятларини ижтимоий гуруҳлараро муносабатларни, лидерлик масалаларини ўрганади.	<b>Ҳуқуқшунос психолог.</b> Суд-психологик экспертизалар жараёнида қатнашади, ҳуқуқшуносликка оид жараёнларнинг психологик таъминоти билан шуғулланади.
<b>Қиёсий психология.</b> Турли тоифадаги ҳайвонлар хулқини қиёсий тарзда лаборатория шароитида ўрганади, одам ва ҳайвон хулқига оид умумийликларни асослайди.	<b>Психофизиолог.</b> Инсондаги психологик ва физиологик жараёнларнинг хусусиятларини ўрганади.
<b>Психофизиолог.</b> Инсон хулқининг биологик асосларини ўрганади.	<b>Ижтимоий психолог.</b> Кичик гуруҳлар ва жамоалар ривожланиши ва психологиясини ўрганади
<b>Мақтаб психологи.</b> Муваффақиятли ўқишга ҳалақит берувчи омилларни диагностика қилади.	<b>Зоопсихолог.</b> Нерв тизими юксак даражада тараққий этган ҳайвонлар хулқ-атворини ўрганади.
<b>Эко-психолог.</b> Инсон эҳтиёжларига мос тарзда турар жойлар ва биноларни лойиҳалаштиришга ёрдам беради.	<b>Саломатлик психологияси бўйича мутахассис.</b> Психогигиена ва психопрофилактика, турмуш даражасини ошириш масалалари билан шуғулланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Америкада ҳам, Россияда ҳам деярли бир хил психологиянинг тармоқлари мавжуд ва улар ўша жамиятнинг муаммоларидаги умумийликдан келиб чиқади. Бироқ айрим тармоқлардаги психолог мутахассисининг бажарадиган ишлари ва мавқеида тафовутлар ва фарқлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида инсон омилига берилган эътибор туфайли психология фани ўз ютуқларини халқ хўжалиги, ижтимоий соҳанинг деярли барча тармоқларига жорий этиш имконияти туғилди. Шу боис ҳам бугунги кунда мақтаб психологи, саломатлик психологини тайёрлаш, реклама ва маркетинг соҳаси, бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаннинг амалиётга аралашуви жараёни тезлашди. Олий ўқув юрларида тайёрланаётган психолог кадрларнинг асосий

*Г.Галилей 1592-1610 йилларда Падуан дорилфунунининг риёзиёт кафедрасида ишлади. Олим 1609 йилда телескопни ихтиро қилди. Бу илк телескоп орқали осмон jismlarini 30 баравар катталиқда кўриши мумкин эди.*

*Олим 1610 йилдан Флоренция герцоги саройида хизмат қила бошлади.*

*Г.Галилей Ойдаги кратерлар ва тоғ тизмаларини аниқлади. Муштарийнинг йўлдоши, Қуёйдаги доғлар, Зухра сайёраси фазалари, Зухалнинг халқаларини кашф этди.*

*1633 йилда руҳонийлар Галилейнинг “Оламнинг икки тизими ҳақидаги суҳбатлар” номли асарини муҳокама қилиб, унда илгари сурилган фикрларни (Ернинг Қуёш атрофида айланиши, Қуёшнинг эса тинч туриши) рад этдилар. Рим папаси Г.Галилей устидан суд олиб бориши тўғрисида кўрсатма берди. Ёши 70ни қоралаб қолган хаста Г.Галилейни Римга келтириб, зўрлик билан сайёралар оламига оид фикрларидан воз кечишга мажбур қилдилар.*

*Суд тугагандан кейин Г.Галилей Флоренцияга қайтади ва реакцион руҳонийларнинг таъқибига қарамай, илмий тадқиқотларини давом эттиради.*

*Олим 1642 йили шогирдлари Вивини ва Торричелли қўлида жон беради. Католик черкови 1971 йилга келибгина Г.Галилей устидан чиқарилган айблов ҳукмини бекор қилди.*

Барча психик ҳодисалар ҳам шу қонунларга бўйсундилар. Моддий нарсалар Т.Гоббс фикрича, организмга таъсир этиб, сезгини ҳосил қилади. Инерция қонунига кўра, сезгидан унинг кучсиз изи сифатида тасаввурлар пайдо бўлади. Улар эса фикрлар занжирини ҳосил қилади ва бу фикрлар сезгилар қандай кетма-кетликда алмашган бўлса, шундай тартибда жойлашади. Бундай боғланиш кейин ассоциация номини олди. Агар аввалги ҳаракат яна такрорланса ва устунлик қилса, кейингилари ҳаракатланувчи материя билан боғлиқ бўлгандан текис столда томчи ҳаракатланганда сув ҳам ҳаракатланганидек унинг кетидан ҳаракатланади. Асосий психологик феноменлардан бири сифатида ассоциацияларни Декарт ва Спинозалар тан олишган. Лекин тафаккур ва иродага нисбатан унинг билимнинг қуйи шакли деб ҳисоблаган. Т.Гоббс биринчи бўлиб ассоциацияни психологиянинг универсал қонуни сифатида таърифлайди. Ўзининг қобилиятлар ҳақидаги таълимоти билан Т.Гоббс Декартни “Туғма ғоялар” ҳақидаги гипотезасини қаттиқ танқид қилди ва одамларда туғма бир-бирдан устун белгилари бўлмаслигини исботлашга интилди. Т.Гоббс бевосита Ф.Беконнинг давомчиси сифатида эмпирик йўналиш намоёниси сифатида танилди.

Эмпирик психологиянинг “отаси” Ж.Локк бўлди. Унинг “Инсон ақли ҳақидаги тажриба” асари психологиянинг кейинги тараққиётига кучли таъсир этди. Локкнинг мақсади инсон билишининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тажрибавий ўрганишдан иборат эди. Бунда у “туғма ғоялар” ғоясини инкор этиб, билимларнинг манбаи индивиднинг ҳаётий тажрибаси деб билади. Тажрибанинг ўзида эса Локкнинг фикрича, иккита манба бор: сезги ва рефлексия. Сезги объектдаги, табиатдаги барча моддий нарсалар бўлиб, уларнинг маҳсулоти фикрлардир. Яъни “биз сариқ, оқ яшил, иссиқ, совук, юмшоқ, қаттиқ, ширин, аччиқ ва бошқалар ҳақидаги фикрларни шу манба орқали оламиз” деб ҳисоблайди Ж.Локк. Рефлексиянинг объекти ақлимиз фаолияти билан эгалланган ва биз ташқаридан ололмайдиган фикрдир. Онгнинг объекти шу фикрдир, чунки онг Ж.Локкнинг берган таърифига кўра, ақлимизда рўй бераётган нарсаларни идрок этишдир. Ж.Локк тажриба манбаларини ўзаро фарқласада, уларни бир-биридан ажратмайди. Унинг фикрича, сезги билимнинг боши, рефлексия сезги асосида пайдо бўлади. Бунда у шундай таърифлайди: “Ақлда бирорта нарса ҳам йўқки, у сезгида ҳам мавжуд бўлмаса”. Ж.Локка кўра, фикрлар 2 хил, оддий ва мураккаб, бўлади. Оддий фикр фақат битта бўлади. Оддий фикр фақат битта тушунчани ўзида сақлайди. Бошқа фикрлар парчаланмайди. Мураккаб фикрлар оддий фикрларни қўшиш, таққослаш, умумлаштириш ва абстракташтириш натижасида пайдо бўлади. Оддий фикрлар йиғиндиси онгни ташкил этади. Мураккаб фикрларнинг ҳосил бўлиш манбаларидан бири сифатида Ж.Локк ассоциацияни келтиради. У биринчи бўлиб “фикр ассоциацияси” деган атамани киритади.

Билимларимиз – дейди, Ж.Локк барча мушкулотларни қамраб олиш ва ҳамма саволларга жавоб топиш қудратидан маҳрумдир.

Илм олмақлик яхши руҳий сифат эгаларида эзгу фазилатларнинг янада равнақ топишига хизмат қилади. Яхши руҳий сифатлардан маҳрум одамлар эса қанча кўп илм олсалар, шунча аҳмоқроқ ва бемаънроқ бўлиб борадилар.

Эҳтимоллик билимдаги кемтикларни тўлдиради.

<b>Маслаҳатчи-психолог.</b> Шахсий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тавсиялар бериб, тестлар ўтказади.	<b>Сиёсий-психолог.</b> Сиёсий тузилмалар аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш, сиёсий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади.
<b>Маданият масалалари бўйича психолог.</b> Турли маданий муҳит шароитидаги одамлар ижтимоий хулқини солиштирма таҳлили билан шугулланади	<b>Тиббиётчи психолог.</b> Тиббий масканларда психологик профилактика ва психогигиена масалалари билан шугулланиб, беморларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.
<b>Клиник психолог.</b> Терапия ва беморларнинг ҳиссий эмоционал кечинмалари масалаларини ўрганади.	<b>Психология ўқитувчиси.</b> Психологиянинг турли аспектларига оид маърузалар ўқийди.
<b>Ишлаб чиқариш ва саноат психологи.</b> Ишлаб чиқариш шароитларини такомиллаштириш ҳамда ходимларни танлаш масалаларини ўрганади.	<b>Тренер-психолог.</b> Мулоқот малакалари ошириш, шахснинг ўз имкониятларини такомиллаштириш бўйича тренинглар ўтказади.
<b>Саломатлик психологияси бўйича мутахассис.</b> Одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш ва турли касалликларнинг олдини олишга ўргатади.	<b>Мактаб психологи.</b> Мактабдаги ўқув жараёнига оид муаммолар билан шугулланиб, ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларга психологик маслаҳатлар беради.
<b>Истеъмолчилар психологияси бўйича мутахассис.</b> Товарларнинг эмоционал жиҳатдан истеъмолбошлигини баҳолайди ва ўрганади, маркетинг, реклама ва молларнинг товар қиёфасига оид муаммоларни ўрганади	<b>Менежмент соҳасидаги психолог.</b> Махсус маслаҳатлар, менежерларни ўқитиш ва тайёрлаш бўйича тренинг-семинарлар ташкил-этиш, ташкилотларда ахборотлар алмашинувининг психологик томонларини ўрганади.
<b>Тараққиёт психология бўйича мутахассис.</b> Инсон туғилишидан то қаригунча бўлган тараққиёт даврининг психологиясини ўрганади.	<b>Реклама соҳасидаги психолог.</b> Реклама маҳсулотлари тайёрловчиларга масаҳатлар беради.
<b>Психометрия бўйича мутахассис.</b> Тестлар, сўровномалар ва бошқа психологик текширув воситаларини стандартлаштириш ва ишлаб чиқиш, маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва тест натижаларини қайта ишлаш.	<b>Болалар психологи.</b> Бола тараққиёти масалалари билан шугулланиб, ота-оналарга маслаҳатлар беради ва болаларни мактабга тайёрлайди.

бевосита маслаҳатлари ёрдамида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ номзодлик ва докторлик ишлари ҳимоя қилинган.

Ўзбекистонда психологияни турли йўналишлари бўйича кўпгина олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, Ўзбекистонга психология фанини, яъни психология тушунчасини олиб кириб, тўлалигича очиб бердилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам психология тармоқлари ривожланиб бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда етишиб чиққан барча олимларимиз ўзбек психологиясини чет мамлакатлар психологияси каби юқори чўққига чиқишида ўзларини ҳиссаларини кўшиб, келмоқдалар. Одамлар онгига эса миллий психология асосида, яъни миллийлик руҳида тарбиялаш, уларни онгига психологияни сингдирмоқдалар. Ўзбекистонда психология фанининг ҳозирги аҳволи илгаригидан анча ривожланган. Чунки бу фанни ўқитиш учун тайёрлов курслари ва марказлар очилиб кишиларнинг онгига етиб бормоқда. Бундан ташқари психология тармоқлари бўйича турли хил муаммоларни ечишда асосий рол ўйнайди. Бу фанни ривожланишида ўзбек психологлари, яъни М.Г.Давлетшин, М.Воҳидов, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Э.Ғ.Ғозиев, Р.И.Суннатова, Б.Р.Қодиров, Ж.Азимов, Н.С.Сафасев, Р.Гайнутдинов, Ш.Р.Баратов, З.Т.Нишонов, К.Мамедов, ва бошқа олимларнинг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда психология фанининг турли тармоқлари ривожланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, психология фанини ривожини инсонлар ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Қуйида АҚШ ва Россияда ҳозирги кунда психологияни ривожланиб улгурган тармоқларни келтириб ўтмоқчимиз.

*Эслатма: Ушбу жадвал В.Каримовнинг 2002 йил чоп этилган «Психология» ўқув қўлланмасининг 17-20 бетларидан олинди.*

#### АҚШ ва Россиядаги баъзи психологик тармоқлар

Америка Қўшма Штатларида	Россияда
Мухандис-психолог.Одам-техника тизимидаги ўзаро муносабатлар хусусида билимларга эга бўлиб, техник мосламаларни ишлаб чиқишда иштирок этади.	Мухандис-психолог.Одам ва техника ўзаро муносабатларига оид психологик муаммолар билан шуғулланади.

**Жон Локк ҳаёти:** *Инглиз файласуфи Ж.Локк (1632-1704) Англиянинг жанубий ғарбидаги сомерсет графлигига қарашли Рингтон шаҳарчасида пуританлар оиласида туғилди. Унинг отаси адвокат бўлиб, Кромвел армиясининг отлиқ эскадронига қўмондонлик қилган.*

*Ж.Локк Оксфорд дорилфунуни қошидаги диний коллежда таълим олди. Кейинчалик тиббиёт илмини ўрганди. 1656 йилда у Оксфорд дорилфунунининг бакалаврлик, 1658 йилда эса магистрлик илмий даражасига сазовор бўлди. У кимёгар Роберт Бойл билан дўстлашади. Бу дўстлик унда файласуфлар Декарт ва Гассенди таълимотига қизиқиши уйғотади.*

*Ж.Локк олий ҳукумат идораларида хизмат қилиб, мансаб погоналаридан тез юқорилаб боради ва Англия ҳукуматининг лорд канцлери лавозимига эришади.*

*Ж.Локк 39 ёшидан бошлаб фалсафа илмини иштиёқ билан ўрганишига киришади. 1682 йилда олим ҳукуматда юз берган сиёсий танглик туфайли Англияни ташлаб Нидерландияда яшайди. 1689 йилда у ватанига қайтади ва бирин – кетин ҳорижда ёзган асарларини чоп этади.*

*Ж.Локкда схоластик фалсафага танқидий муносабат ва табиий фанларга, айниқса тиббиёт ва кимёга қизиқиши жуда эрта пайдо бўлди. Ж.Локк ўз олдига интеллектуал “тозалаш”ни амалга ошириш, яъни билишни танқидий текширишни мақсад қилиб қўйди. У айнан диний ва ахлоқий муаммоларга доир туганмас баҳслар уни қўлланувчи тушунчаларнинг кўпчилиги умидсиз даражада ноаниқ ва нотўғри эмасми, деган саволни беришга мажбур қилганини тан олади. Ж.Локк файласуфлар ҳам табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар сингари, тажриба ёрдамида қадам бақадам олган юришлари керак, деб ҳисоблайди. Буюк муаммоларни кўриб чиқишга ўтишдан олдин ўз, воситаларимиз, яъни ўз тушунчаларимизни ўрганиб чиқишимиз керак. Шунинг учун Ж.Локк билишни танқид қилиши ва тилни таҳлилдан ўтказишдан бошлайди. Аммо “воситалар”га бўлган қизиқиши унинг конкрет муаммолар билан шуғулланишига ҳам ҳалақит бермайди. Ж.Локк педагогика ва сиёсий назариянинг классикларидан бири ҳисобланади.*

*Бошқарув ҳақида трактат асарини либерализмнинг библияси деб атайдилар. Унинг биринчи қисми абсалютизм идеологи сэр Роберт Филмер (1588-1653)ни танқид қилишга бағишланган. Иккинчи қисмида Ж.Локкнинг давлат ва табиий ҳуқуқ ҳақидаги ўз гоялари кўриб чиқилган. Бу асарни Вильгельм Оранский (1650-1702) конституцион монархиясининг асосланиши сифатида баҳолаганлар, аммо унинг гоялари Францияда ҳам, Америкада ҳам инқилобий рол ўйнаган. Ж.Локк шунингдек, диний бағрикенглик, тарбия ҳақида ўйлар, христианликнинг ақлга мувофиқлиги асарлари ҳамда инсоннинг билиши ҳақида тажриба номли эпистемологик асар муаллифидир.*

Унинг қуйидаги асарлари маълум: “Табиат қонунларига доир тажрибалар” (1662-1664), “Дин эркинлигини эътироф этишига доир тажриба” (1667), “Тиббиёт саънати ҳақида” (1669 й), “Инсон таффақурига доир тажрибалар” (1689 – йил, олим бу асар устида 20 йилдан зиёд меҳнат қилган), “Тарбияга оид баъзи фикрлар” (1693 й.) ва ҳоказо.

**Лейбниц ҳаёти:** Готфрид Вилгельм Лейбниц (1646-1716) немис эди аммо, қирол-офтоб Людовик XIV (1638-1715) даврининг файласуфи бўлгани боис, асосан француз тилида ҳамда латин тилида ижод қилган. Унинг турмуш тарзи Спинозанинг узлатланиши турмуш тарзига тамомила тескари бўлган. Лейбниц том маънодаги дунёвий инсон бўлиб, унинг уйи бутун Европа ҳисобланган. Унинг қобилияти турли назарий ва амалий соҳаларда намоён бўлган. Масалан: у кончилик, сиёсий ислоҳотлар, молия, қонунчилик, оптика транспорт муаммолари ва илмий ҳамжамиятларни ташкил қилиш билан шуғулланган. Бундан ташқари, Лейбниц жуда кўп саёҳат қилган ва ўзидан 15 мингдан ортиқ хатдан иборат эпистоляр мерос қолдирган. У турли қирол саройлари билан алоқа қилган ва қирол наслдан бўлган шахслар билан таниши бўлган. Назарий миқёсда у фалсафа, теология, ҳуқуқ, физика, тиббиёт, тарих ва филология соҳаларида фаолият кўрсатган. У айниқса Ньютон билан бир вақтда ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яратган ўзининг дифференциал ҳисоблаш кашфиёти билан машҳур.

Кўп асарларидан фақат иккитасини тилга олиб ўтамиз. Теодицеяда Худо ва иблиснинг ўзаро алоқаси масалаларини кўриб чиқади ва мумкин бўлган дунёларнинг энг яхисиси ҳисобланган бу дунёдаги ёмонликлар учун жавобгарликдан Худони халос этишига уринади. Монадологияда асосий ва фундаментал элементлари “монадалар” бўлган оламнинг тузилиши муҳокама қилинади. Лейбниц шунингдек, Ж.Локкнинг эпистемологиясини инсон билиши ҳақидаги янги тажрибаларда танқидий таҳлилдан ўтказган.

## ПСИХОЛОГИЯНИ МУСТАҚИЛ ФАН СИФАТИДА

### ШАКЛЛАНИШИ

XIX ва XX асрларда психология фақат эмпирик (тажрибага асосланган) фан сифатида тараққий этади. Бу даврда унинг предмети, яъни ўрганадиган воқелик соҳаси кучли равишда кенгайди, бу фаннинг алоҳида янги соҳалари пайдо бўлади ва шаклланади, янги янада самаралироқ текшириш методлари кашф қилинади. Психологиянинг берган маълумотларидан амалий фаолиятнинг турли соҳаларида фойдаланила бошлайди. Айни вақтда, XIX ва XX асрларда идеализм билан материализм ўртасидаги кураш янада чуқурлашади.

қилишди. 1963 йил Ўзбекистонда психологиядан биринчи бўлиб Краснобоев Илья Берович (1896-1963) Тошкент Давлат университети филология факультети логика ва психология кафедраси мудири “Юқори синф ўқувчиларида эътикод, ахлоқий тушунчаларни шаклланиши” мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилди. Краснобоевни илмий фаолияти 20 йилларда Ўзбекистонда тадқиқотлар билан боғлиқ унинг раҳбарлиги остида логика ва психология кафедраси азолари: 3. Мўминова, В.Я.Марос, А.Абдусатторов, В.И.Софер, А.Гулямов, Р.В. Гулямов, А.А. Ерстифировлар турли хил объектларда психология ва логика бўйича илмий тадқиқотларини олиб бордилар. Бу тадқиқотлар Ўзбекистонда халқ таълими билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. М.Воҳидов (1927-1989 й) 1955 йилда Ленинградда номзодлик ишини ҳимоя қилган. Дастлаб Андижон педагогика институтида, сўнгра Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқотлар институтида ишлаган. 1966 йил Тошкент Давлат университети “Психология” кафедраси мудири этиб сайланган. 1973 йили Министрлар Совети топшириғига биноан тарих факультети таркибида ташкил этган. Зинин, Л.И.Софер иштирокида ва марказнинг истеъдодли олимлари ёрдамида бу ерда ўқув экспериментал лаборатория ташкил қилинган. М.Воҳидов томонидан мактабгача педагогика билим юрглари учун, педагогика институтлари учун дарсликлар ёзилган, охириги йилларда М.Воҳидов, А.Петровский таҳрири остидаги “Умумий психология” дарслиги таржима қилинган ва айни пайтда миллий ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилида дарслик яратиш билан машғул бўлди.

Давлетшин Мухаммад Габдулғалимович 1923 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг психология кафедраси мудири психология фанлари доктори, 1957 йилда 5-7 синф ўқувчиларида техник қизиқишларни шаклланиши мавзусида, 1971 йил “Ўқувчиларни техник қобилиятлари психологияси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1968 йилдан 2005 йилгача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Умумий психология” кафедрасида мудирлик қилди. Ҳозирги кунда Умумий психология кафедраси профессори бўлиб ишламоқда. М.Г.Давлетшин раҳбарлигида унинг

### 3. Педагогик кадрлар тайёрлаш.

Ушбу институтнинг фаолияти Бендриков, Левентуерт, Заварова, Юсупов, Токанаев, Дебензов, Миршарипов, Мухиддинов каби олимларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. 1930 йилларда бу институтда жаҳон психология фанига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Александр Романович Лурия ишлаган. У ўз институт доирасида ўтказган тадқиқотлари асосида кейинчалик “Об историческом развитие познавательных процессов” – “Билиш жараёнларининг тарихий тараққиёти ҳақида” деган асарини нашр қилди. Ўзбекистонда психология фанининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири П.Иванов ҳисобланади. 1927 йил Самарқанддаги ўзбек педагогика институтида (педакадемия) экспериментал психология лабораториясини ташкил қилган. 1940 йилда у педагогика институтлари талабалари учун психологиядан биринчи ўқув қўлланмасини нашр қилган. Кейинчалик 1934 йили Самарқанд педагогика институтининг ўзбек давлат университетига айлантириши муносабати билан П.Иванов ўз лабораторияси билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига кўчиб ўтади. Педагогика ўқув муассасаларида илмий педагогик потенциалнинг етишмаслиги туфайли дастлабки психология дарслари устида таржимонлар ёрдамида олиб борилган кейинчалик бу таржимонларнинг ўзлари мустақил равишда психологиядан ўзбек тилида маърузалар ўқий бошлашган. Алиаскар Усмонов, Тоҳирйхон Аскархўжаев, Байбурова, Рахматова ва бошқалар ўзбек тилида дарс ўтувчи психология ўқитувчилари бўлишган. П.Ивановни (1891-1968 йиллар) психологиядан 75 дан ортик илмий ишлари нашр қилинган. Унинг 1927 йилда нашр қилинган “Умумий педагогика” бўйича қисқа очерк, “Мактабшунослик” тарбиянинг умумий методлари 1940-йиллар ва 1954-йилларда “Умумий психология”, 1962-йилда “Таълимнинг психологик асослари” каби асарлари Ўзбекистонда психология фани ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Ш.А. Бойбурова, Усмонов кабилар бевосита унинг раҳбарлигида фаолият кўрсатишди. 1959 йил унинг раҳбарлигида М.Г.Давлетшин, Бекбоев, Музаффаровлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя

### Ассоциатив психология

Ф.Бекон ва Т.Гоббсдан бошлаб эмпирик психологиянинг вазифаларидан бири психик ҳодисалар таркиб топган элементларни аниқлашдан иборат эди. Юқорида айтилгандай, Ф.Бекон билан Т.Гоббс тасаввур ҳамда сезгини шундай элементлардир деб ҳисобладилар. Психологлар психик элементлар мураккаб структура (таркиб) ва жараёнларга бирикишидан бўйсунадиган қонунларини топишга интиладилар. Масалан: Т.Гоббс психик ҳодисалар интилиш ва қочиш қонунига бўйсунди деб ҳисоблаган.

*Фрэнсис Бэкон (Лорд Веруламский) ҳаёти: (1561-1626) Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон 1561 йилнинг 21 январида Лондонда тугилди. У Англиянинг сиёсий ҳаётида кўзга кўринарли ўрин эгаллаган дворян оиласига мансуб бўлиб, отаси Николас Бэкон қиролича Елизаветанинг биринчи вазири ва муҳрдори эди.*

*Ф.Бэконнинг онаси – Анна Кук қирол Эдуард VI нинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилган.*

*1573 йилнинг баҳорида 12 ёшли Ф.Бэконни Кембриждаги Тринити коллежига таҳсил олиш учун жўнатадилар.*

*Ф.Бэкон 16 ёшдан бошлаб инглиз дипломатлари таркибида бир неча йил Фарангистонда хизмат қилади. У ерда Фарангистон маданияти, илм фанининг таниқли намоёндалари билан танишади.*

*Ф.Бэкон 18 ёшида отасидан айрилади. 23 ёшида қиролича Елизаветанинг нуфузли аъёнларидан саналган амакиси лорд Берли кўмагида мамлакат парламентида сайланади.*

*Ф.Бэкон Англияга қайтгач, ҳуқуқ илмини ўрганишига киришади.*

*У ҳуқуқшунослик уюшмасининг раҳбари лавозимига тайинланади. Ф.Бэкон кенг миқёсдаги суд амалиётларини олиб боради ва ҳуқуқшунослик масалаларига доир асарлар ёзади. Ф.Бэконнинг суд жараёнидаги юксак маҳорати ҳамда суд ҳакамлари йиғилишидаги сўзамоллиги ва ақл фаросати барчани хайратга солган. Ҳеч ким у каби аниқ, қисқа, залворли, айни дамда ўта маънодор гапира олмаган. У сўзлаётганда тингловчилар ҳар бир сўзни жон қулоқлари билан тинглаб, киприк қоқмай ўтиришган.*

*Ф.Бэкон 52 ёшида Англиянинг бош прокурори этиб сайланади. 1617 йилдан эса қирол Яков I нинг муҳрдори бўлиб хизмат қилади. Кейинроқ лорд-канцлерлик мартабасига кўтарилди.*

*1621 йилда Ф.Бэкон парламент томонидан фитначилик ва порахўрликда айбланиб суд қилинади. Суд Ф.Бэконга 40 минг фунт-стерлинг жарима солиши ва Тауэр қалъасига банди этиши ҳақида ҳукм чиқаради. Тўғри, икки кундан сўнг бу ҳукмнинг айрим бандлари бекор қилинган бўлсада, аммо Ф.Бэконнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти буткул барҳам*

топади. Лордлар палатасининг ҳукмига мувофиқ у қирол саройига яқинлашмаслик ва 12 мил узоқликда яшашига маҳкум этилади.

Файласуф ҳаётини сўнги йилларини бетоблик ва қашшоқликда ўтказади. 1626 йилнинг баҳоридида у товуж гўшти қор остидида қандай сақланишини синаб кўриш учун уни қўллари билан қорга кўмади ва шу баҳона бўлиб, қаттиқ шамоллайди. Бир неча ҳафта хасталаниб ётгач, вафот этади.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида инглиз психологлари Давид Юм ва Гартли ҳар хил психик ҳодисалар ва элементлар гоё – тасаввурларнинг яхлит бўлиб бирлашишининг асосий қонуни сифатида ассоциациялар ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. Ассоциациялар ҳақидаги бундай таълимот бир вақтда ҳам идеалистик, ҳам материалистик йўналишда пайдо бўлди. Идеалистик йўналишнинг вакили ва умуман ассоциатив оқимнинг асосчиси Давид Юм (1711-1776 й.) эди. Унинг таълимотига кўра, онгнинг барча мураккаб ҳодиса ва маҳсуллари ва ўзининг “мен” эканлиги (ўз-ўзини) англаш, ўзаро ташқи боғланишлар – ассоциациялар билан боғланган “тасаввур бирикмалари”дир, холос.

**Давид Юм ҳаёти: (1711-1776)** *Инглиз файласуфи, психолог олим ва муаррих Давид Юм Шотландия пойтахти Эдинбург шаҳрида, унча бой бўлмаган дворян оиласида дунёга келди. Унинг отаси ҳуқуқшунос бўлган. Давид Юм Эдинбург Университети ва Ля-Флеш номи Фаранг коллежидида таҳсил олди. У коллежда илк марта Рене Декартнинг илмий қарашлари билан танишди.*

Давид Юм биринчи бўлиб, “сабаб”нинг моҳиятини ҳодиса ва тушунча сифатида жиддий ўрганишига киришди. Унинг бу борадаги мулоҳаза ва хулосалари фалсафа фанининг асосий ютуқларидан бирига айланди.

Файласуфнинг кўйидаги асарлари маълум: “Инсон табиатида доир мулоҳазалар” (1739), “Таъб меъёри ҳақида” (1739-1740), “Ахлоқий ва сиёсий очерклар” (1741-1742), “Рухнинг барҳаётлиги тўғрисида”, “Табиий дин ҳақида сўзлашув (диалог)” (1751).

Материалистик оқимнинг вакиллари Гартли (1705-1757 й.) ва унинг шогирди Джозеф Пристли (1733-1804 й.) эдилар. Улар ассоциатив тасаввурларни миядаги физиологик боғланишларга тенглаштириб қўйдилар. Гартли психологияга рухнинг физикаси деб қаради.

йўллаб, давлатнинг кўзи ожиз, гунг, рухий касал ва психологик таракқиёти ҳамда психикаси мувозанатсиз болаларни ўз тарбиясига олиши зарурлигини таъкидлаган. Худди шу мақсадда бутун бир махсус муассасалар тизимини ташкил этишни таклиф этган. Хорватнинг таклифи бир неча йўналиш бўйича диққатга сазовордир. Биринчидан, бу комплекс характердаги иш бўлиб, бирон-бир психоневрологик касаллик назардан четда қолмаган. Иккинчидан, бу режада кетма-кетликдан бир неча босқич назарда тутилган.

1. Касаллик диагностикаси (тадқиқот даражаси);
2. Касалларни даволаш (амалий тиббий даражаси);
3. Касалларни тарбиялаш ва таълим бериш (амалий таълим даражаси).

Биринчи даражани психологик лаборатория, иккинчи даражани даволаш махсус муассасаси, учинчи даражани мактаблар амалга ошириш кўзда тутилган. Туркистондаги муассасалардан бири “Ўзбек давлат илмий тадқиқот институти”, ҳозирги Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 1929 йили ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунга қадар бу институт ўқитишнинг педагогик концепциялари мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия назариясини яратувчи ягона марказ ҳисобланади. 1930-йиллар бошларида институт таркибида қуйидаги кабинетлар мавжуд бўлган:

1. Ижтимоий гигиена кабинети
2. Иқтисод кабинети
3. Педагогик-психология кабинети
4. Психологик лаборатория кабинети

Институт ташкил бўлган вақтдан бошлаб миллий менталитетни ва ижтимоий муҳитни чуқур тадқиқ қилиш болаларнинг психологик ижтимоий-маданий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда дарсларни яратиш билан шуғулланди. Институт фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат эди.

1. Илмий экспедициялар уюштириш;
2. Болалар характерини ўрганиш;

Юқорида таъкидланган структурализм, функционализм, бихевиоризм, фрейдизм оқимлари жаҳон психология илмининг шаклланишига асос бўлган бўлса, улар таъсирида шаклланган бошқа ўнлаб йўналишлар – ассоциатив психология, гештальтпсихология, гуманистик психология, экзистенциал психология, когнитивизм, рамзий-символик интеракционизм кабилар унинг қатор масалаларини ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўша олди. Энг муҳими – XX асрга келиб, психологиянинг татбиқий соҳалари пайдо бўлдики, энди қўлга киритилган ютуқлар бевосита таълим, тарбия, саноат, бизнес, маркетинг хизматлари, бошқарув, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш соҳаларига дадил жорий этила бошланди. XXI асрнинг биринчи йилига келиб, психология назарий, таҳлилий фандан бевосита амалиётнинг эҳтиёжларини қондирувчи татбиқий фанга айланди.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ**

Даслабки педагогик ва психологик фикрлар маркази 1918 йили Тошкент ва кейинчалик Чимкент шаҳрида ташкил қилинган. Педагогика музейи ва педагогик лаборатория универсал ўқув тарбия муассасаси бўлиб таълим- тарбия билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифаларни қамраб олади. Бунинг натижасида ёрдам таълим методлари ишлаб чиқарилган, шу ернинг ўзида синалган ва республиканинг бошқа ўқув муассасаларига тарқатилган. Ишнинг бундай ташкил қилинганлиги тадбиқ қилишга имкон берган. Педагогик лаборатория ҳақида Низомда бу жой педагогик фикр ва ишнинг маркази бўлиши лозим. Шунинг учун бир томондан психологик ишнинг ҳар бир янгилик ўқитишда лабораторияда тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш имконияти берилиши керак, бу имконият бевосита мактабларга жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқа лаборатория ва кабинетлар билан бир қаторда педагогик лаборатория ва педагогик музейда экспериментал психологик лабораторияси ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда турли хил психологик тажрибалар амалга оширилган 1919 йили 1 апрелда Кавман Хорват маориф комиссарига хат

Д.Пристли барча психик жараёнлар миянинг тебранишларидир, деб жар солди. У психик ва физик ҳодисалар ўртасидаги принципиал фарқни инкор қилди ва психологияга физиологиянинг бир қисми деб қаради.

Ассоциациялар ва уларнинг инсон психик фаолияти таркибидаги муҳим роли ҳақидаги таълимот XIX асрда жуда кенг тарқалди. Эмпирик психологиянинг ичида “ассоциатив психология” деб аталган алоҳида оқим пайдо бўлди. Бу оқим XIX асрнинг уч чораги мобайнида ҳукмрон мавқени эгаллаб олди.

XIX асрда ассоциатив психологиянинг тарафдорлари Англияда Джеймс Миль (1773-1836 й.), Джон Стюарт Миль (1806-1837 й.), Александр Бен (1818-1903 й.), Герберт Спенсер (1820-1903 й.) эдилар. Буларга Францияда Т.Рибо (1829-1916 й.), Германияда Теодор Циген (1862-1950 й.)ларни ва қисман Эббингаузни (1850-1909 й.) ҳам киритиш мумкин.

Ассоциатив психологиянинг вакиллари барча мураккаб психик жараёнлар (хотира, тафаккур, нутқ, хаёл ва ирода) бир хил бирламчи психик элементлар бўлган сезгилардан ва уларнинг нусхаси бўлган тасаввурлардан ҳосил бўлади деб даъво қилдилар. Айрим сезги ва тасаввурлар ассоциацияларнинг қонунларига биноан, ўзаро механик боғланишлар билан бирлашадилар. Масалан, хотира жараёнлари ассоциацияларга тенглаштириб қўйилади, яъни эса қолдириш янги ассоциациялар ҳосил қилишдир, эса тушириш эса аввал мустаҳкамланган ассоциацияларнинг жонланишидир. Ассоцианистларнинг фикрича, тафаккур рухнинг алоҳида бир қобилияти ёки махсус психик қобилияти эмас, тафаккур ҳам фақат тасаввурларнинг ассоциациялар қонунига биноан ҳаракатланишидир. Масалан, муҳокама фақат иккита тасаввурнинг ассоциацияга боғланишидир. Бунда онгнинг бошқа жиҳатлари йўқ. Хулоса чиқариш икки ёки бир қанча ҳукмларнинг ассоциацияси (боғланиши)дир, улардан ҳам ассоциация бўйича янги ҳукм ҳосил қилинади, яъни хулоса чиқарилади. Тушунчалар ҳам бир қанча сўзларнинг ўзаро ўхшаш тасаввурлар билан бўлган ассоциацияси (боғланиши)дир деб таърифланади.

Ассоциатив психология вакилларининг фикрича, нутқ ҳам тасаввурдир. Масалан, Эббингаузнинг айтишича, нутқ – бу “икки элемент”нинг мустақкам ассоциациялар бўлиб қўшилишидир: бир томондан, сўз ва гапларнинг уларнинг маънолари билан, иккинчи томондан эса сўз ва гапларнинг нарсалар билан бирикишидир. Гап ва сўзларнинг ҳақиқий моҳияти нутқ органлари фаолияти орқали ҳосил бўладиган, “оҳанг ва шовқинлар”дан ва бу фаолият натижасида ҳаракат ва ҳолатни сезишдан, яъни эшитиш ва кинестетик ёки нутқ таассуротларидан иборатдир.

Қайд қилинган ҳар иккала сўз элементлари ҳам ўзаро мустақкам ассоциациялар билан боғланган, деб таъкидлайди Эббингауз. Нутқ жараёнларида, яъни фикрнинг шаклланишида, фикрни ўзгаларга баён қилишда ва ўзгаларнинг фикрини ўзлаштиришда ассоциатив жараёнлар, алоҳида тасаввурлар, хусусан сўзларнинг асосий элементлари бўлган ҳаракат (кинестетик) тасаввурлар билан товуш тасаввурлари ўртасида боғланишлар ҳосил бўлади. Нутқ махсус функция сифатида тафаккур билан ташки – ассоциатив боғланишлардан ташқари ҳеч қандай муносабатда бўлмайди.

Бу психологларнинг таълимотига кўра, диққат онгимизда қолган барча тасаввурларни сиқиб чиқарган, қандайдир битта тасаввурлар группасининг ҳукмрон бўлиши билан изоҳланади, эмоциялар хуш ва нохуш ҳисларни англаш билан бирлашган сезги ҳамда тасаввурлар йиғиндисида ва ҳоказо. Ассоциативистлар инсон шахсининг ўзини ҳам ўз танасини сезишга ва шунга мос келадиган тасаввурларга “тасаввурлар бирикмаси”га асосланган анча барқарор ва доимий психик ходисалар комплекслари деб тушунадилар.

Ассоциатив психология вакилларининг хизмати шундан иборатки, улар онгнинг юксак мураккаб жараёнларини, яъни тафаккур, нутқ ва иродаларни тажриба асосида (асосан ўз-ўзини кузатиш йўли билан) ўрганишни диққат марказида тутдилар.

Бироқ кейинчалик ассоциатив психология вакиллари ва бошқа психологларнинг бу таълимоти амалда ўзининг яроқсизлигини кўрсатди.

Объектдан иккинчисига ўтиши ёки муайян объектлардан жамланиши мумкин. Топграфик моделни янада батафсилроқ ишлаб чиқиш З.Фрейдни “энергия” назариясига олиб келди. Унинг моҳияти барча ментал ходисаларни энергияга боғлашдан иборат. З.Фрейд ҳар бир одам катта, лекин чекланган миқдордаги ментал энергияга эга эканини, бу энергиялар ғоялар ва объектлардан олиниши ёки уларга берилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу энергияни ўлчаш усуллари ҳозир мавжуд бўлмаса ҳам, умуман уни ўлчаш мумкинлиги ҳақида З.Фрейд қатъий фикр билдиради.

Кўпчилик одамларнинг ҳаётий кечинмалари ёки бу маънода ментал энергия атамалари ёрдамида баён қилиниши мумкин. Кундалик ҳаётда биз, масалан, “кўнгил очиш” эҳтиёжи ёки салбий қувватдан халос бўлиш зарурияти тўғрисида гапиримиз. Бироқ З.Фрейд бундай энергиянинг қандай хусусиятлари борлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди ва фақатгина унинг қандай эффектларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

Бир неча ўринларда З.Фрейд тушни иллюзиялар ва нораціонал белгилар билан кузатиладиган психозлар сифатида тавсифлайди. Уйқу пайтида эго кучсизланади ва ҳукмронлик қилади, чунки ментал аппаратдаги функцияларни бузилиши невроз ва психозларда ифодаланади. Бунда эгонинг воқелик билан алоқаси бузилади ва қисман тўхтатилади. Бундай тушуниш психоанализнинг терапевтик мақсади учун асос яратади.

“Аналитик врач ва унга келган беморнинг кучсизланган МЕНи (эгоси) реал ташқи дунё асосида душман У (ид)нинг инстинктив талаблари ва супер МЕН (супер эго)нинг онгли талабларига қарши бирлашиши керак”.

Шу муносабат билан психоанализнинг терапевтик мақсади ва Ницшеннинг супермен назарияси ўртасида ўхшашлик борлигини айтиш мумкин. З.Фрейд учун ҳам Ницше учун ҳам асосий муаммо стандарт гипер ахлоқ ва инстинктлар талаблари ўртасидаги низони бартараф қилишдир. Ницшеннинг супермени ўзини невротик худди муваффақиятли психоанализ сеансида ўзини ўзи енггани каби енгади.

қилади. Шу назариядан фойдаланиб, З.Фрейд Худо ҳақидаги ғоя боланинг отасига проекциясининг натижаси, деган хулосага келди.

Машхур топографик моделни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, З.Фрейд “динамик” нуктаи назарини таклиф қилди. У З.Фрейд фикрича, бизнинг ментал ҳаётимиз кучлари ўйиннинг натижаси бўлган ментал низоларни тушуниш учун муҳимдир. Улар қандай ишлаётганини тушуна бошлаганимиздан кейин биз ментал ҳодисаларга динамик қарашни шакллантирамыз. З.Фрейд таъкидлашича, биз хулқни инсонни турли томонларга тортаётган тамойиллар ўртасидаги келишув деб билсак, бу кучларни идентификациялашга асосланган динамик ёндошув асосида таҳлил қилиниши лозим, деб ҳисоблаган кўринади.

Бошида динамик нуктаи назар инсон инстинктларига алоқадор эди. Бироқ у шунчалик кўп ўзгаришларни бошдан кечирдики, энди у дастлабки концепциянинг ривожими ёки унинг ўрнига келган янги концепция эканлиги ҳар доим ҳам равшан эмас. З.Фрейд кўпинча инстинктлар тўғрисида келиб чиқиши соматик бўлган ментал тасаввурлар, деб фикр юритган. Инстинктлар чексиз кўп мақсадларга эга бўлиши ва улар ўзаро низога киришиши мумкин. Бироқ уларнинг намоён бўлиши ижтимоий ёки маданий жиҳатга эга бўлиши керак: одамлар ҳамма жойда ҳам очлик ҳиссини сезади, бироқ уни қандай кондириш ижтимоий детерминация қилинади.

З.Фрейд ўзининг кейинги асарларида ҳаёт инстинкти (эрос) ва ўлим инстинкти (танатоз)ни бир-биридан фарқлади. Унинг таъкидлашича, бу икки асосий инстинкт ғоя юнон файласуфларига ҳам маълум эди. Алоҳида ўлим инстинкти ҳақида З.Фрейднинг ғояси психоаналитик доираларда каттик қаршилиққа дуч келди ва ҳозир ҳам у ҳақда мунозаралар давом этмоқда. З.Фрейд илмий истеъмолга ўлим инстинктини киритар экан, агрессия ва урушлар сингари ҳодисаларни изоҳламоқчи бўлди. Унинг яна таъкидлашича, сексуал агрессиянинг ҳаддан ташқари бўлиши ўйнашни ўз эҳтироси предметининг қотилига айлантриб қўйиши ҳам мумкин. Агрессия шунингдек, интернализациялашган (ўз ичига қаратилган) бўлиши ва ўзини емириб ташлаши ҳам мумкин. Бутун эротик қувватни З.Фрейд либидо деб атади. Либидо бир

Психик ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини фақат ассоциатив жараёнларга тенглаштириб қўйиш мумкин эмаслиги маълум бўлди.

Тафаккур жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тафаккурда мавжуд бўлган баъзи вақтларни тафаккурларнинг оддий ассоциация йўли билан оддий боғланаверишларига тенглаштириш мумкин эмас ва шу вазиятлар билан тафаккур оддий ассоциатив жараёнлардан тубдан фарқ қилади.

Биз ассоциатив жараёнда, аввало, тасаввурлар ҳаракатини кўрамыз, бунда онгимизда ҳосил бўлган ҳар қандай тасаввур аввалги тасаввурлар ёки идрок туфайли ҳосил бўлади. Лекин, бир хил туртки (идрок ёки тасаввур) орқали бирин-кетин пайдо бўлган тасаввурлар ўз йўлида ҳар хил йўналишларга эга бўлишлари мумкин.

Биринчидан, тафаккурда ҳам, албатта, тасаввурлар ёки бошқа психик маҳсуллар (хукм тушунча)нинг ҳаракати содир бўлади. Лекин бу ерда бу ҳаракат аввалги идрок ва тасаввурлар турткиси содир бўлмасдан, балки даставвал қўйилган мақсад ва вазифа билан белгиланади ва бошқарилади. Тафаккур мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёндир. Тафаккур жараёни ҳамма вақт бирорта масалани ҳал қилишга йўналтирилган бўлади.

Иккинчидан, ассоциатив жараёнлар эса пассив жараёнлардир. Ассоциатив қонунга биноан тасаввурлар ҳаракати гўё ўз-ўзича рўй беради, бу ҳаракат олдиндан белгиланмасдан, онгли куч сарфланмаган ҳолда бораверади. Агар тасаввурларнинг ассоциатив оқимида активлик бўлса ҳам, у беихтиёр активликдир.

Бу ўриндаги беихтиёр активлик шахснинг эмоционал ҳолати билан мавжуд тасаввурлар туфайли рўй берадиган эмоционал вазиятлар билан белгиланади.

Тафаккур эса, аксинча, олдиндан онгли куч (диққат) сарфлаш йўли билан содир бўладиган жараёндир. Тўғри, тафаккур жараёнларида ҳам пассив ҳолатлар бўлади, лекин улар бу ўринда фақат қўшимча ва ёрдамчи аҳамиятга эга бўладилар. Пассив ҳолатлар тафаккурни белгилаб бермайдилар, улар бирламчи эмас, балки иккиламчидир, кўпинча ақлий таракқиётнинг юксак босқичларида пайдо бўладилар.

Учинчидан, ассоциатив жараёнларда фақат эсга тушириш, тажрибадан ҳосил бўлган, сезилган ва идрок қилинган нарсалардан нусха кўчиришигина бордир. Тасаввурлар ассоциацияси фақат репродуктив (такрорловчи) жараёндир. Бу жараёнларда онгимизда янги мазмун ҳосил қилинмайди.

Тафаккур маҳсулдор (продуктив) жараёндир. Бунда онгимиз янги мазмунга, янги маҳсулотга эга бўлади. Бу янги маҳсулот объектив борлиқнинг шундай вазиятларни акс эттирадики, бу моментларни бевосита сезги органлари орқали билиш мумкин эмас, бинобарин, тасаввурларда ҳам такрорлаш мумкин эмас.

### Экспериментал психология

Маълумки, XIX аср физика, биология, физиология, химия ва бошқа табиат фанларининг гуллаб яшнаши билан тавсифланади.. Фанда пайдо бўлган экспериментал методнинг кенг қўлланилиши фанларнинг ривожланишига туртки бўлди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларидаёқ психологлар ўртасида психик ҳодисаларни ўрганишда экспериментни тадбиқ қилиш мумкин эмасмикан деган масала майдонга чиқди.

Бу масала бўйича философ И.Кант ўз фикрини айтди. Унинг фикрича, психологияда экспериментнинг бўлиши мумкин эмас, унга математикани тадбиқ қилиш мумкин эмас.

**Кант Иммануил ҳаёти: (1724-1804)** *Германиялик мутафаккир Иммануил Кант Кёнигсберг шаҳрида хунарманд уста оиласида туғилиб ўсди. У оиладаги 9 нафар фарзанднинг тўртинчиси бўлган. И.Кант болалик ва ўсмирлик чоғларида тез-тез касалга чалинган сабабли нимжон, жисзаки ҳамда ваҳимачи эди.*

*1745 йилда у Кёнигсберг университетининг илоҳиёт факультетини тамомлаган. 1755 йилдан то 1797 йилгача шу ерда метафизика, мантиқ, ахлоқий фалсафа, физика, риёзиётдан дарс берган. Умрининг охиригача бўйдоқ ўтган. 57 ёшида “Соф тафаккур танқиди” деб номланган асосий асарини ёзиб тугаллаган.*

*Унинг қуйидаги асарлари маълум: “Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси” (1755), “Мантиқ” (1800), “Амалий мантиқ танқиди” (1788), “Антропология” (1798). Булар И.Кантнинг энг йирик ва машҳур асарлари сирасига киради.*

хусусиятларига ишора қилади. Масалан, ундаги қарама-қаршиликлар айният сифатида талқин қилинади.

Ташқи оламнинг таъсири туфайли ид уникал таракқиётнинг бошдан кечирди. Унда ид ва ташқи оламни ўзаро боғлаб турувчи муайян ментал соҳа пайдо бўлди. Ментал ҳаётнинг бу соҳасини З.Фрейд эго деб атади. Эгонинг энг муҳим вазифаси - ўзини сақлаш. Бундан ташқари у эҳтиёжларни хавфсиз кондиришни ҳам таъминлаш керак. Эго инстинктларни сиқиб чиқариш ёки тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади. У реаллик тамойилига бўйсунди. Демак эго иднинг талаблари ва ташқи дунё ўртасида воситачи бўлиши керак. Эго кучсиз ва кам ривожланган пайтида ўз олдидаги вазифаларни у ҳеч қийналмасдан бажаради. Инстинктларимизнинг талаблари ва ташқи олам талаблари травмага олиб келиши мумкин. Ночор эго кейинчалик ўринсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган сиқиб чиқаришлар ёрдамида ўзини муҳофаза қилади. Ана шундай сиқиб чиқаришларда эго супер эгодан ёрдам олади.

З.Фрейд бир неча марта субъект ўзига объект сифатида қарай олиши ва шу асосда ўзига нисбатан танқидий ва соғлом (judgmental) установкалар ишлаб чиқишга ҳайрат билан қараган эди. Бундай қобилият, деб ўйлаган эди у, эгонинг бошқа қобилиятлардан кейингироқ босқичда пайдо бўлади. У болалардаги ижтимоийлашув жараёнларда аста секин пайдо бўлади. Супер эго ота-оналар меъёрлари ва идеалларини англамасдан интернаризация (ўзлаштириш) натижасидир. Бир мунча кенгроқ маънода жамият ва анъана ўзларининг ахлоқий ҳокимиятини биз виждон деб атайдиган нарса ёрдамида амалга оширади. Айтиш мумкинки, супер эго эгони назорат қилиб туради, унга “тавсиялар” бериб туради ва жазолаш билан “пўписа” қилади. Супер эгонинг фақат ўз ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида эмас, ҳаттоки фикрлари ва хоҳишлари тўғрисида ҳам ҳисобот беришини талаб қилади. Демак, супер эго эго ҳисобга олиши лозим бўлган учинчи кучдир. З.Фрейднинг виждон назарияси тўғри ва нотўғри ҳақидаги туғма ёки мутлақ тасаввурлар бўлиши мумкинлигини инкор

тўқиб чиқарилган нарса чегарасида иш юритди. Аввало унинг ментал ҳаётимизга бўлган ўз қарашларини қандай баён қилганини кўриб чиқайлик.

“Маконда жойлашган, онг ҳодисалари фақат муайян нуқтада шароитларда белгилайдиган ҳаёт эҳтиёжлари асосида рационал тузилмалаштирилган, ривожланган психик аппарат тўғрисида биз қабул қилган фарз бизга бошқа ҳар қандай фан, масалан, физика пойдеворида ўхшаш психология пойдеворини яратиш имконини берди”.

Кўриниб турганидек, З.Фрейд психоанализни физика каби кўради. Бундай талқин унинг баъзи таянч метопсихологик таҳлиллари билан боғлиқ. У ментал ҳаётни ментал кучлар ва ментал қувват билан детерминация қилинадиган ҳодиса сифатида тушунади. Демак, у психоанализ табиий фан деб айтиши мумкин.

Ментал кучлар ва ментал қувват энг қадимги ментал соҳа бўлган идда топилиши мумкин. У инсон инстинктларининг ментал жиҳатларига эга. Фрейд идни “шараклаб қайнаб турган чойнак”ка ўхшатади. Бизнинг инстинктларимиз ҳар доим бизнинг эҳтиёжларимизни қондиришга интилади. Улар лаззат тамойили, деб аталадиган нарсага бўйсундилар. Иднинг индивидни фаоллаштирадиган бошқа функциялари ҳам мавжуд. Улар олдинги сиқиб чиқарилган, бироқ одамни фаоллаштиришда давом этаётган ғоялар ҳаракатлар ва туйғуларни “хотирлаш” ҳақида гап юритади. Бу функциялар мантикий ташкил этилмаган ҳолда ҳаракат қилади. Улар мантикий эмас. Бироқ муайян маънода барибир инсон онгига киришади: сабаб ва оқибатларни тушунмасак, улар бизни ҳаракатга ундайди, депрессия ҳолатига олиб келади ёки хаёл ва фантазияларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, онгсизлик иддаги олий ментал сифат ҳисобланади.

Психоанализдаги энг муҳим ҳолатлар жумласига онгсизлик ёки иддаги жараёнлар бизнинг онгли ҳаётимизни бошқарувчи қонунлардан фарқ қиладиган бошқа қонунларга бўйсунуши ҳақидаги фарзлардир. З.Фрейд бу “қонунларни” бирламчи жараёнлар деб атайди. Туш ишини муҳокама қилишимиз онгсизликда юз бераётган жараёнларнинг ғалати ва чалқаш

*Олим шахсий ҳаётида фалсафий масалалар хусусида суҳбатлашини хуш кўрмаган. Афтидан, у ўзининг тинглашга эмас, фақат ўқитишга қобилиятли эканини яхши англаган.*

*Ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси муайян тартибга солинган файласуф ҳар кеча роппа-роса 10 да уйқуга ётган, тонги соат 5 да уйғонган. У 30 йил давомида бир марта ҳам бу тартибни бузмаган. Роппа-роса кечки соат 7 да сайрга чиққан. Кёнигсбергда яшовчилар Кантга қараб соатларини текширишган.*

Психик ҳодисаларни ўлчашнинг мумкинлиги, психологияда экспериментнинг бўлиши мумкинлиги ҳақида немис психологи И. Гербарт (1776-1841 й.) ижобий фикр айтган. У психологияда математикани тадбиқ этиш мумкин ва зарурлиги ҳақида шундай деган: “Менинг текширишларим амалда фақат психологиянинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, балки физикага ва умуман табиат фанларига ҳам қисман алоқадордир”.

Гербартнинг фикрича, асосий психик элемент тасаввурдир, қолган барча жараёнлар-ҳиссиёт, ирода, тасаввурлар комбинациясидан ва муносабатларидан иборатдир. Рухий ҳолатлар доимо ўзгариш жараёнида бўлади. Тасаввурларнинг бу доимий ўзгариш ва алмашиш жараёнида маълум даражада доимийлик, қонуният мавжуд. Бу доимийликнинг миқдор томонини ўлчаш мумкин. Шунинг учун ҳам, Гербартнинг фикрича, психологияга математикани тадбиқ қилиш мумкин.

Гербарт, гарчанд психологияда экспериментдан фойдаланишнинг зарурлиги ва фойдалигини исботлаган бўлса ҳам, лекин унинг ўзи бу методдан фойдаланмаган.

### **Вебер ва Фехнер**

Психологияда экспериментни тадбиқ қилиш бўйича дастлабки ишларни физиолог Вебер (1796-1878 й.) ва физик Фехнер (1801-1887 й.)лар амалга оширдилар. Вебер ва Фехнерларнинг мақсади ташқи таассуротлар (физик омиллар) ва уларнинг мувофиқ сезгиларининг ўзаро муносабатлари соҳасидаги қонуниятларни топишдан иборат эди. Фехнер экспериментал методлар асосида сезгиларнинг ортиб бориши билан уларни кўзгатувчилар ўртасидаги қиёсий муносабатни аниқлаб, сезги кўзгатувчи логарифмасига пропорционалдир деган

психофизик қонунни кашф этди. Вебер ва Фехнерлар ўтказган тажрибалар “Психофизика” деган алоҳида фаннинг пайдо бўлишига олиб келди.

Вебер ва Фехнер ишларининг аҳамияти, асосан, шундан иборатки, улар биринчи бўлиб психологияни, табиат фанлари сингари, экспериментал фанга айлантириш мумкин эканлигини исботладилар. Шу вақтгача фақат кузатиш, асосан, ўз-ўзини кузатишдан фойдаланиб келинаётган психология энди аниқ фанлардаги объектив методдан фойдалана бошлади.

### **В. Вундт**

Экспериментал психология тараққиётида айниқса немис физиолог ва психолог Вильгельм Вундт (1832-1920 й.)нинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. В.Вундтгача фақат ички тажрибадан ва ўз-ўзини кузатишдан фойдаланиб келган психология фақатгина тасвирий фан эди. В.Вундт эксперимент ва ўлчаш методларини зарур деб топиб, психологияни изоҳли фанга айлантиришни мақсад қилиб қўйди.

В.Вундт психология учун классик методлар бўлиб қолган бир қанча методларни, яъни қўзғатиш методи, ифодалаш методи ва реакция методларини кашф этди ҳамда ривожлантирди.

В.Вундт 1879 йили Лейпцигда биринчи экспериментал психология лабораториясини ташкил қилди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан (1881 й.) у Берлин университети ҳузурида экспериментал психология институтини ташкил қилди.

В.Вундт шуғулланган масалалардан бири ўша вақтда астрономлар томонидан очилган диққатни бир вақтда иккита ҳар хил қўзғатгичга тўплаш мумкин эмаслиги ҳақидаги масала эди. Бу ҳодисани аниқлаш учун В.Вундт (лаборатория ташкил қилингунга қадар) 1861 йилда алоҳида маятник иш ўйлаб чиқарди (Вундт маятниги). Бу маятник градусларга бўлинган ёй атрофида ҳаракатланади ва ҳар бир маълум вақтдан кейин жингирайди. Бу психологик элементлар учун кашф этилган биринчи асбоб эди.

Илмий (изоҳли) психологияни оёққа турғизиш учун В.Вундт қўшимча восита сифатида ёндош фанлар, айниқса физиология, астрономия, этнография,

бирок англаниши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларга мос келади. Онгсизликдаги ғоялар англаниши учун улар аввало меҳмонхона ёки онголдига киришлари керак. Агар меҳмон ҳайдаб юборилган бўлса, кейинги сафар у **ниқобланган ҳолда** (“туш иши” билан қиёсланг) бўлади. Бундай меҳмон “аломат” сифатда қабулга қўйилиши, хўжайин унинг моҳиятини била олмаслиги мумкин. Бу қиёслар қоровул индивиднинг онгсизликни англашиладиган нарсага айлантириш учун мос келади. Қоровул чарчаганда (ёки индивид ухлаётганда) ниқобланган меҳмоннинг кириб олиши (яъни, тушнинг очиқ мазмуни кўринишида) осонлашади. Бундай сиқиб чиқариш жараёни хўжайин англамагани ҳолда юз бериши мумкин.

1920 йиллардан кейин Фрейд топографик моделни ўзгартирди ва *ид*, *эго*, *супер эго* атамаларини киритдики, улар турли психик инстанцияларни ифодалайди.

Психиканинг мана шундай уч кўринишга – *ид*, *эго* ва *супер эго*ларга бўлиниши бошқа супер аналитикларнинг (масалан: француз психоаналитиги Жак Лакан 1966) шунингдек, фан фалсафаси вакиллари томонидан қаршиликка учради. Поппер бир куни бундай бўлиниш Гомер томонидан, Олимп тоғида яшовчилар ҳақидаги афсоналар каби илмий мавқега эга деган эди.

3.Фрейд томонидан ментал аппаратни тушунишни биз метапсихологик позиция сифатида талқин қилишни афзал кўрамыз. Бу эса бизга унинг одамни ўрганишдаги нуқтаи назарини тавсифлаш, унинг клиник амалиётда аниқлаган ходисалар концептуал каркасини аниқлашга ҳаракат қилишимизда ёрдам беради. Эпистемологик атамаларидан фойдаланиб, биз бу метапсихологик карказ психоанализ “тадқиқот дастури”нинг марказий қисмида деб айта оламиз. Айнан мана шу ментал аппарат, ментал қувват ва инстинктлар ғояси ёрдамида 3.Фрейд иррационал кўрқинч ва мияга ўрнашиб қолган ҳаракатларга қарши курашда рационал даллиллар ожиз эканини тушунтирмоқчи бўлди. Бизнинг инстинктларимиз, ташқи оламга муносабатимиз ва виждонимиз “ички овоз” ўртасидаги низони тушуниш учун у бизнинг ментал ҳаётимиз (*ид*, *эго* ва *супер эго*) моделини ишлаб чиқди. 3.Фрейд бу ўринда тушунчалар, моҳиятлар ва

5.3.Фрейднинг тушлардаги яширин маънони аниқлашга уриниши онг ости баъзи “грамматик” коидаларга мос тарзда ишлаши ёки онг ости “тил”га ўхшаб тузилмалаштирилганини (тушни ребус сифатида тушуниш билан таққосланг) тушунишга олиб келади.

Бир қатор сабаларга кўра, З.Фрейднинг ментал “аппарат” тўғрисидаги назариясини тушуниш қийин. Биринчидан, психоанализни ишлаб чиқишнинг турли босқичларида З.Фрейд ўзининг инсон психикасига нисбатан психикага бўлган қарашларини ўзгартириб, кенгайтирган. Гарчи уларнинг ҳаммасининг бирлаштиришга интилса ҳам унинг концепциясида ноаниқ ҳолатлар кўп. Иккинчидан, З.Фрейднинг физиологик ва жуда антропоморф (инсонга ўхшаш) атамалари кўп маънолидир. У “бечора эго” “уч терам хўжайинга” (ташки дунё, ид ва супер эго) хизмат қилади деганда, у ментал функцияларни объективлаштириб персонификациялаштирамоқда, Гилберт Райл (1890-1976) “машина ичидаги рух” деб атаган нарсани киритмоқчи деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

З.Фрейднинг биринчи “топографик модели” (психика ёки инсон шахси тузилмалари харитаси) ментал ҳаётнинг уч локализациясини фарқлайди. Соддароқ қилиб, ментал аппарат майдонда уч соҳага бўлинган: онгсизлик, онголди ва онгликка бўлинган, дейиш мумкин. Онгни индивид бевосита англаётган барча нарсалар, деб тавсифлаш мумкин. Онголди-индивид хотирада тиклаши ёки эслаши мумкин бўлган барча нарсалар соҳаси. З.Фрейд онгсизликни онгга анча ҳаракатлар билан чиқадиган ментал жараёнлар сифатида белгилайди.

“Психоанализга кириш бўйича маърузалар”да (1815-1917) айтилганларни тушунишга ёрдам берадиган мисол келтиради. Меҳмон катта даҳлизда (онгсизлик) ва меҳмонхонага (онголди)га кирмоқчи. Бироқ бу икки хона ўртасидаги коридорда қоровул (цензор) бор ва у меҳмонларни танлаб ўтказди. Агар меҳмон қоровулга ёқмаса, у ҳайдаб юборилади ёки **сиқиб чиқарилади**. Меҳмон меҳмонхонага кирган тақдирда ҳам, унга уйнинг эгаси дарров эътибор қаратади, деган маънони билдирмайди. Бу онголдидаги ғоялар англабмаганини,

тарих, мифология ва бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиш заруриятини илгари сурди.

Лейпциг лабораторияси ва институтидан намуна олиб, Германиянинг бошқа университет шаҳарларида ҳам, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам, жумладан, Франция, Англия ва Америкада лаборатория ҳамда институтлар ташкил қилинди. XIX асрнинг охирида Россияда ҳам бир қанча экспериментал психология лабораториялари ташкил қилинди: Москвада Токарский, Қозонда Бехтерев, Одессада Н.Н.Лангерлар томонидан шундай лабораториялар очилди. 1911 йил Москва университети ҳузурида, махсус қурилган бинода профессор Челпанов раҳбарлигида экспериментал психология институти ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда бу институт РФ Педагогика фанлари академияси тизимига киради.

Профессор А. Ф. Лазурский (1874-1917 й.) томонидан экспериментал методнинг алоҳида тури-табiiй эксперимент ишлаб чиқилди. Экспериментнинг бу туридан бизда болалар психологиясини ўрганишда, педагогика масалаларини, айниқса, таълим психологияси масалаларини ҳал қилишда кенг ва унумли фойдаланилмоқда.

Экспериментал методнинг татбиқ қилиниши психология фани тараққиётига жуда унумли таъсир кўрсатди.

Бу метод ёрдамида оддий кузатиш ёки ўз-ўзини кузатиш йўли билан аниқлаш қийин бўлган ёки бутунлай мумкин бўлмаган кўп маълумотлар аниқланди, айрим психик ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар аниқланган, психик жараёнлардаги, айниқса, сезги, диққат, идрок, хотира соҳасидаги баъзи бир қонуниятлар очилган.

Экспериментал таҳлил йўли билан мураккаб психик жараёнлар (идрок, хотира, тафаккур)нинг алоҳида компонентлари таркибий қисмлари ажратилган, психик жараёнларнинг физиологик ҳодисалар билан, шунингдек, ташқи физик муҳит ҳамда ижтимоий муҳит билан бўлган боғланишлари очилган.

Экспериментал текширишларнинг яқунлари, шунингдек, экспериментал методнинг усулларидан фойдаланиш амалий фаолиятнинг турли соҳаларида –

ўқув тарбия ишларида, медицинада, меҳнатни ташкил қилиш ва рационализациялаштиришда, суд ишларида, санъатда жуда кўп фойда келтиради.

## **ПСИХОЛОГИЯ МАКТАБЛАРИ ЁКИ ЖАҲОН ПСИХОЛОГИЯСИДАГИ ЙИРИК ЙЎНАЛИШЛАР**

XIX ва XX асрдаги психология – бу асосан эмпирик психологиядир. Психологияда XVII асрда пайдо бўлган бу йўналиш XIX ва XX асрнинг бошларида ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Унинг ютуқларига эришувига сабаб эксперимент методининг татбиқ қилиниши эди. Экспериментнинг предмет доираси жуда кенгайди. Юқорида айтилгандек, психология фанининг махсус вазифалари ва методларига эга бир қанча шахобчалари майдонга келди.

Эмпирик психология бир бутун нарса эмас эди. Бу психологиянинг ичида бир қанча йўналиш ва оқимлар мавжуд эди. Психология тарихида булардан анча машҳур ва муҳимлари ассоцианизм, интеллектуализм, волонтаризм, гештальтпсихология ва фрейдизмлар эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда психология фанининг **ассоциатив** оқими вужудга келди. Ассоциатив оқимининг асосчиси Давид Юм (1711-1776) бўлиб, унинг маслакдошлари Давид Гартли (1705-1757), Джозеф Пристли (1733-1804) психик ходисалар, ҳолатлар, жараёнлар, тасаввурларнинг яхлит бўлиб бирлашишининг асосий қонуни сифатида ассоциациялар ҳақидаги таълимотни яратдилар.

Психология фани тараққиётида немис психология мактаби муҳим ўринлардан бирини эгаллади. Асримизнинг бошларида Германияда **Вюрцбург** психология мактаби деб номланган янги йўналишга эга бўлган психологик оқим пайдо бўлди. Мазкур йўналишнинг йирик вакиллари сифатида О.Кюльпе (1862-1915), К.Бюллер (1879-1922), А.Мессер (1837-1937), Ах Нарцис (1871-1946) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Ушбу мактаб намоёндалари ўзларининг

ўраб турган объектлар (ғор, қути, хона, бино ва бошқалар) ёрдамида тимсолан тақдим қилиниши мумкин. (Афлотун томонидан таклиф қилинган ғорга киёслаш психоаналитиклар томонидан қандай талқин қилиниши мумкин эди.) Тушнинг иккиламчи иши тушни мантиқий қарама қаршиликсиз, оғзаки ифодалашга ҳаракат қилишимиздан келиб чиқади. Фрейд фикрига кўра, тушнинг очик мазмуни жуда кўп турли ва қарама қарши элементларни қамраб олади. Айтиш мумкинки у ўта аниқ. Шунга ўхшаш тарзда турли сабаблар занжири ва омиллар психологик аломатларни ўта аниқлаб беради.

3.Фрейд айтишича, тушнинг яширин фикрлари цензурадан ўтказилади. Соддароқ қилиб айтсак, сиқиб чиқарилган ва маън қилинган майллар онгда намоён бўлиш учун “цензурадан” ўтишлари керак. Цензурани четлаб ўтиш учун тушнинг иши тушдаги яширин фикрларни тушнинг очик мазмунига айлантиради. Биз эслайдиган тушимиз махфий, кодлаштирилган ахборотга эга бўлиб, у онгимизга контрабанда йўли билан олиб кирилади. Биз тушимизнинг очик мазмунига ечиш лозим бўлган ребусга қарагандай қарашимиз мумкин. Психоаналитик кодни равшанлаштиргандан кейингина тушнинг янги мазмуни пайдо бўлади. Махфий маъно нима? 3.Фрейд айтишича, катталарнинг тушлари кўпинча сексуал томонга йўналтирилган ва эротик майлларини ифодалайди. (Бу хулоса 3.Фрейд кейинчалик агрессия ёки ўлим уникал инстинкти ҳақидаги тушунчани киритгандан кейин муаммоли бўлиб қолди). Тушларнинг таъбирлашнинг асосий қоидаларини қуйидаги тарзда ифодалаймиз:

1. Тушдаги яширин фикрлар ва очик маъно ўртасидаги тафовут тушнинг мазмунини тушунишда калит бўлиб, хизмат қилади.

2. Тушнинг очик мазмуни- ундаги яширин фикрларни бузилган ифодаси бўлиб, таъбир жоиз бўлса, туш ишининг маҳсулидир.

3. Тушларни таҳлил қилиш учун 3.Фрейд “эркин ассоциациялар” услини қўллайди, бу усулдан психотерапияда ҳам фойдаланиш мумкин.

4. 3.Фрейднинг тушларнинг талқин қилишга ёндошуви бизга инсон ментал ҳолатларининг бой манзарасини намоён қиладиган психологик моделнинг асосларини ифодалайди.

Иккинчиси, онг ости сатҳида ёки “бошқа қаватда” тушнинг очик мазмуни унинг сиқиб чиқарилган ва англамаган мазмунининг ўрнига вужудга келади. Сиқиб чиқариш бизнинг ментал мурватларимиз таъсири натижасидир. Уйғоқлигимизда бу мурватлар бизнинг онгимизга онг остидаги ва сиқиб чиқарилган майлларнинг кириб келишига йўл қўймайди. Бироқ ухлаганимизда, улар бизнинг психикамизга ниқобланган ҳолда кириб келадилар.

Демак ухлаётган одам тушларнинг маъносини худди невротик ўзидаги аломатлар маъносини тушуна олмаганидай тушунмайди.

Биз эслайдиган (очик мазмуни) тушлар сиқиб чиқарилган майлларнинг бузилган ҳолда рўёбга чиқишидир. Тушдаги яширин онг ости фикрларини бузиб кўрсатувчи жараёни З.Фрейд “тушнинг иши” деб атайди. Кўп жиҳатдан у сиқиб чиқарилаётган комплексларни невротик аломатларга айлантирадиган муваффақиятсиз сиқиб чиқариш жараёни билан бир хил кечади. “Туш иши”нинг мурватли тушларни бўрттириш, ўрнини алмаштириш, драматиклаштириш ва тимсоллаштиришдир. Бундан ташқари тушнинг иккиламчи иши ҳам мавжуд. Онг ости шундай қилиб, “артистик” воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу маънода биз барчамиз тушларимизда ҳам актёрлармиз.

Бўрттириш масалан: тушдаги воқеа (эсда қолган) бир неча турли хил истаклардан иборат бўлиши мумкин. Ўрин алмаштириш шундай жараёнки, тушимизда биз учун жуда зарур бўлган ҳодиса ёки шахс жуда кичик ишора ёки бизга нотаниш нарса сифатида намоён бўлади. Худди шундай, ҳодиса мазмун жиҳатдан жуда оддий ҳодиса ифодаланган тушимиз кўрқинч ёки кучли хиссиётлар билан боғланиши мумкин. Бўрттириш ёки ўрин алмаштириш ўз ишини қилиб бўлгандан кейин, психоаналитик англамаган мазмунни аниқлаш ва тадқиқ этиш учун “эркин ассоциациялар” усулидан фойдаланади.

Шунга ўхшаш тимсоллаштириш бузишнинг бир варианты бўлиб чиқади. Масалан: эркакларнинг гениталийси унга шакл жиҳатдан ўхшаш бўлган объектлар. Масалан, консерва банкиси, зонтик, пичоқ ва револьвер каби нарсалар билан алмаштирилиши мумкин. Аёлларнинг гениталийси бўш жойни

экспериментал тадқиқотлари билан тафаккур муаммосининг ривожига маълум даражада ҳисса қўша олдилар.

XIX аср охирларида, аниқроғи, 1879 йилда немис олими Вилгельм Вундт Лейбниц университетида дунёда биринчи экспериментал психологик лабораторияга асос солди, унда ўтказилган юзлаб тажрибалар ва экспериментлар психологиянинг ҳам алоҳида фан сифатида ўзини кўрсатишга ҳақли эканлигини исботлади. Айнан шу инсоннинг психология илми мактабини яратганлигида маъно бор. Чунки В.Вундт тиббиёт фани бўйича ҳам мукамал билимларга эга бўлди, кейин физиология соҳасида муваффақиятли ишлади, сўнгра фалсафага берилиб кетди. Балки, айнан бир қатор фанларни – ҳам гуманитар, ҳам табиий фанлар асосларини яхши билганлиги объектив сабаб бўлгандирки, олим инсон психологияси, унда рўй берадиган жараёнлар – оддий сезишдан тортиб, мавҳум тафаккурғача бўлган жараёнларни, ҳиссий ҳолатларни амалий тарзда экспериментларда ўргана бошлади. Унинг мақсади – энг аввало инсон онгини ташкил этувчи соф элементларни ажратиш олишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам психологияда у асос солган йўналиш *структурализм* деб номланди.

В.Вундтнинг таъсири шу қадар кучли бўлдики, ер куррасининг бошқа бир томонида – Америка Қўшма Штатларида *функционализм* деб номланган яна бир йўналиш пайдо бўлди. Э.Титченер асос солган бу йўналиш вакиллари нафақат кўзга кўринмас онг тизими элементлари, балки кўз билан кўриш мумкин бўлган ва фаолият натижаларига асосланган белгилар асосида ҳам инсон хулқ-атворида баҳо бериш мумкинлигини исботлади. Бошқа бир йирик америкалик психолог В.Жеймснинг тадқиқотлари амалий аҳамиятга молик бўлдики, энди у дадил психологияни онг элементлари эмас, балки онг фаолиятини ўрганувчи фан деб таърифлай бошлади. Онг динамик, ҳаракатдаги, ўзгарувчан яхлит тузилма бўлиб, унинг намоён бўлишида тананинг шарт-шароитлари, унинг фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу икки тузилмалар одамнинг янги шароитларга мослашуви ва умуман ташки муҳитда ўз ўрнини топишга имкон беради.

Юқоридаги фикрлар таъсирида XIX асрнинг охирида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган **бихевиоризм** оқими пайдо бўлди.

Бихевиоризм оқимининг асосчилари америкалик психологлар Дж.Уотсон (1878-1958) ва Э.Торндайклардир (1871-1949).

Кейинчалик булар қаторига К.Лешли (1890-1958), А.Вейс (1974-1931) ва бошқалар келиб қўшилдилар. Маълум давргача мазкур оқим психология оламида доминантлик ролини ўйнади. Ҳозирги даврда бу оқим бир неча мустақил психологик мактабларга ажралиб кетган.

Ушбу йўналиш вакиллари асосий ғоялари шундан иборат бўлдики, улар психологиянинг предмети нафақат онг ёки нафақат фаолият, балки **хулқдир** деб асослади. Хулқ у ёки бу ҳатти-ҳаракатлар, амаллар, реакцияларда ифодаланиб, ташқи таъсир-стимулга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг психологиясини билиш учун ўша таъсир кўрсатувчи ва таъсирланган хулқ ўрганилиши керак. Бу нарсалар бизнинг ҳозирги шароитимизда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишда, таълим беришда ва психотерапияда инobatга олинади, улар ўтказган машҳур «S-R» формуласи бизнинг шароитларда ҳам таъсир кўрсатиш техникасида инobatга олинади, улар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Бихевиоризм психология мактаби, психология фанининг предмети психикани эмас, балки инсон ва ҳайвонлар хулқини ўрганишдан иборатдир, деган ғояни илгари сурувчи ва ҳимоя қилувчи оқимдир.

Атокли женевалик психолог Жан Пиаже (1896-1980) мураккаб **интеллект** муаммосига бағишланган назарияни ишлаб чиқди. У аксарият ҳолларда “тафаккур” тушунчаси ўрнига “интеллект” терминини қўллайди, лекин шунга қарамадан, унинг тадқиқотларида “тафаккур психологияси” деган сўз бирикмасини учратса бўлади.

Ж.Пиаженинг интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, интеллект функциялари ҳамда интеллектнинг даврлари таълимотларини ўз ичига камраб олади.

психоаналитик травманинг илдизларини аниқлашади. Демак, психоанализнинг терапевтик мақсади онг ости ва сиқиб чиқарилган ахборотни қайта тиклаш ва уни эго тассаруфига узатишдан иборат.

Онгости (подсознание)ни турли усуллар билан ўрганиш мумкин. Жумладан, ана шундай усуллардан бири “эркин ассоциациялар” бўлса, иккинчиси туш ва янглиш ҳаракат (ибора)ларни чуқур герменевтик талқин қилишдир. З.Фрейднинг ўзи тушларнинг таъбирига марказий ўринни ажратган эди.

“Тушларни таъбирлаш онгсизликнинг билишга (подшоҳ қасрига йўл) бўлиб, психоанализнинг энг асоси ва ҳар қандай тадқиқотчи ишонч ва маълумот оладиган соҳадир. Мендан, қандай қилиб психоаналитик бўлиш мумкин, деб сўрашса, мен доимо ўз тушларингизни ўрганиш орқали, деб жавоб бераман”.

“Тушлар таъбири” асарида тушлар психозлар билан ташқи ўхшашлик ва ички ўзаро алоқадорликка эга, дейилади. Бироқ улар соғлом ва нормал ҳолат билан тўла мос келиши мумкин. Умуман, туш “аломат” сифатида талқин қилиниши мумкин, бироқ ниманинг аломати сифатида? З.Фрейд ёш болалар ўзларида бир кун олдин (“кундузги фантазия”) пайдо бўлмаган лекин кондирилмаган истаклар ва майллар ҳақида туш кўришларини айтиб ўтади. Туш, шундай қилиб, улар истакларининг рўёбга чиқишидир. Катталарнинг туши ҳам “кундузги фантазиянинг” муайян қисмига эга, бироқ бу ерда вазият мураккаброк.

Катталарнинг тушлари кўпинча тушунарсиз ва кундузги майлларни кондиритдан жуда узоқ (дахшатли тушлар ва ваҳималар).

З.Фрейд фикрича, бундай тушлар онг остига сиқиб чиқарилиш объекти бўладилар. Тушлар кўрқинч билан бирга бўлса, бу уларнинг сиқиб чиқарилган, эга маъқулламайдиган ва маън қилинган истакларини қондириш мақсадида вужудга келади.

Тушни тушуниш учун унинг очиқ мазмунини ва яширин онгсиз мазмуни (тушдаги яширин фикрлар)ни фарқлашимиз керак. Биринчиси, биз уйқудан уйғонгандан кейин озми-кўпми эслашимиз мумкин бўлган нарсалар.

адашишлар ва хотирадан кўтарилиб қолишлар каби “хатоликлар” тадқиқ қилинади.

З.Фрейднинг фикрича, бундай феноменлар тасодифий ва маъносиз эмас, балки онгсизлик ва ниятларни ифодалайди. Масалан: биз ўзимизга ёқмай колган кимсадан олинган тассуротни йўқотамиз ёки эсдан чиқариб қўямиз.

Мана шу ернинг ўзидаёқ айтиш мумкинки, психоанализ инсонни янгича тушунишни таклиф қилади, бизнинг тушларимиз, ноадекват реакцияларимиз, ҳазилларимиз ва асарий “аломатлар” ортида аксарият ҳолларда онгсиз мотивлар бўлишини таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, З.Фрейд мулоҳазаларига амал қилсак, субъектнинг онгли мотивлари ва ниятлари асносида тушунарли бўлган нарсалар онгсизликни психоаналитик тадқиқ қилиш натижасида янги маъно касб этиши мумкин. Бир қарашда тушунарсиз ва маъносиз бўлган “аломатлар”, уларга онгсиз мотивлар ва ниятлар ифодаси сифатида қаралса маъно касб этади. Демак, биз З.Фрейд “шубҳа герменевтикаси”ни асослаяпти деб айтишимиз мумкин.

Нерв жараёнлари хасталикка учраган беморлар билан мулоқот қилар экан, З.Фрейд улар ўзларининг “ички хориж”и бўлган онгсизлигини англамаётганликларини аниқлади. Шу билан бирга бемор психоаналитикни ўзидаги нервозлик аломатлари деб тушунишга олиб келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, аломатлар мазмунга эга, бироқ бу аломатларнинг эгаси ҳам, доктор ҳам бу мазмун ҳақида бевосита билимга эга эмас. Шу ўринда талқин зарур бўлиб қолади.

З.Фрейд айтишича, (яширин ёки хавотирли) сексуал майллар маънисиз кўринадиган симптомлар ёки тушга айланиши мумкин. Хўш нима учун бундай майллар онг остига сиқиб чиқарилади? З.Фрейд фикрича, эмоционал кечинмаларни психиканинг хотира етиб бора олмайдиган қисмларига сиқиб чиқариш механизмлари мавжуд. Намоён бўлиши жиҳатидан алмаштирилган кечинмалар травма бўлади (травма ўзбек тилида “яра” маъносини билдиради). Травманинг келиб чиқиши охир оқибат илк болаликкача текширилиши мумкин. Муҳокаманинг ўзига хос (эркин ассоциациялар) усулидан фойдаланиб, бемор ва

**Волюнтаристик психология**, интеллектуализмдан фарқ қилиб, психик ҳаётнинг асоси сифатида шахснинг иродасини, фаоллигини илгари суради. Барча мураккаб психик жараёнлар, хусусан, тафаккур ҳам инсоннинг иродавий фаоллиги деб талқин қилинган.

Волюнтаристик психологиянинг вакиллари Г.Линне (1889-1941й), Г.Мюнстерберг (1863-1916й.) эдилар. Вильгельм Вундт ҳам, гарчанд ироданинг асоси ҳислардир деб ҳисоблаган бўлса ҳам, волюнтарист эди.

Германияда психологиянинг **гештальтпсихология** йўналиши вужудга келди. Бу йўналишнинг асосий вакиллари Х.Эренфельс (1859-1932), В.Келер (1887-1967), К.Кофка (1886-1941) ва бошқалар кирадилар.

Гештальтчилар барча мураккаб психик жараёнлар оддий ҳолатларда, яъни сезгилардан иборат деб ҳисобланган ассоцианистлар ғоясини қаттиқ танқид қиладилар. Улар ассоцианизмга қарама-қарши бўлган таълимот яратиб, ҳар қандай психик жараён ва ҳолат яхлит образдан, гештальтдан, яъни яхлит структурадан иборат деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Уларнинг фикрига қараганда ҳар бир психик ҳодисанинг мазмуни унинг таркибига кирувчи қисм ва элементларни биргаликда акс эттиришдан кўлам жиҳатдан кенг, мазмун жиҳатдан ранг-барангдир.

Бу психик тузилишнинг яхлитлиги назарияси, аввало идрок фактлари, асносида ишлаб чиқилган эди. Идрок - бу сезгиларнинг йиғиндиси эмас, балки яхлит образдир, деб таъкидланади. Психик маҳсуллар ва тузилмаларнинг яхлитлиги ҳақидаги бу таълимот кейинчалик хотира, тафаккур ва ирода ҳодисаларига ҳам татбиқ қилинган эди.

Бу алоҳида-алоҳида йўналиш ва оқимлар, бир қанча умумий хусусиятга эга бўлган ҳолда (айниқса муҳим моментларда) “Эмпирик психология” деган умумий ном остида бирлашдилар.

Психологиянинг предмети ва методларини бир хилда тушуниш бу барча оқимларнинг бирлашувига сабабчи бўлди.

“Эмпирик”лар психологияни руҳ ҳақидаги фандир, деб эмас, “руҳий ҳодисалар” ёки “онг ҳодисалари” ёки бўлмаса фақатгина онг ҳақидаги фандир

деб таъкидладилар. Бу “руҳсиз” психологиядир (Н.Н.Ланге), “ҳеч қандай метафизикасиз психологиядир” (А.И.Введенский).

Эмпирик психологиянинг тарихий хизмати шундан иборатки, унинг вакиллари илмий жиҳатдан ўрганиш предмети сифатида руҳни инкор қилди. Бу ҳолатни психологиянинг метафизик ва идеалистик қарашлардан ҳоли бўлиш йўлидаги катта қадам деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, эмпирик психологиянинг асосий методи кузатиш, тажрибадир. Лекин табиат фанларидан психология соҳасига кўчирилган бу метод ички метод ички тажриба сифатида бошқача тус олади.

Эмпирик психологияда объектив кузатиш методидан ҳам, эксперимент методидан ҳам фойдаланилган: психик ҳодисалар ҳар хил махсус асбоблар ёрдами билан махсус лабораторияларда ўрганилди; материалларни текшириш ва яқунлашда математик статистика (корреляция) методларидан фойдаланилди.

Эмпирик психологиянинг психология фани тарихидаги иккинчи катта хизмати тажрибадан фойдаланишда, психологик экспериментлар ўтказишнинг метод ва техникасини ишлаб чиқишдан иборат.

Психология томонидан экспериментнинг тадбиқ қилиниши туфайли инсон психологияси соҳасида бой материаллар тўпланган. Бу материалларнинг кўпчилик қисми ҳозиргача ҳам аҳамиятини йўқотмаган (масалан, В.Вундт ва Г.Эббингаузнинг экспериментал ишлари). Эмпирик психология аниқлаган маълумотлар ва ишлаб чиққан экспериментал метод ва усуллар амалиётда ҳам, масалан, тиббиёт ва педагогика соҳаларида фойдали бўлиб чиқди.

З.Фрейд психоанализнинг асосчиси ҳисобланади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу соҳадаги ютуқлари Ч.Дарвин ва А.Эйнштейн каби олимлар билан бир қаторда туради.

**Фрейд ҳаёти:** *Зигмунд Фрейд 1856 йилда Фрейбургда, ўша пайтдаги Австрия Венгрия империясининг ҳозирги кунда Чех республикасига тааллуқли қисмида тугилди. У тиббиётни Венада ўрганиди ва шу ерда Австрия нацистлар 1938 йилда аннексия қилгунларига қадар яшади. Яҳудий сифатида у ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди ва Лондонга бориб ўрнашди, ўша ерда 1939 йилда вафот этди. Узоқ йиллар давомида у бедаво саратон касаллиги билан курашиб яшади.*

*Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар: “Тушларнинг таъбири”, “Психоанализга кириш бўйича маърузалар”, “Лаззат тамойили ортида”, “Бир иллюзиянинг келажаги”, “Маданиятдан норозилик”, “Мусо ва монотеизм”.*

У ўзига қадар инсон ҳақида мавжуд бўлган тасаввурларни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Р.Декарт, Ж.Локк ва И.Кант фикрига кўра, табиат ҳар бир индивидни ирода эрки билан таъминлаган. Эркин танловни амалга ошириш лаёқати индивиднинг энг асл моҳиятини билдиради ва онгли “мен” билан боғланган бўлади. Инсон психикаси (жон) ҳақидаги фикрни З.Фрейд иллюзия сифатида талқин қилади. Онгли “мен” кудратли онгсиз ментал ҳаётнинг фақат чўққиси холос.

Шундай қилиб, З.Фрейд субъект ҳақидаги бизнинг тасаввурларимизда инқилобни амалга оширди. Онгли ментал ҳаёт инсоннинг умумий ментал ҳаётида фақат кичкина бўлак ҳисобланади. Бизнинг онгимиздаги жараёнлар онгсиз омиллар билан катъий детерминация қилинади. Бу ҳолатни иллюстрация қилиш учун кўпинча айсберг билан киёслашади. Барча онгли жараёнларни айсбергнинг сув устидаги қисмига ўхшатиш, унда онгсизлик музнинг анча катта, кўринмас сув остидаги қисмига ўхшатилади. Айнан мана шу кўринмас масса ҳам оғирлик марказини, ҳам айсбергнинг ҳаракат йўналишини аниқлайди. Шунга ўхшаш онгсизлик ҳам бизнинг индивидуаллигимиз негизи ҳисобланади.

Аср бошида ёзилган икки муҳим асарида З.Фрейд барча индивидларда онгсиз ментал жараёнлар мавжудлиги ҳақида гапиради ва психоанализ кундалик ҳаётнинг онгсиз сабабларини аниқлаб беришга қодир эканлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида инсон руҳининг янги ва ҳар томонлама назариясини ишлаб чиқишга олиб келади. “Тушлар таъбирида” (1900) тушлар мазмунга эга экани ва англамаган майлларнинг онгга бузилган ва ўзга шаклда бостириб киришлари натижаси эканлиги қайд қилинади. Тушларга яширинган онгсизлик мазмунини фақат мураккаб талқин жараёни ёрдамидагина аниқлаш мумкин. “Кундалик ҳаёт психопатологияси” асарида кундалик ҳаётдаги нутқдаги